СССР Давлат матбуот
27 СЕН 1991

# Нелкин элнинг саловидур анни кил,

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ازبکستان ادبیاتی وصنعتی 1991 سنه

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

27 СЕНТЯБРЬ, № 39 (3143) ЖУМА


Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

## УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ

ШУ КУНЛАРДА БАРЧАМИЗ чинакам тарихий даҳиқаларни бошдан кечираётирмиз. Наинки, ўзбек халқи, балки башариятнинг даҳо фарзанди Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йиллик тўйларини нишонлаб турибмиз.

**Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,**
**Ҳаммасига гувоҳ — ер остн.**
**Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро**
**Жаҳонгирн кам бўлар, рости.**
**Беш асркм, назмий саройнн**
**Титратадн занжирбанд бир шер.**
**Темур тиғи етмаган жойни**
**Қалам билан олди Алишер.**

Улуғ бобомизни ўйлар эканмиз, ҳар биримизнинг хаёлимиздан нелар кечишини тасвирлаб бериш қийин. Шукрлар бўлсинким, мен ҳам Навоийнинг набираларидан бириман. Менинг ҳам ўй-фикримда қандоқ ғалаёнлар жўш уриб турганлигини ёлғиз ўзим биламан.

Азиз дўстларим! Аёнки, буюк Навоий ижоди ва фаолияти улуғ бир уммондир. Унинг тубига етиш ёхуд бу буюк баҳрни дафъатан баҳолаш неча-неча авлодларнинг ҳам умрига татигуликдир. Бугун инсоннинг дасти юлдузларга етди. Асримиз техникаси коинот миқёсига кўтарилди. Бироқ маънавий камолотимизнинг фазоси 550 йиллар ортидан қўл етмас армондек порлаб турибди. Булар Навоийнинг сўнмас идеаллари, юксак инсонпарварлиги, беқиёс санъатидир. Шу маънода ушбу мозий бизга келажак бўлиб туюлаётир.

Ҳар қандай ғояни турли усулларда баён этиш мумкин. Кимдир донишманд файласуф сифатида, бошқа биров моҳир сиёсатчи тариқасида фаолият кўрсатади. Бироқ Алишер Навоийнинг шуури ва тафаккури, ижтимоий фаолиятида буларнинг барчаси олий даражада мужассамлашган. Албатта, Алишер Навоий биринчи навбатда шоирдир. У «Хамса»дек, «Хазойин ул-маоний»дек муҳташам назмий қасрларнинг меъморидир. Бу улуғ зот ўзининг буюклигини теран равишда билар эди.

**Қаю элгаким фармон йибордим,**
**Онинг забтига бир девон йибордим.**

Навоийнинг шеърий маҳорати ҳақида бир умр бетўхтов гапириш мумкин. У ўз жоду санъатини, ғазалиётини фақат санъат безаги учунгина эмас, балки аниқ муроду мақсадлар учун, эзгу ғоялари, ниятлари учун хизмат қилдирди. Унинг бетакрорлиги ҳам ана шунда. Буни айниқса, озми-кўпми, таъби назми бор кишилар яхши фаҳмлайдилар. Афсуслар бўлсинки, биз кўп йиллар Навоий сиймосига ўзимизча тузатиш киритишга уриниб келдик. Натижада, улуғ шоирнинг идеалини белгиловчи минглаб сатрлар нашр этилмади. Биз у зотни ҳатто даҳрий дейишгача бориб етгандик. Навоий ғазалларида куйлаган ёрни илоҳий сийрат эмас, балки оддий суврат деб билдик.

Албатта, Навоий фақат сеҳрли олам ошуфтаси—ошиқ шоиргина эмас. У, айниқса, ўз достонларида, юзлаб ҳикоятларида даврининг энг нозик сиёсий-ижтимоий нуқталарига тадбиркорлик ва лутф билан муносабат билдириб келган. Шу маънода у ғоятда жасур инсондир. Айни вақтда, унинг фуқаропарварлиги, раҳмдиллиги ҳақида юзлаб ривоятлар яратилган. Мана шулардан бири. Бош вазир Алишер сайру саёҳатда чодир қуриб бир мунча вақт саҳрода туриб қолибди. Шу орада чодирга бир қуш ошён қуриб полапон очаётган экан. Алишер ўша қуш то полапонини учирма қилгунича безовта бўлмасин, деб чодирда махсус қоровул қолдирибди. Қушгаки шунчалик меҳрибон бўлган зот халқ дарди учун қанчалик куйиб ёнган экан?

МЕН ҲАМ НАВОИДЕК УЛУҒ ТОҒ қаршисида хаёлга чўмаман. Навоий даврида дунё ёруғмиди ёхуд қоронғумиди? Ўтмишидан тонганлар учун у албатта қоронғу. Бугунги куни қоронғу бўлганлар учун эса у ёруғ. Аслида инсон боласи ўша замонларда ҳам фазилату нуқсонларни ортмоқлаб юрган. Навоий ўз даврининг қомуси сифатида мана шу фазилату нуқсларнинг барчасини баралла қаламга олди. У чиқарган хулосалар умуминсоний кашфиётлар бўлиб қолди. Навоийга бугун ҳам қайта-қайта мурожаат қилаётганимизнинг боиси шундадир.

Орадан йиллар ўтар, неча-неча дарёлар оқимини ўзгартириб, неча-неча тоғларнинг асрий қиёфалари бошқача тус олар, не-не уммонлар чекиниб, қанчадан-қанча денгизлар пайдо бўлар. Ҳали қанча авлодлар аждодларга айланар, биз ҳозирча тасаввур этолмайдиган зурёдларимиз дунёга келар. Уларнинг турмуш тарзлари, феъли атворлари нечук бўлғай — бу, бизга қоронғу.

Давоми иккинчи бетда



Тошкентда барпо этилган Навоий хиёбони манзаралари

С. МАҲКАМОВ суратга олган

## ОТАМАКОН ЎЗБЕКИСТОНДА

24 сентябрь куни Тошкентда «Эл» халқаро уюшмаси ташаббуси билан чақирилган ўзбеклар (туркистонликлар)нинг биринчи халқаро учрашуви бўлиб ўтди. Анжуманда кўплаб хорижий мамлакатларда яшайдиган ватандошларимизнинг вакиллари, улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйи муносабати билан узоқ-яқиндан, қўшни жумҳуриятлардан келган меҳмонлар, Ўзбекистон фан ва маданият намояндалари иштирок этдилар. Учрашувни Ўзбекистон республикаси Президенти **Ислом Каримов** табрик сўзи билан очиб, Туркистонлик ватандошларимизни озод ва мустақил Ўзбекистонга, ота-боболаримиз хоки ётган тупроққа — бобо замин Ўзбекистонга шундай муборак кунларда ташриф буюрганликлари билан самимий қутлади.

— Ҳаммамизга маълумки, мустақилликка эришиш, эркинлик ва озодлик йўли ҳеч қачон енгил бўлган эмас, — деди И. А. Каримов. — Биз халқимизнинг, бутун ватанпарвар элимизнинг юз йиллар давомида қилган орзу-умидини рўёбга чиқариш — Ўзбекистонимиз, она-юртимиз фаровон яшаши учун, етук мамлакатлар қафидан ўрин олиш учун, умуминсоний тараққиёт йўлига тушиши учун дастлабки қадам қўйдик.

Жумҳурият Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари **Эркин Самандаров** ўз сўзида мустақил Ўзбекистоннинг маданий тараққиёт йўллари, халқимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан эркинликка чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар, кўзда тутилаётган тадбирлар хусусида фикр юритди. Жумладан, тез орада пойтахтимизда «Мерос» маркази ташкил этилади. Бу марказга турли йилларда ўлкамиздан ташиб кетилган нодир ва ноёб буюмлар, тарихий аҳамиятга молик қимматли ёдгорликлар, маданий хазиналаримизнинг дурдоналари қайтариб олиб келинади. Яқинда иш бошлаган «Мерос» нашриёти эса кўп асрлик тарихимиз мобайнида яратилган илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият дурдоналаридан ҳалқимизни баҳраманд этувчи китобларни нашр эта бошлайди. Бу китобларни чоп этишда фақат Ўзбекистон халқларининг эмас, жумладан, қўшни жумҳуриятлардаги миллатдошларимиз, хориждаги ватандошларимиз, ўзбек маданий мероси билан қизиқувчи барча халқларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

Анжуманда сўзга чиққан афғонистонлик Саид Икром Пайгир, Саид Абдул Ҳаким, саудия арабистонилик Комилжон Абдулла Андижоний, австралиялик Ҳусан Хўжа, туркиялик профессор Навзот Елчинтош ва бошқа ватандошларимиз шу йилнинг 31 августида эълон қилинган Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги хушхабарни катта шод-хуррамлик ва севинч ёшлари билан

> **Ислом КАРИМОВ:**
>
> **Дунёда ўзбекман деган, туркистонликман деган ҳар бир инсоннинг асл Ватани шу тупроқдир.**
>
> **Бу тупроқда улуғ бобокалонларимиз хоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни қўмсаб, унга етолмаганлар руҳи-покларига бош эгамиз. Ота-боболаримизнинг арвоҳлари бизнинг Ватанимиз учун қилаётган хизматларимиздан доим шод бўлсин.**

Келаси йил январидан бошлаб нашр этиладиган «Мерос» жаридаси ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

Элдошлар учрашувининг ташкилотчиси Абдурауф Мақсудий «Эл» халқаро уюшмасининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон ва хорижда яшайдиган ватандошлар ўртасида маданият, санъат, адабиёт, зиёрат ҳамда иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мустақил Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти учун ҳар қачонгидан кўра муҳимдир, деди. У Ўрта Осиёдаги, чет эллардаги барча ватандошларимизни ўзбекларнинг, туркистонликларнинг миллий давлатчилигини шакллантириш ва равнақ топтириш, Ўзбекистоннинг жаҳондаги энг тараққий этган мустақил давлатлар сафидан ўрин олиши учун бирлашишга, ҳамжиҳатликка, кучғайратларни эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этишга чақирди.

Анжуманда иштирок этган ватандошларимиз ўзбек маданий ҳаётини ривожлантириш, ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш, ўзбек ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалқимизнинг ҳаётини ёритувчи ҳужжатлар, фотосуратлар, ҳужжатли фильмлар, ҳунармандчилик буюмларини тайёрл

# УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ

Боши биринчи бетда

Лекин ноумид шайтон, дейдилар. Азалий ноқис инсон боласи бир кун камолотга етишмоғи муқаррардир. Зеро, унинг руҳиятида илоҳий оташнинг учқунлари йўқ эмас. Умид қилайлик, наинки оддий қўни-қўшнилар, балки бусбутун халқлар, миллатларнинг ҳам кўнгилларига адлу инсоф туйғуси кириб, улар бир-бирлари билан иноқ ва тотув яшай бошларлар. Асрий низолар унутилар, муҳитда меҳру оқибат иморати барпо бўлар.

Ахир, диёнатли инсон фарзандларининг азалий орзулари шу эмасмиди! Ахир, не-не пайғамбарлар, набилар, авлиёлар тарғиб этган ақидаларнинг асл моҳияти шу эмасмиди! Ахир тафаккурга қулоқ тутиб ўзлари балоларга гирифтор бўлган Улуғбек сингари тождорларнинг армонлари шу эмасмиди! Ахир, тунни тонгларга улаб, минг бир азият билан шоҳона асарлар битган адибларнинг, маърифат эгаларининг орзулари инсонни мукаммал кўриш эмасмиди!

Такрор айтаман, ана шундоқ буюк армон соҳибларидан бири табаррук кунда пешонамизга битган бобомиз — Алишер Навоий бўладилар. Юқоридаги сингари орзу-армонлар бу зотни ҳам умр бўйи қийнади, ҳали олтмишга тўлмасларидан мўйсафидга айлантирди. Афсуски, орадан беш юз йиллар ўтса ҳамки, бу саркаш дунё ўша бири камлигича қолаверди. Инсон боласи раҳмондан юз ўгириб, ҳазрати шайтоннинг этакларига қаттиқроқ ёпиша бошлади. Бироқ тараққиётдан кўз юмиш ҳам мардликка кирмайди. Халқлар, миллатлар, ҳар нечук, мўъжизалар ҳам яратиб турди.

Мени бир нарса ўйлантиради. Ажабо, тарих корсонининг атрофида йиғилган халқлар ўртасида қошиқ қўлмақўл айланар экан. Бир замонлар дунёни титратган империялар бора-бора бизнинг Оролимизга ўхшаш кўлмакка айланиб қолди. Улар бугунги кунда, кўп борса, камтарин давлатлар даражасидадирлар. Жумладан, соҳибқирон Темур даврида тегирмон навбати бизнинг боболаримиз қўлида эди-ку. Бора-бора биз ҳам мутега айландик. Балки қайтар дунё деб шуни айтарлар. Лекин Маҳшар кунининг ҳам чегараси бор-ку. Тарих ва тақдир илтифоти билан Ўрта Осиё, хусусан, ўзбегимиз ҳаётида ҳам шукрона айтгулик кунлар бошланди. Улуғ Навоий тарошлаб кетган, лекин йиллар мобайнида чанг ва ғубор боса бошлаган гавҳар тилимиз қайтадан жило топмоқда. Она тилимизнинг нечоғлик оёқ ости бўлганлигини дафъатан эшита кўрса, Навоий бобомиз қай ҳолга тушишларини тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Зеро, тилимизнинг ўнгланиб бораётганлиги бобомиз руҳини шод этиш йўлидаги энг савобли ишдир. Шоирона ташбеҳ билан бир гап айтай: халқимизнинг бир фазилати ёққан эканки, бизга яхшилик тилаб ўзбек туркийсида сўзловчи Алишердек табаррук зот жўнатилган экан. Бунинг учун яратганга минг бора шукр айтамиз.

ТАҒИН ЭНГ МУҲИМ БИР ГАП: Айни кунларда Ўзбекистонимиз мустақиллик унвонини қўлга киритди. Ўз халқининг мутелигини кўрган Навоий не аҳволга тушишини ҳам тасаввур этиш мумкин эмас. Худо кўрсатмасин, муҳташам достонларини қўлтиқлаган улуғ бир чол қайсидир марказларга бориб, нашриётма-нашриёт таржимон ахтариб юришини ҳазм қилиб бўлармиди?

Шу боисдан юртимизнинг мустақиллиги ҳам Навоий бобомиз руҳи олдидаги **энг буюк юз ойдинлигимиздир.** Дўстларим, дафъатан хаёлингизга эрк бериб кўринг: ушбу хайрли воқеа ва ҳодисалар айнан авлиё шоиримизнинг муборак тўйлари ўтаётган йилларда юз бермоқдаку! Ўйлаб қоламан: бизни буюк бобокалонимизнинг руҳи поклари ҳам қўллаб турган эмасмикан!

Лекин бошқа баъзи жиҳатлар борки, улар кишини чуқур ўйга толдиради, ташвишга солади. Бизнинг истиқлолимиз не-не жиловбардорларнинг тинчини бузди, уйқусини қочирди. Ахир, текин дастурхондан айрилиб қолиш кимга ҳам ёқар эди?! Шу сабабли ҳурриятимиздан яхши ниятли дўстлар қанчалик қувонсалар, ғаразгўйлар шунчалик безовта бўлмоқдалар. Бизга узоқ-яқиндан палахмон тошлари бетўхтов отилиб турибди. Бундоқ ҳужумларда заррача мантиқ бўлса кошки эди. Наҳотки, туққан онамизнинг оқ сути бизга буюрмайдиган бўлса?

Бироқ таскин шулки, карвон ўтаверади, тарих ўз хатоларини тузатаверади. Бизнинг ўзимиз ҳам энди якдил ҳамдаст бўлмоғимиз шарт. Кечиримлилик ҳам улуғ фазилатдир. Ахир, Навоийнинг ўзлари иниси Дарвеш Алига айтганлар-ку:

**Навосиз улуснинг навобахши бўл,**

**Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.**

Ҳазрат Алишер дунёда душманлик эмас, балки ёрлиқ маъқул ишдир, деганларида айнан бизнинг кунларни ғайбдан кўрган бўлсалар ажаб эмас.

НАВОИЙ ИДЕАЛЛАРИ БИР ХАЛҚ, бир тил, бир қавм чегарасига сиғмайди. Бу зотнинг ўгитлари жаъми инсон боласига, эс-ҳуши жойида бўлган тафаккур соҳибларига қаратилгандир. Шу боисдан ҳам ер юзининг турли пучмоқларида буюк Навоийни фақат илтифот юзасидан эмас, балки башариятга меҳнати синган зот бўлганлиги учун ҳам ардоқлаб турибдилар. Бизнинг халқимиз эса ўз отаси ҳузурида бевосита бурчлидир. Шоиримиз хотирасига қилинган хайрли ишлар, хусусан, Тошкент, Самарқанд ва бошқа жойларда бунёд этилган боғлар, иншоотлар бизни ғоят қувонтирди. Бунинг учун саховатли юртдошларимизга раҳмат! Наинки, юртдошларимиз, балки пиримизни таниган барча маърифатлик қардошларга ҳам қуллуқ!

Кўпгина атамалар сиёсий тузумларнинг руҳияти туфайли ўйлаб топилган. Масалан, байналмилалчилик ва ҳоказолар. Ҳолбуки, дўстпарварлик туйғуси барча халқларнинг имону эътиқодида қадимдан мавжуд бўлган. Ўзбек халқи жаҳон маданиятининг тенг ҳуқуқли шериги сифатида доимо тантилик намунасини кўрсатиб келди. Фахр билан айтайлик, халқимиз ҳеч қачон маҳдуд фикр юритган эмас. Бунга исботлар кўп. Унинг китоб жавонларида нафақат дину иймондош Низомий, Жомий, балки Шекспир, Гёте, Данте, Пушкин, Тагор китоблари ҳам аллақачон фахрли ўрин эгаллаганлар. Биз уларнинг тўйларини ҳам ҳурматлари даражасида ўтказиб келмоқдамиз. Неча-неча манзилгоҳларимизни уларнинг номлари билан атаганмиз.

Лекин Навоий сиймоси қошида ўзимизнинг қарзларимиз бисёр. Чунки халқимизда бир гап бор: кимки қилса ўзига қилади. Биз Навоийни улуғлар эканмиз, унинг шавкатига ҳар жиҳатдан шерик бўламиз. Наинки биз, балки туғилажак фарзандларимиз ҳам шундоқ буюк зотнинг набиралари эканлигини ҳис қилиб, бировдан тили қисиқ бўлмай, бошларини баланд кўтариб юргайлар.

Алишер Навоий ижоди атрофлича ўрганилаётир. Истак шулки, тўй ўтгач, қозонлар тўнтарилиб, ҳаммамиз ҳар қаёққа тарқаб кетмайлик. Улуғ шоир асарларининг тадқиқотини тағин ҳам кенгроқ кўламда давом эттирайлик. Албатта, Фитрат, Бертельс, устоз Ойбекдан тортиб Ҳамид Сулаймонгача бўлган навоийшуносларга, шунингдек, хориждаги тадқиқотчиларга минг ташаккур! Ҳаёт кўрсатиб турибди, даҳо ижодкорга садоқат, унинг ўлмас асарларини фақат мутолаа қилишда эмас, балки унинг орзу-умидларини унутмасликда ҳам намоён бўлар экан. Шу кунларда дунё туркийларини «яққалам» қилган сиймонинг табаррук маконлари қайтадан нурга тўлаётгани шубҳасиздир.

**Бирин-кетин ўтиб борар**
**асрларнинг карвонлари,**
**Оҳ, нечоғлик хатарлидир**
**унинг ошар довонлари.**
**Инсон зоти муродига**
**азал-абад етар эди,**
**Ушалса гар умидвор зот —**
**Навоийнинг армонлари!**
**Фурсат келди, дўсту ғаним**
**кимлигини билай букун,**
**Жамъи башар фарзандига**
**саодатлар тилай бу кун,**
**Кўкка боқиб саҳар чоғи,**
**илтижолар қилай бу кун,**
**Нурга тўлсин азиз бобом**
**Алишернинг маконлари.**

Жаннатмакон бобомизнинг ўлмас руҳларига абадий раҳматлар бўлсин.

«Ўзбекларда замон бор, сабр-чидамлилик бор, қолаверса, чексиз қадр-қимматлар бойлиги бор. Агар Ўзбек дунёси ҳозирги замон зайлига кўра, ўз аъзоларини фақат Ўзбекистон ҳудуди доирасида ўйлашга мажбур қилса, унда яхлит бир ўзбек миллати руҳий жиҳатдан жипслашади. Йўқ, агар ўзбеклар Ўзбекистон ҳудуди ташқарисидаги кенгроқ цивилизацияларни қамраб олишга интилсалар, унда уруғчиликдан баланд бир Ўрта Осиё миллий онг-сезими қайта шаклланади...»

1990 йили АҚШнинг Станфорд университети қошидаги машҳур Ҳуувер институти томонидан нашр этилган 424 бетлик «Замонавий ўзбеклар ўн тўртинчи асрдан ҳозирги кунгача бўлган давр маданий тарихи» номли илмий асар юқоридаги сатрлар билан якунланади. Бу асарнинг муаллифи америкалик ўзбекшунос олим профессор Эдвард Олворсни Ўзбекистондагилар яхши танийдилар. Ўзбекистонни бир неча марта зиёрат қилган бу баланд бўйли, **мориғ** юмшоқ сўзли олим энди 70 ёшга қадам босган бўлса ҳам, унинг ёш болаларга хос мароқ билан атрофга қарайдиган кўзлари ҳали қариган эмас.

Нью-Йорк шаҳридаги Кўлўмбия университети Яқин Шарқ тиллари ва маданиятлари департаменти қошидаги Ўрта Осиё бўлими бошлиғи профессор Олворс 1964 йилдан буён Ўрта Осиё маданий-сиёсий тарихи соҳасида ўнлаб асар ва кўп сонли илмий-тадқиқотлар нашр қилди. Улар орасида «Ўзбек адабий сиёсати» (1964 йил) номли асар алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу асарнинг нашр этилганига роса 26 йил тўлган бўлса ҳам, 1910 билан 1960 йиллар ўртасидаги ўзбек адабиётини бундай ҳаққоний равишда ёритиб, баҳолаган иккинчи бир асар ҳали на чет элларда, на Ўзбекистонда босилди!

Яқинда нашр этилган «Замонавий ўзбеклар» номли ил-

**Темур ХЎЖА ўғли — филология фанлари доктори, доцент; Германияда яшайдиган туркистонликлардан.**

Темур ХЎЖА ўғли

# ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКЛАР

мий тадқиқот профессор Олворснинг докторлик диссертацияси бўлган «Ўзбек сиёсати»дан кейинги иккинчи етук асаридир, десак янглишмаймиз. Чунки Олворс «Ўзбек адабий сиёсати»да ўзбек адабиётини чуқурроқ таҳлил қилишга ташаббус этган бўлса, «Замонавий ўзбеклар» асарида ўзбек халқининг маданий тарихини миллий онг-сезим нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

Мазкур асардаги 18 бўлим икки асосий парчага ажратилган: «Ўзбек гуруҳ онг-сезимининг негизлари» сарлавҳали 100 бетлик биринчи парчада 14-асрдан 20-аср бошларигача, яъни Абулхайр ва Шайбоний хонлар билан бошланган даврдаги ўзбек тарихи ўзбекчилик онг-сезими жиҳатидан тадқиқ этилади. Китобнинг 300 бетлик иккинчи парчаси «Эски ва янги замонавийлик ўртасидаги келишмовчилик» деб аталган. Бу парчадаги 12 бўлимда Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар Қори раҳбарлигидаги Жадидчилик ҳаракати томонидан тарғиб қилинган замонавийлик билан миллий ўтмишни инкор этган 20- ва 30-йиллардаги пролетар ўзбек зиёлилари тарафидан олға сурилган «замонавийлик» ўртасидаги сиёсий кураш ва бу кураш 1936—1940-йиллар ўртасида ўзбеклар бошига олиб келган мудҳиш фалокатлар, турғунлик давридаги ўзбек зиёли ва ёзувчиларининг миллий онг-сезимни сақлаш борасидаги ҳаракатлари тафсилий равишда тасвирланади. Бу парчадаги «Тарих» (7-бўлим), «Маориф» (8), «Маданият ва дин» (9), «Сиёсат» (10), «Ватан» (11), «Парчаланиш» (12), «Обидалар ва мукофотлар» (13), «Шажара» (14), «Зиёлилар» (15), «Муносабат» (16), «Анъана» (17) ва «Ўзбеклик» (18) сарлавҳали бўлимларда сўнгги 70 йиллик ўзбек маданий-сиёсий ҳаёти профессор Олворснинг инсонни ҳайратлантирувчи чуқур маълумоти ва диққат-эътибори билан гавдаланади.

Америкалик олим мазкур асарида Форобий, Наршахий, Фазлуллоҳ ибн Рузбеҳон Исфаҳоний каби турли асрлардаги Туркистон уламоларининг асарларидан, Рауф Парфи ва Жамол Камолдек замонавий шоирларнинг миллий руҳдаги шеърларигача, туркий, форсий, ўзбек, рус, инглиз ва бошқа чет тиллардаги юзлаб манбалардан фойдаланади. Профессор Олворснинг дастлабки асари «Ўзбек адабий сиёсати» ҳамда охирги тадқиқоти «Замонавий ўзбеклар» ҳам тез орада ўзбекчага таржима этилиб, кенг китобхонлар эътиборига ҳавола қилинса, фойдали бўлур эди.

Мен унинг раҳбарлигида докторлик диссертациямни ёқлаш шарафига ноил бўлганман. Домла Олворснинг шу сўнгги асарида ўзбеклар шаънига айтган «Ўзбекларда замон бор, сабр-чидамлилик бор, қолаверса, чексиз қадр-қимматлар бойлиги бор» деган сўзларини сал ўзгартириб, устозимга: «Ҳорманг домла, Сизда халқимизнинг руҳий бойлиги, маънавий матонати ва замонавий етуклигини сезадиган ақл кўзи бор!», демоқчиман. Профессор Олворсга 70 ёшга тўлгани муносабати билан чет элларда яшаётган туркистонлик бир шогирди томонидан ўзбек матбуотида чоп этилган тақриз балки кичик, бироқ ўринли бир совға бўлади, деган умиддаман.

**Тошкент — Мюнхен.**
**1990 йил 8—20 ноябрь.**

Ўзбеклар ва дунё

# ЮРТИМИЗ АМЕРИКАЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР НИГОҲИДА

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА совет воқелиги, адабий жараён ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бироқ аксарият ҳолларда бундай асарлар мазмунига қараб эмас, қайси мамлакат фуқароси томонидан ёзилганига қараб баҳоланди. Совет Иттифоқидаги миллий жумҳуриятлар равнақи, Совет ҳукумати ва КПСС ленинча миллий сиёсатининг жаҳоншумул аҳамияти мазкур асарларда бўрттириб кўрсатилмаса, бундай муаллифлар сохтакорликда айбланди, ҳурфикрлилик, мустақиллик тўғрисида сўз юритилса, бу — халқлар ўртасидаги бузилмас дўстликка раҳна солиш, деб талқин этилди. Шу тариқа, адабий танқидда мафкурамиз мезонлари қолипига мос асарлар битувчи хорижий ёзувчилар адабиётимиз дўстлари, адабиётимиз, воқелигимиз ҳақида ўз фикрини ёзувчилар «туҳматчи советологлар» деб қоралаб келинди.

Адабиётшуносликда ана шундай ёмон отлиқ қилинганлардан бири америкалик олим Эдвард Оллвортдир. Шуниси ажабланарлики, Э. Оллворт танқидчиларидан камдан ками унинг илмий-ижодий мероси билан бевосита таниш эди.

Э. Оллворт АҚШдаги Колумбия дорулфунуни совет Марказининг мудири, Совет туркийлари бўлимининг профессори, Ўрта Осиёни ўрганиш Марказининг мудири, Совет Иттифоқида миллатлар муаммоси бўлимининг директоридир. Профессор Оллворт Совет Иттифоқидаги, хусусан, Ўрта Осиёдаги этник муаммолар ва Ғарбда Рус Шарқи деб юритиладиган Ўрта Осиё ижодкор зиёлилари тарихи юзасидан ёзилган ўн икки тадқиқотнинг муаллифи, ҳаммуаллифи ва муҳаррири сифатида шарқшуносларнинг орасида маълум. У Ўрта Осиё матбуоти, адабиёти, театри ва маорифи бўйича изланишлар олиб боради. Шуниси диққатга сазоворки, қайта қуриш ва ошкоралик туфайли аср боши ислоҳотчилари — Маҳмудхожа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат ижоди ўз юртида эндигина тадқиқот объекти сифатида кун тартибига қўйилаётган бўлса, Э. Оллворт улар ҳақида бир неча рисолалар битишга улгурган.

М. Беҳбудийнинг «Падарқуш» драмаси ўзбек тилида лотин алифбосида, инглизча таржимаси ва тадқиқоти билан 1936 йили америкалик олим томонидан чоп эттирилган.

1989 йили Э. Оллворт «Ўрта Осиё рус ҳукмронлиги остида 120 йил» китобини эълон қилди. «Ҳозирги ўзбеклар» муаллифнинг 10 йиллик илмий кузатувлари маҳсули бўлиб, 1990 йили Стэнфорд дорулфунунининг (Калифорния штати) Ҳовард институти нашриётида чоп этилган. Асарнинг биринчи қисми ўзбеклар этногенези (келиб чиқиш тарихи), иккинчи қисми эски ва янги дунёқараш орасидаги зиддиятлар тадқиқига бағишланган.

Э. Оллвортнинг нуқтаи назарича, «1924—25 йиллари Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияти ташкил этилган вақтда сохта миллий республика тузилган бўлиб, ўзбек миллатини ҳақиқатда кўллаб-қувватлайдиган жамият қурилмаган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бир-бирига зид бўлган икки куч борлиги — жумҳуриятни бошқарувчи аппарат ва миллатнинг ўзи эканлиги ўша даврда ёзилган бадиий асарларда, халқ оғзаки ижодида ўз ифодасини топган».

Э. Оллворт китобнинг биринчи қисмида миллат тушунчаси, халқнинг, миллатнинг номи каби масалаларга батафсил тўхталади.

Муаллиф ўзбекларнинг таркиб топиши ҳақида ёзар экан, тарихимизнинг талай манбаларига мурожаат қилади. Аммо бизнинг назаримизда, «ўзбек» этноними сиёсий тушунчами, халқ номими ёки термин сифатида қўлланганми, ажратиб олиш мушкул.

«Совет ўзбеклари» деган тушунча орқали ифодаланган халқ ўзининг илк аждодларидан тубдан фарқ қилиб, ўта мураккаб тарихни бошидан кечирган», — деб ёзади олим.

КИТОБДА ЎЗБЕКЛАРНИНГ ҚАДИМ АЖДОДЛАРИ қўшни қабилалар билан кенг кўламда муносабатлар ўрнатганлиги, бу муносабатлар гоҳ дўстона, гоҳ ёвқараш руҳда бўлгани тарихий ёдгорликларга суянилган ҳолда таъкидланади: «Ишончли манбалар асосида шуни айтиш мумкинки, — деб уқтиради Э. Оллворт, — ўзбекларнинг бошқа элатлар билан алоқалари Хоразм воҳаси билан боғлиқ. Чунки Хоразм 1505 йилга келиб ўзбекларнинг шимолдаги энг кучли қалъасига айланган».

Асарнинг уруғ, қабила, элат, халқ, миллат тушунчаларига бағишланган қисмларида муаллиф ўрта аср муаррихлари билан бир қаторда ҳозирги замон нуфузли тарихчилари тадқиқотларига ҳам мурожаат этган.

Табиийки, ўша давр ҳукмдорлари ҳузуридаги тарихчилар улар нуқтаи назарларини инобатга олмасликлари мумкин эмас эди. Мазкур манбаларга ҳозирги кун кўзи билан, ягона халқ тарихи сифатида баҳо бермаслик холисликка футур етказиши турган гап. Бу китобда ҳам, афсуски, шундай ҳол юз берган. Масалан, асарда қуйидаги фикрлар учрайди: «Кўпчилик ўрта аср тарихчилари Сирдарёнинг шимолий қисмини ўзбеклар ери деб аташган. Айни пайтда улар Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида 1320—1420-йиллари ўз таъсирларига эга бўлмаганлар» (8-бет); «1396—1411 йиллар орасида Олтин Урда хонлиги ўз лашкарлари билан ўзбекларни ҳам Хоразмга келтирди ва бу юриш у ердаги темурийлар устидан ғалаба қозонишга олиб келди. 1413 йили темурийлар Хоразмни қайтариб олишга ва у ерни бошқариб турган Идику Баҳодирнинг ўғлини ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўладилар» ёки бўлмаса, «Шундан чамаси 20 йиллар кейин ўзбеклар Хоразм хонлиги маркази Урганчга ҳужум қилиб темурийларни ҳайдаб чиқаришга эришдилар» каби фикрларни ўқиймиз. «Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, — деб таъкидлайди Э. Оллворт, — ўша йиллари Ҳирот ҳукмдори Шоҳрух Султон ўзининг жангларда чиниққан лашкарбошиларини ўзбекларга қарши юборибми, «бу беандиша»ларни Урганчдан жанг билан чиқариб юборишни буюрган. Аслида, — деб давом этади муаллиф, — тоза ҳаво ва кенг далани яхши кўрадиган ўзбеклар доим ўз ерларини бошқа босқинчилардан ҳимоя қилиб келганлар». Бундай фикрлар хорижий китобхонда бир халқ тарихи ҳақидаги маълумотлардан кўра, турли халқларнинг жангнома-хроникаси тарзида таассурот қолдиради.

Э. Оллворт XVII аср тарихчиси, Балх ва Аштархонийлар сулоласи ҳақидаги китоб муаллифи Маҳмуд ибн Валининг маълумотларига мурожаат этади: «Бу ҳудудда яшовчи халқлар турли даврда турлича номлар билан аталган. Ибн Яфас давридан то мўғул хонлигигача уларни турклар, мўғул истилосидан кейин магаллар, Олтин Ўрдада Ўзбек хони ўз ҳокимиятини ўрнатиши билан туркистонликларни ўзбеклар деб атай бошладилар» (9-бет). «Чет элларда эса Эроннинг шимоли-шарқида жойлашган Турон ҳудудида яшовчиларни турклар деб юритишади», — дейди муаллиф.

Э. Оллвортнинг: «Ўзбеклар тўғрисида тарихда турли фикрлар бўлиши ва уларнинг тарихини тиклаш мураккаблигининг сабаби ўзбекларнинг ўз тарихчиларига эга бўлмаганликларидир. Фақат XV—XVI асрлардан бошлаб ўзбекларда бу соҳага қизиқиш уйғонган» деган хулосаси ҳам баҳслидир. Маълумки, Ўрта Осиё ҳукмдорларининг саройларида ўз тарихчилари бўлиб, Европада лотин тили иш юритиш тили бўлгани каби, бу ерда форс, араб тилида иш юритиш таомил қисобланган. Бунинг устига хон ва бекларнинг ўзлари кундаликлар ёзганликларини инобатга олсак, юқоридаги фикрларнинг ҳақлиги шубҳали бўлиб қолади.

Э. Оллворт «ўзбек» атамасига кўп ва атрофлича тўхталганини бир миллат тўғрисидаги тарихни яхшироқ, чуқурроқ кўриб чиқиш зарурлиги билан изоҳлайди. Муаллифнинг нуқтаи назарича, «ҳозирги вақтда кўзга ташланаётган нарса шуки, бузиб кўрсатилган ўзбек тарихи Ўрта Осиё тараққиётига улар томонидан қўшилган ҳиссани намоён этишга монелик қилади. Буни қийинлаштирган яна бир нарса — Ўрта Осиёни жуғрофий жиҳатдан миллий ҳудудларга ажратиб ташлашдаги ноаниқликлардир».

Ўзбеклар яшаган ҳудуд ҳақида фикр юритар экан, муаллиф «ўзбеклар турли халқлар орасида, шу жумладан, узоқ қариндош қабилалар билан бирга Ғарбий Сибирь, Туркистон, Хоразм, Кўқон хонликлари, Бухоро амирлиги, Шимолий Афғонистон ва Хуросонда яшаган»ликларини қайд этади. «Гарчи ўзбеклар тарқоқ ҳолда яшаган бўлсалар-да, мазкур ҳудуднинг маданий ривожланишуна орқали ифодаланган халқ ўзининг илк аждодларидан тубдан фарқ қилиб, ўта мураккаб тарихни бошидан кечирган», — деб ёзади олим.




Муаллиф фикрича, «ўзбеклар яшайдиган саркадлар сунъий равишда сиёсатчилар томонидан белгиланганлиги бу миллатнинг бутунлигига ва ўзларини яхши англашларига йўл қўймади».

Замонавий қуролнинг пайдо бўлиши натижасида сарой аҳли билан оддий халқ ўртасидаги тафовут ошганлиги, Бухоро амирлигининг Қўқон ва Хива хонликларига қарши юришлари миллатни ичдан кучсизлантиргани, ички низолар тугамай, ўрта осиёликлар янги босқинчилик урушига гирифтор қилингани — 1863—1876 йиллари давлатни бошқариш рус чоризми қўлига ўтганлиги ўзбекларнинг ягона бир миллат, давлатга бирикишларига тўсқинлик қилган асосий омиллардир, деб ҳисоблайди Э. Оллворт.

Ўрта Осиё тарихининг асосий кўрсаткичларидан бири шуки, деб хулосалайди фикрини муаллиф, бу ҳудудда яшовчилар бир хил фикр юритиш касалига дучор бўлдилар: аввал хонликлар, бизнинг ўзбеклар ва Ўрта Осиё тараққиётига улар томонидан қўшилган ҳиссани намоён этишга монелик қилади. Буни қийинлаштирган яна бир нарса — Ўрта Осиёни жуғрофий жиҳатдан миллий ҳудудларга ажратиб ташлашдаги ноаниқликлардир».

Ўзбеклар яшаган ҳудуд ҳақида фикр юритар экан, муаллиф «ўзбеклар турли халқлар орасида, шу жумладан, узоқ қариндош қабилалар билан бирга Ғарбий Сибирь, Туркистон, Хоразм, Кўқон хонликлари, Бухоро амирлиги, Шимолий Афғонистон ва Хуросонда яшаган»ликларини қайд этади. «Гарчи ўзбеклар тарқоқ ҳолда яшаган бўлсалар-да, мазкур ҳудуднинг маданий ривожланишига катта ҳисса қўшдилар», — деб ёзади.

Муаллиф фикрича, «ўзбеклар яшайдиган саркадлар сунъий равишда сиёсатчилар

Муҳаммад пайғамбар тилидан «Мамлакатни бир кун одилона бошқарган подшонинг иши 60—70 йил ҳаж қилишдан афзалдир», деган фикрларини келтирадики, бу ҳозирги кун учун ҳам аҳамиятлидир. Мазкур бобда муаллиф халқ оғзаки ижодида адолат ғояси улуғланганлигини «Алпомиш» эпоси мисолида таъкидлайди.

Китобнинг «Исмлар ва қабилалар», «Раҳбарлик», «Мафкура ва маданиятшунослик адабиёти», «Маориф», «Маданият ва дин» каби боблари ранг-баранг тарихий материаллар, ўзига хос бетакрор талқини билан диққатга сазовордир. Тадқиқотнинг биз қайд этган бўлимларида эски ва янги мактабларда ўқитиш услубияти ва тафовутлар, ўқитиладиган фанлар хусусида, театр тарихи, ҳудудда чиқариладиган газета ва журналлар ҳақида фикрлар баён қилинган. Хусусан, маориф ишида жадидлар томонидан амалга оширилган ижобий ислоҳотларга мазкур қисмда катта ўрин берилган.

«Сиёсат» бобида XIX аср охири — XX аср бошларидан инқилобгача бўлган давр воқеалари шарҳланади, Петербург ва Ўзбекистон муносабатлари таҳлил этилади, «Дума» қабул қилган низомларнинг Ўрта Осиёга таъсири ёритилади. «Ватан» бобида эса Россияда монархиянинг ағдарилиши, туркистонликларга катта умид ва нажот бағишлаганлиги, ўрта осиёлик ислоҳотчилар янгича демократик тузум барпо этишга киришганликлари ва бу ҳаракат натижаси ўлароқ 1917 йил декабрида «18 февралгача давом этган, тарихда Қўқон мухторияти» номи билан қайд этилган жумҳурият тузилганлиги хабар қилинади.

Ислоҳотчиларнинг шу йиллардаги Турон мамлакатини тиклаш йўлидаги ҳаракатлари Э. Оллворт назаридан четда қолмаган. Босмачилик деб номланган ҳаракатга катта ўрин берилиб, бу мустамлакачиларга қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланади.

Фитрат ва Чўлпон ижоди, ўзбек ислоҳотчиларининг — жадидларнинг ҳудуд, миллат бирлиги ва тил софлигини сақлаш йўлидаги уринишлари ижобий баҳоланади. Аср боши маданий ҳаракатчилиги ҳақидаги Э. Оллворт китобидаги боблар Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги нишонланиши муносабати билан жумҳуриятимиз адабий ва илмий нашрларида бевосита таржима қилиниб босилса қиёсий адабиётшунослигимиз доирасининг таҳлил объекти кенгаяди, деган умиддамиз. Мазкур китобнинг бутун-бутун боблари газета яхши ният билан бошлаган «Ўзбеклар ва дунё» рукни учун хилма-хил материаллар беради, деган фикрдамиз.

«Парчаланиш» деб номланган бобда Ўрта Осиё ҳудудини жумҳуриятларга бўлиб ташлаш тўғрисида сўз юритилса, «Ёдгорликлар» бўлимида слом маданияти билан боғлиқ осори-атиқалар ва уларни сақлаб қолиш учун маҳаллий халқлар олиб борган кураш баён этилади.

Тадқиқотнинг «Генеология», «Зиёлилар», «Оммавий ахборот воситалари», «Ноширлик ва таржимонлик», «Ижтимоий муаммолар», «Анъаналар», «Дипломатия» каби боблари элу юртимиз ҳақида хорижий китобхонга муфассал ва янги фикрлар берувчи қисмлар сифатида баҳолашга арзигуликдир. Китобга юз саҳифадан зиёдроқ ҳажмдаги илова қўшимча қилинган.

Китобга муаллифнинг юртимизга сафарлари, фан, маданият, адабиёт арбоблари, сиёсатдонлари билан шахсий суҳбатлари, таассуротлари ҳам сингдирилган.

Тадқиқот камчиликлардан, субъектив талқинлардан холи деган фикрлардан йироқмиз. Катта ишда бундай камчиликларнинг бўлиши табиийдир. Профессор Э. Оллворт «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» редакциясидаги учрашувда ўзи ҳақида гапириб: «Мен сизнинг Америкадаги элчингизман», деган эди. Сўз юритилган китоб бу фикрнинг амалий исботидир. Зиёлиларимиз юртимиз ва элимиз ҳақида хорижда яратилаётган ишлар билан кўпроқ танишсалар, ранг-баранг нуқтаи назарлар билан ошно бўлсалар, улар билан баҳсга киришсалар бундан илмимиз ютган бўлур эди.

**Муҳаммадаббос ИРИСҚУЛОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент, Тошкент Чет тиллар институти проректори,**

**Шавкат КАРИМОВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент, институт кафедра мудири**

# ҚИРҒИЗ ДИЁРИДА НАВОИЙХОНЛИК

Қирғизистон республикаси Фанлар академиясида Ўзбек халқининг фахри, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлди. Академик Б. Орузбоева шоир ижодий сарчашмаларининг оламшумул аҳамияти ҳақида маъруза қилди. Алишер Навоий қирғиз китобхонига фақат номи билангина эмас, бебаҳо ижоди билан хизмат қилади. Илмий анжуманда филология фанлари номзоди Солижон Жигитовнинг «Алишер Навоий асарлари қирғиз тилида», Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси котиби О. Ибройимовнинг «Алишер Навоий ўрта аср турк адабиётининг классиги», ҚирДД доцентлари З. Мусабоева ва А. Абдураззоқовнинг Алишер Навоий ижодини ўрганиш хусусидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди.

Анжуман қатнашчилари Қирғизистонда навоийшунослик илми вужудга келаётганини, туркий халқлар маданий тараққиётида Алишер Навоий ижодининг катта аҳамиятини таъкидладилар. Қирғизистон Маданият фонди ҳузурида Алишер Навоий ижодини ҳар тарафлама ўрганувчи, унинг асарларини қирғиз тилига таржима қилувчи ишчи группаси ташкил қилиш, асарларини нашр этиш, шоир ижоди бўйича олий ўқув юртларида махсус курс ва семинарлар ўтишга келишиб олинди.

Алишер Навоий хазинаси ўзбек ва қирғиз халқи ўртасидаги қадимий дўстлик алоқаларини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**З. МУСАБОЕВА,**
**Қирғизистон Давлат дорулфунуни қирғиз тили кафедрасининг доценти**

ЎзАС ахбороти

Тожиқистон жумҳуриятининг Панж туманидаги 17-ўрта мактаб педагогик коллективи ва ўқувчилари улуғ ўзбек шоири А. Навоий туғилганининг 550 йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказишди. Кечани мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Сафармат Қорахонов очди. Ўқувчилар Насиба Назарова, Шоҳида Раҳимовалар «Шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти» ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди. Сўнгра мушоира бошланди. Ўқувчилар М. Худойқулова, М. Хўжанова, Л. Нурхонова, М. Алламуродова, С. Хўжаматова, Ж. Назаров, К. Султонов шоир ғазаллари ва достонларидан парчаларни ажойиб маҳорат, санъат билан ижро этишди.

Сўнг драматург Иззат Султон ва шоир Уйғуннинг «Алишер Навоий» драмасидан парча саҳнага қўйилди.

Панж туманидаги давлат хўжалигига Алишер Навоий номи берилди.

**Ж. ҲАСАНОВ**

●

**Москвадаги Ўзбекистон республикасининг доимий ваколатхонасида катта кеча бўлиб ўтди. Уни Москвадаги ўзбекларнинг «Ватандош» жамияти Андижон бўлими уюштирди. Кечада Москвадаги ўзбеклар, улуғ шоирнинг турли миллатга мансуб мухлислари иштирок этдилар. Навоий ижоди ва ижтимоий фаолиятининг турли қирралари, асарларининг умуминсоний моҳияти, у яратган қаҳрамонларнинг ўлмаслиги хусусида сўз юритилди. Кеча охирида катта концерт қўйилди.**

# ХАЛҚАРО ОРОЛ ХАЙРИЯ КУНЛАРИ

**Улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг 550 йиллиги тантаналари яна бир халқаро тадбир — Орол хайрия кунларига уланиб кетмоқда. 1—10 октябрь кунлари Қорақалпоғистон жумҳурияти, Хоразм ва Бухоро вилоятининг айрим туманларида бўлиб ўтадиган хайрия т

# НАВОИЙНИНГ КИЧИК ЗАМОНДОШЛАРИ

**Бухоролик шоир ва адабиётшунос олим Ҳасанхожа Нисорийнинг форс тилида 4566 йили яратилган «Музаккири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») тазкираси Алишер Навоий қаламига мансуб «Мажолис ун-нафоис» анъаналарини давом эттирган асар сифатида майдонга келди. Дарҳақиқат, унда «Мажолис»да номлари тилга олинган кўп шоирларнинг кейинги ҳаёти ва ижоди хусусида ҳам сўз юритилиб, бу билан буюк тазкиранавис маълумотлари тўлдирилади, тазкиранинг бошидан охиригача Алишер Навоий номи зикр этилиб, китобхон улуғ шоир яшаган давр нафаси, кейинги адабий муҳит иқлимига олиб кирилади. Тазкирада Навоий назарига тушган Муҳаммад Солиҳ, Мир Али Котиб, Нажмиддин Кавкабий, Ҳусомий, Бақоий каби шоирларнинг сўнгги ижодий фаолияти ҳақидаги фикрлар баён этилади.**

**«Музаккири аҳбоб»да жами 288 нафар ўртаосиёлик, хуросонлик, туркиялик, Шарқий туркистонлик ва ҳиндистонлик шоирлар тўғрисида маълумот берилади. Муаллиф бу ижодкорларнинг кўпи билан шахсан мулоқотда бўлган, баъзилари билан хат орқали ижодий алоқа қилган. Ўзи балоғат ёшига етмасдан бурун ўтганлар ҳақида ёзма манба ва оғзаки ҳикоятларга суяниб фикр юритган. Хуллас, Навоий анъанаси руҳида битилган бу тазкира ҳаққонийлиги ва маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Қуйида мазкур асарнинг 1 боби, 1-фаслидаги айрим бухоролик шоирлар зикри билан танишасиз. Бу ердаги Мажлисий, Ҳусомий сингари шоирлар Навоий замонасида бир неча вақт Ҳиротда ҳам яшаб, Алишер Навоий мулоқотига етишганлар. Мазкур фаслдаги шоирлар 1506—1530 йиллар оралиғида вафот этганлар.**

**Исмоил БЕКЖОН**

Ҳасанхожа НИСОРИЙ

# «МУЗАККИРИ АҲБОБ»

## ТАЗКИРАДАН ПАРЧА

МАВЛОНО ФОНИЙНИНГ МУҚАДДАС ЁДИ. Кўп фозил киши эрмиш. Шеър фанларида зўр, зукко-табъликда машҳурдир. Қийин нарсаларни ҳал этувчи ўткир зеҳни муаммо айтишда ва уни ечишда беназирдир. Мушкила шеърлари шоирлар тилида доимо зикр этилади, сўзлари жавоҳир мисол маънолар саррофлари қошида ўз қимматига эга. Табъини синаш мақсадида мустазодда бир рубоий айтганки, бағоят яхшидур. Рубоий:

**Дей дар дилам ен бадху меҳраш афзуд**
**орн аз жон,**
**Сун дилам он некху рухсора гушуд**
**бешакку гумон.**
**Ғайри дилам он дилжу бо кас нанамуд**
**он рух пинҳон**
**Фоний, охир аз ту дилро бирубуд**
**бингар ба че сон.**

(Мазмуни:

Кеча ул бадхў меҳрин оширди олиб жонни,
ул яхши қилиқли юзин қўрсатди йўқотуб гумонни.
Мендан ўзга учун яширмаганди ул санам ой юзин,
қара, Фоний, не йўсин олди энди қалбу иймонни.)

Агар, охирги мустазоди биринчи мисра ва биринчи мустазодни иккинчи мисра билан, иккинчи мустазодни учинчи мисраю учинчи мустазодни тўртинчи мисра билан бирлаштирса, яна мустазод рубоий ҳосил бўлади. Сўз ва маънода ўзгариш, нуқсон сезилмайди ва у қуйидагича чиқади.

Рубоий:

**Бингар ба че сон дей дар дилам он бадху**
**меҳраш афзуд**
**Орн аз жон сун дилам он некху**
**рухсора гушуд.**
**Бешакку гумон ғайри дилам он дилжу**
**бо кас нанамуд**
**Он рух пинҳон, Фоний, охир аз ту дилро**
**бирабуд.**

Бу рубоийнинг ҳар мисрасидан муаммо йўли билан бир ном чиқади, дейдилар. Бундай шеър айтиш қийин бўлгани учун, баъзан эътиборсизлик ўтса, айбга буюриш шарт эмас. Фақир ҳам бир рубоийни маснўъ қасидадан чиқарганман... Деярли йигирма хил таркиб қилса бўлур (...).

Аммо мавлоно Фонийнинг турмуши ночор кечган Бир куни не қийинчиликлар била қўлга киритган эски салласини шаҳар ташқарисидаги анҳорда ювиб турган экан, иттифоқо, шамол қўзғалиб, саллани муллонинг қўлидан юлқиб, учириб кетибди. Мулло салла кетидан югурай деса, кўзига чанг кириб, юра олмабди. Сўнг, ночор, бош яланг йўлга тушибди. Бу ҳолдан шаҳар ҳокими хабар топиб, дарҳол бир киши орқали пул тўла ҳамён юбориб, муллога билдирмасдан, унинг йўлидаги кўприкка қўйиб келишни буюрибди. Мулло кўприкка етишгач, ҳаёлига, нўрлар кўприқдан қанақа ўтаркан, деган фикр келиб, кўзларини чирт юмиб, ўзини кўр санаб, кўрларча йўл юриб, ҳамённи кўрмасдан ўтиб кетибди.

Бу шоиру олим тонфасининг омади молу дунё топишда доимо тескари юради ўзи! «Ҳайрат ул-фуқаҳо» китобининг муаллифи дейди: «Бир донишманд Тўғонбек олдига келиб, юз ман ун сўрабди. Шунда амир: «Бир масала сўраймиз, агар мулломизнинг қилни қирқ ёрувчи табъига мувавффақият ёр бўлиб, жавобини тўғри айтса, минг man дақиқ (мато) ва минг man танга (пул) берамиз», — дебди. Бахти чопмаган бечора мулло масалани еча олмай шафқатли ва марҳаматли амир даргоҳидан қуп-қуруқ чиқиб кетган экан. Масала будир: Бир киши вафот этади. Унинг меросхўри сифатида хотини, она томондан бобосининг иниси ва хотинининг иниси қолади. Кишининг хотинига теккан қисмидан бошқа барча молу мулки қайноғасига етади, бобосининг инисига ҳеч нарса тегмайди. Тақсимотда нима учун энг яқин қариндошига ҳеч нарса тегмаган? Масаланинг сурати (ечими) шундай: Бир сўққабош ота ва ўғил бўлган. Уларга таниш бир бева аёл билан қизи бор экан. Ҳалиги ота беванинг қизига, ўғил эса, беванинг ўзига уйланган. Отанинг ўғли фарзанд кўради. Кўп ўтмай ота ҳам, ўғил ҳам оламдан ўтибдилар. Отанинг мол-мулки тақсимланганда қонунга биноан мулкнинг саккиздан бири унинг хотинига, қолган етти ҳиссаси эса хотинининг укасига, яъни ўғлининг ўғли бўлмиш неварасига қолибди. Шу тариқа мол-мулк энг яқин қариндошлар ўртасида қонуний тақсимланиб, бошқаларга ҳеч нарса тегмайди. (Бола ҳам отаси учун, ҳам невралиги ва бобосига қайни бўлгани учун мерос олади! — И. Б.) (...)

●

МАВЛОНО МАЖЛИСИЙ суҳбатда самимий улфат, ўтиришларга яхшигина зийнат бўлиб, оғир вазиятларда ҳам табъ отини зийраклик майдонида енгил йўртириб, сўз тўпини нотиқлик чавгони била элтар эди. Яхши шеърлари, ёқимли сўзлари бор. Қасидалари нафис ва гўзалдир.

Бир куни Бобур подшоҳ мадҳида қасида битиб, унинг муборак мажлисида ўқиб берибди. Шунда, подшоҳнинг хаёлига мулло Мажлисийни шу аскаргоҳда етти минг танга билан мукофотлаш фикри келибди. Қасида ўқиш асносида эса, тасодифан, подшоҳнинг эсига чиғатой улуси қажв этилган ва Муҳаммад Солиҳга нисбат берилмиш бир рубоий тушиб қолиб, сўрабди:

— Муҳаммад Солиҳ бу рубоийни не сабаб билан айтган?

Мулло, рубоий подшоҳга ёққан бўлса керак, деб ўйлабди ва:

— Рубоий ижодкори аслида камина, Муҳаммад Солиҳ номи билан нотўғри шуҳрат топган, — дебди.

Шунда бирдан подшоҳнинг авзойи ўзгариб, уни қатлга буюрмоқчи бўлибди-ю, лекин кечиришни маъқул кўриб:

— Шеър сийлови учун тайин этилган етти минг танга муллонинг хунбаҳоси ҳисобланади, ўзини эса бу ердан чиқариб юборинглар, — дебди. (...).

Ва бу матлаъни ҳам мулло Мажлисийга нисбат берадилар, уникидир. Матлаъ:

**Ҳар замон гардек зи кўн дўст сар бар мекунад,**
**То кудом ўфтода онжо хок бар сар мекунад.**

(Мазмуни: Дўст кўчасидан ҳар замон чанг кўтарилиб қолади; кўчада ётиб олиб ўз бошига тупроқ сочаётган қайси бечора экан!)

МАВЛОНО РУҲИЙ ТАБИБ кўп фозил киши, касалликларни даволашда қўли беҳад енгил эди. Яхши шеърлари бор ва бу матлаъни унга мансуб дейдилар, уникидир. Матлаъ:

**Зи ҳар су мерасад дарде ва андуҳе ва савдое,**
**Кужон, эй ажал, охир ту ҳам сар бар зан аз жое.**

(Мазмуни: Ҳар томондан бир дарду андуҳ, савдо қўзғалмоқда; қайдасан, эй ажал, сен ҳам қуруқ қолма, бир ердан бош кўтариб чиқ!)

●

МАВЛОНО МИР ШОДИЙ. Жўйбор қишлоғидандир. Назмининг жавоҳири қиррадор, шеърда машқлари бисёр. «Сияр ун-набий»ни назмда достон қилган (...). Қасида ёзишда беҳад қучли эди, яхши маъноларни ёқимли иборалар билан мазмундор этарди. Байт:

**Ба лафзи хўб маъни дарж кун в-арна че ҳосил зи он,**
**Ки Юсуфро бар кашиӣ аз чоҳ, андозиӣ ба зиндонаш.**

(Мазмуни: Яхши сўз билан маъно мағзини ёз, бўлмаса ундан не фойда; бу худди Юсуфни қудуқдан чиқазиб, зиндонга ташлагандай гап!) (...)

●

МАВЛОНО ҚАБУЛИЙ БУХОРИЙ хушсуҳбат ва мақбул киши эди. Ҳазрат Шайбонийхон унинг суҳбатини хуш кўраркан. Нафснинг шитоб маҳали — ёшлик айёмида ҳою-ҳавас кетидан қувиб, йўли Ҳисор тарафга тушибди. Мавлононинг ташрифидан Ҳисор аҳли шодмон бўлиб, суҳбатига ошиқибди. Ўша ерда Улуғ отли назмга табъи бор бир жувон мулло билан мушоара қилиб, шеър айтмоқчи бўлибди, унинг ушбу байтини биттаси ўқибди. Байт:

**Мужгони ту, эй нигори раъно,**
**Бо мо сафи жанг менамояд.**

(Мазмуни: Эй, раъно юзли йигит, киприкларинг биз билан урушгали сафга тизилибди-ку!)

Шоира бу ҳажвиёна байтни мулло шаънида айтган экан, мулло Қабулий ҳам бадеҳа айтибди:

**Он мурғ ки? Канда парашро,**
**Ишкам зада ранг менамояд.**

(Мазмуни: Ул товуқ ким? Ҳурпайганча патини юлиб, аслини кўрсатмоқда.)

Иғин аҳли ҳурсанд бўлиб, муллога ортиқ даражада ихлос қўйибди.

●

ДЕВОНА ҲУСОМИЙ. Хевақдандир. Шу сабабли ўзи айтган:

**Аслам зи шаҳри Хевақ ҳоло дар ин днёр,**
**Дарвозан Отост мақоми муайянам.**

(Мазмуни: Аслим Хевақ шаҳридан, ҳозир эса бу диёрда Ото дарвозаси муайян манзилимдир.)

Беқайдликда ном чиқарган. Бир бор қаландарлар жамоасига қўшилиб, зиёратга кетаётганида, ҳаж йўлидаги вилоятлардан бирининг ҳокими ҳукм қилиб:

— Девона Ҳусомий, мендан бирон нарса тиланг, — дебди.

Девона дебди:

— Сенинг хайрингга ҳеч эҳтиёжим йўқ. Аммо буюргилки, манави пашшалар менга қўнишмасин!

Ҳоким:

— Пашшалар менинг буйруғимга қулоқ осмайди, иложим йўқ, — дебди.

Шунда Девона Ҳусомий дебди.

— Ҳукмига арзимас пашшалар қулоқ осмаган киши бировга нима ҳам бера оларди?!

Ҳусомийни шаиликда айблашган, бироқ қасидаларида хулофаи рошидин мадҳи бор. Бу ўшал қасида жумласидандир. Байт:

**Ҳар касе зин чор агар як ёрро мункир шавад,**
**Ҳамчу шайтон лаънати ҳақ бод бар вай сад ҳазор.**

(Мазмуни: Кимки чорёрлардан (Абу Бакр, Усмон, Умар ва Али. — **И. Б.**) биттасини инкор этса, унга, шайтон каби, худонинг юз минг лаънати бўлсин!) (...)

Шеърлари ёқимига етган, нафис, сўзлари ёқимли ҳам гўзал. Мана бу ғазали дил аҳлининг кўнглига ўтиргандир. Байт:

**Халқ жамъанд ба наззораи чашми тари мо,**
**Бирўв, эй ашқ ва бубар маъракаро аз сари мо.**

(Мазмуни: Халқ намли кўзимизни кўргали жам бўлибди, оқ, эй кўз ёши, бу йиғинни бошимиздан кўтар!) (...)

Мавлоно Ҳусомий тушда фақирдан: «Тазкирангда қайси ғазалимни ёздинг», деб сўради, фақир: «Юқорида келтирилган ғазални», дедим.

Қабри Қоракўлда.

●

ХУСАЙН АЛОУДДИН Бухоронинг эътиборли савдогарларидан. Савдо-сотиқ ишларида султонлар билан ҳам муомала қилган. Бир гал олди-сотдида минг танга маблағи ҳазрати хон томонида қолиб кетган экан. Ҳусайн Алоуддин бу рубоийни битиб ҳазрат Убайдуллоҳоннинг арзига етказибди. Рубоий:

**Дорам сухане ки мекунам пеши ту арз,**
**Чун ҳаст адои ин сухан бар man фарз.**
**Кар сурати қарзу фарз андоз назар,**
**К-зи фарз як нуқта знёд омада қарз.**

(Мазмуни: Сенга арз этгулик бир сўзим бор, зеро, бу сўзни айтмоқ мен учун фарздир. «Қарз» у «фарз» сўзларига (араб ёзувида «қоф» ва «фе» шаклан ўхшаш бўлиб, устидаги нуқталарида фарқ бор. — **И. Б.**) назар сол, «қарз» «фарз»дан бир нуқта ортиқ келибдир.)

Хонга бу мазмун жуда маъқул тушибди ва қарз устига, рубоийга сийлов йўсинида, яна минг танга қўшиб қайтарибди.

**Форсчадан Исмоил БЕКЖОН таржимаси**

# ШОИРНИНГ ФАРАНГИСТОНЛИК МУХЛИСЛАРИ

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ, маданияти ва адабиёти бой манба сифатида узоқ йиллардан буён Оврупо илм аҳлининг диққат-эътиборида бўлиб келди. Жумладан, фаранг шарқшуносларининг ўзбек халқи тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганиб, фаранг тилига таржима қилиши ҳам бир неча асрлик тарихга эга. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди XVII—XVIII асрлардаёқ фаранг китобхонига маълум бўлган. Бартолеме д' Ербелонинг 1697 йилда нашр этилган «Шарқ кутубхонаси» номли қомусий асарида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг таърифи, Беруний, ал Хоразмий, Улуғбек каби алломаларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар, Навоий ва Бобурнинг ижодидан намуналарнинг берилиши фаранг шарқшуносларининг ўзбек маданияти ва адабиётини ўрганишдаги дастлабки ютуғи эди.

Ўзбек адабиётига мансуб бадиий асарларнинг жаҳон тилларига таржима қилиниши тарихини Алишер Навоийнинг адабий меросидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳазрат қаламига мансуб асарлар фақатгина Шарқ халқлари орасида эмас, балки Ғарб мамлакатлари, Оврупо халқлари орасида ҳам кенг тарқалиб, шуҳрат қозонган.

Юқорида тилга олинган «Шарқ кутубхонаси» асарида ўзбек классик адабиётининг ёрқин сиймолари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди хусусида ҳам илк маълумотлар берилган. Масалан, китобнинг 99-саҳифасидаги «Алишер» сарлавҳали мақолада Навоийга қуйидагича таъриф берилган: «Алишер ёки Мир Алишер Навоий деб аташади. Бу ном «Али» ва «Шер» сўзларидан ташкил топган. Алишер Хуросонда вазир бўлиб, катта шуҳрат қозонган. У йирик олим ва ширинсухан шахс бўлган. У Ҳирот шаҳрида ўзининг бой кутубхонасини яратган». Китобнинг 661-саҳифасидаги «Навоий» сарлавҳали мақолада эса қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Навоий — бу Низомиддин Мир Алишернинг тахаллуси бўлиб, темурийлар авлодидан бўлган бу шаҳзода Мирзо Султон Ҳусайннинг вазири эди. Навоий ҳам туркийда, ҳам форсийда ажойиб ғазаллар ёзган. Унинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий», «Сабъаи сайёр» достонлари бор. Бундан ташқари, у тўртта девон ёзиб қолдирган. Улар «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавойид ул-кибар» деб номланиб, болаларга, ўсмирларга, ўрта ёшдаги кишиларга ва кексаларга аталгандир. Навоий 906 ёки 912 йилда вафот этган». Бу мақолада фаранг китобхони илк бор Навоийнинг буюк асари бўлмиш «Хамса»даги достонларнинг номи ва шоир қаламига мансуб бўлган девон билан танишади. Тўғри, д' Ербелонинг матнида «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» тушиб қолган, шу каби «Хазойин ул-маоний» асари ҳам нотўғри талқин этилган. Шоир вафотини кўрсатувчи сана ҳам нотўғри келтирилган. Юқоридаги камчиликлардан қатъий назар д' Ербело қомусидаги мазкур мақолалар Навоий ижоди билан фаранг жамоатчилигини илк дафъа таништирувчи манба сифатида қимматлидир.

XVIII аср давомида Шарқ мамлакатларидан олиб келинган ноёб қўлёзмаларнинг ортиб бориши шарқшунослик илмининг кейинги ривожига замин яратган. Аснинг охирига келиб Париж Ғарб шарқшунослигининг марказларидан бирига айланди 1795 йилда бу ерда «Шарқ жонли тиллари мактаби» очилди. 1821 йилда «Осиё жамияти» ташкил топади. 1823 йилда «Осиё журнали» чиқа бошлайди. Бу журналнинг таҳрир ҳайъати аъзолари бўлган С. де Саси, А. Ж. Клопрот, Э. Катремер, А. Ремюзо каби шарқшунос олимлар ўзбек адабиётини ўрганиш ва ўзбек адиблари асарларини таржима қилиш борасида катта фаолият кўрсатдилар. Айниқса, ўзбек адабиёти намоёндалари (классиклари) Алишер Навоий ва Бобур ижодини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Шарқ жонли тиллари мактабининг асосчиларидан бири таниқли шарқшунос олим Сильвестр де Саси тадқиқотларида ҳам Навоий номини учратамиз. XIX асрда яшаган рус навоийшуноси Михаил Никитский ўз илмий ишида қайд қилишича, Сильвестр де Саси Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзо маълумотларига асосланиб, туркий халқлар адабиёти асосчиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида йирик асар ёзган. У мазкур тадқиқотида Навоий ижодининг кўп қирраларини, ўз миллий адабиётини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтган.

С. де Саси Навоийнинг таржимаи ҳолини батафсилроқ ҳикоя қилса-да, унинг асарларига илмий-танқидий фикрлар билдирмаган.

Навоий ижодини Фарангистонда тарғиб ва ташвиқ қилишда фаранг шарқшуноси, профессор Этьен Катремер катта ҳисса қўшди. У 1841 йилда ўзининг «Шарқий турк адабиёти хрестоматияси» номли китобини нашр эттирди. Мазкур китобнинг жилдида қуйидаги ёзувларни ўқиймиз: «Китоб Амир Алишер Навоий асарлари, Султон Бобур эсдаликларидан парчалар, «Мирожнома», «Тазкират ул-авлиё» ва «Бахтиёрнома» китобларидан олинган бобларни ўз ичига олади. Ундаги Алишер Навоий ҳаётига доир мақола, шунингдек, китобдаги фалсафий ва бошқа изоҳлар Э. Катремер томонидан ёзилган.

Фаранг шарқшунослигида Алишер Навоий ижоди ҳақида йирик тадқиқотлар яратган олим Француа-альфонс Белен бўлди. Унинг 1861 йилда «Осиё журнали»нинг февраль-март ва апрель-май сонларида «Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар» номли тадқиқоти босилиб чиқди. Мазкур тадқиқот икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритилган. Иккинчи қисмида эса мунаққид Навоий «Куллиёт»идаги «Мажолис ун-нафоис» ва «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарларидан парчалар келтириб фаранг тилига таржима қилади. Таржималарини изоҳлар билан таъминлайди. Масалан, журналнинг 300—357-саҳифаларидан ўрин олган «Хамсат ул-мутаҳаййирин»нинг фаранг тилига таржимасига 150 дан ортиқ изоҳ ёзилган. Муаллифнинг таъкидлашича, у таржимани асарнинг Миллий кутубхонада сақланаётган қўлёзмасидан ўгирган. Таржима кўпроқ илмий услубда амалга оширилган.

1866 йили «Осиё журнали»да Беленнинг «Шарқ донолари» туркумида ёзилган «Мир Алишер Навоийнинг фазилатлари, эстетик ва фалсафий қарашлари» номли иккинчи тадқиқоти эълон қилинган. Тадқиқотнинг дастлабки саккиз саҳифаси «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг таҳлилига бағишланган, қолган эллик саҳифа мазкур китобнинг фаранг тилига таржимаси ва унга ёзилган изоҳлардан иборатдир. Муаллиф асарни тўлиқ таржима қилмаган, балки ўзига маъқул бўлган бобларнигина ўгирган. Белен «Маҳбуб ул-қулуб» асари устида олиб борган тадқиқотини давом эттиради. У 1872 йили турк олими Аҳмад Вофиқ афанди билан ҳамкорликда «Маҳбуб ул-қулуб»нинг қўлёзма матнини нашр қилдиради.

Мазкур нашр ҳақида «Осиё журнали»нинг 1874 йил 3-сонида профессор Паве де Куртейлнинг тақризи ҳам босилиб чиққан.

ФАРАНГ ШАРҚШУНОСЛИГИДА Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишни Лосьен Бува давом эттирди. У 1902 йили Парижда бўлиб ўтган шарқшунослар анжуманида Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини янги топилган қўлёзмаси хусусида маъруза қилди. 1926 йили «Осиё журнали»нинг 19-сонида унинг «Темурийлар даври тараққиётидан лавҳалар» номли мақоласи босилиб чиқди. Мазкур мақолада Л. Бува темурийлар даври, фани, маданияти, санъати ва адабиёти хусусида алоҳида тўхталиб, ўша даврдаги форс-тожик ва туркийзабон шоирларнинг ижодини ёритишга ҳаракат қилган. Айниқса, у Алишер Навоий фаолияти ва унинг асарлари таҳлилига бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтган, шоирни олий унвон ва мансабга интилмайдиган камтарин инсон, ватанпарвар шахс қиёфасида талқин қилган. Шунингдек, шоир ўз устозлари Хисрав Деҳлавий, Низомий ва Жомий салоҳиятини ҳурмат қилганлиги, ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида улар ижодига юксак баҳо бериб ўтганлиги фаранг шарқшуносининг назаридан четда қолмаган.

Фаранг адабиётшунослигида Навоий ижодига ҳаққоний баҳони машҳур адиб Луи Арагон берганди.

Луи Арагон Навоий яшаган даврда Ўрта Осиё ҳудудида ҳали темурийлар сулоласи давом этгани, Самарқанд ва Хитойда фан ва маданият тараққий қилиб, шоир улардан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Арагон Навоий ижоди ҳақида фикр юритишда В. Бартольд, Е. Бертельс, А. Боровковнинг тадқиқотларига суянади, Ф. Белен, Э. Блоше, Л. Бува томонидан айтилган баъзи нотўғри фикрларга, хулосаларга қарши чиқади ва адиб ижодига юқори баҳо беради. «Навоий,— деб ёзади Арагон, — Саъдий ва Фариддиддин Аттор шеъриятини, айниқса, XII асрда яшаб ижод қилган озарбойжон шоири Низомий изидан бориб, унинг «Хамса»си анъаналарини давом эттирганини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достони мазмунини Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достони мазмунидан олади, бироқ адиб уни ўз она тилида яъни туркийда битади. Туркий тилнинг энг нозик томонларини намоён этади».

Луи Арагон Алишер Навоийнинг давлат арбоби, маданият ҳомийси сифатидаги муҳим тарихий хизматларини ҳам таъкидлаб ўтади. Масалан, унинг вазирлик чоғида эл-юрт фаровонлиги, халқ осойишталиги йўлидаги фаолиятига шундай таъриф беради: «Навоий бадавлат бўлишига қарамай, вазир амалида адолатпарвар, ўз халқининг истаги ва талабини қондиришга интилган шахс эди. У замонасининг илғор кишиси бўлган. Ғузалликни, илму маърифатни, шеъриятни, санъатни жуда қадрлаган».

Луи Арагон монографиясидан ўрин олган «Навоий» номли мақола қуйидаги сатрлар билан бошланади: «Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, бу ўлканинг Алишер Навоий юрти экани беихтиёр ёдимизга тушади. Бугун бу республика пахта макони, пойтахти Тошкент боғу роғларга кон шаҳардир».

«Бугунги кунда, — дея ёзади адиб, — Чирчиқ воҳасининг гўзал боғларида, Самарқанд ва Бухоро пахтазорларида, Хоразм ва Аму бўйларида, Фарғона диёрида Навоий номини ҳурмат билан тилга олишади. Навоий жаҳон шоирлари даврасида ўз ғазалларини бор овози билан ўқимоқда. Замонамизнинг машҳур шоирлари чилилик Неруда, прагалик Незвал, кубалик Гильен, испаниялик Альберти, филадельфиялик Лонгфелло, ватанидан қувилган Нозим Ҳикмат унга таъзим қилиб турибдилар. Навоий адабий мероси асрлар оша халқ қалбида яшаб келди ва яшамоқда».

Луи Арагоннинг Алишер Навоий ижоди ҳақидаги айтган бу сўзлари адиб меросининг жаҳон адабиётида тутган юксак ўрнини кўрсатади.

**Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,**
**Самарқанд давлат дорулфунуни доценти,**
**Малика САТТОРОВА,**
**Низомий номидаги Тошкент педагогика олийгоҳи Навоий шаҳар бўлими ўқитувчиси**

# ДИЛ ИЗҲОРИ

**Халил РИЗО (Озарбойжон халқ шоири):**

— Биз ўзбек, озарбойжон, қозоқ, туркман ва бошқа халқлар дунёда турк деб аталмиш миллат — улкан дарахтнинг айри-айри шохларимиз. Бу миллат — дарахтга умрбоқий озиқ бериб турувчи Аҳмад Яссавий, Юсуф Болосоғуний, Маҳмуд Кошғарий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Насимий, Фузулий, Махтумқули, Юнус Имро каби теран томирлари борки, улар туфайли бу дарахт мангу яшилдир. Алалхусус, Алишер Навоийнинг тўйи менинг ҳам тўйимдир. Унинг хизматлари ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, туркий тилимизни шеърият осмонига олиб чиққанини эслаш жоиздир. Яъни, у том маънода турк адабиётида Уйғониш даврини бошлаб берди. Ўрта аср шароитида, ҳатто ўзидан олдинги туркий салафлари форсий, арабий тилларда ашъорлар битиб, халқларини ўзга тиллар ёрдамида дунёга танитмоқ дардида ёнганларида Навоий ўз она тили — туркий тилда асарлар ёзиб ҳам ўз халқини, ҳам ўз тилини улуғлади.

Шунинг учун ҳам у ҳақли равишда бундай деб ёзганди:

**Мен ўлмасман то турки**
**бедор эрур,**
**Бу тил бирла то назми**
**бунёд эрур.**

Мен Навоий тўйига ажойиб хабар билан келдим. Яқинда Озарбойжон Фанлар академиясининг «Илм» нашриётига туркий халқлар адабиётининг буюк вакиллари ҳақида баҳс юритувчи 50 босма тобоқ ҳажмдаги «Турон гулчамбари» китобимни топширдим. Унда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига кенг ўрин берилган.

**Василий ЖУКОВИЧ (Белоруссия):**

— Алишер Навоий номини белорус халқи унинг рус тилига ўгирилган асарлари орқали биларди, холос. Чунки унинг бирорта асари ҳам тилимизга таржима қилинмаганди. Яқинда ана шу кемтик тўлдирилди. «Мастацкая литература» нашриёти шоирнинг лирик асарларини биринчи марта нашрга тайёрлади. Унда шоирнинг достонларидан парчалар ҳам ўрин олган.

Мен шоир асарларининг таржимасига қўл урганим учун ўзимни бахтли деб биламан. Хўш, шоирни чуқур билиш, яхши таржима қилиш учун нималар қилиш лозим. Аввало, шоир яшаган давр ва унинг асарлари жиддий тадқиқ қилиниши ҳамда бу тадқиқотлар бошқа тилларга ҳам таржима этилиши керак. Чунки Навоий шеъриятини, фалсафасини, динга ва ҳаётга муносабатини, эътиқодини англамасдан туриб, унинг шеъриятини тушуниб бўлмайди. Аксарият асарлари таржима қилинганда фақат муҳаббат лирикасидан иборат бўлиб қолишининг асл сабаби ҳам шундадир. Ваҳоланки, Навоий фалсафани, динни, инсон руҳияти, коинотни шеъриятга боғлаб юборган дунёвий шоирдир. Уни ўз мавқеимизга туширишимиз эмас, унинг мавқеига кўтарилиб, кейин таржимага қўл урганимиз маъқул.

**Василий ЭКТЕЛ (Чувашистон):**

— Қишда келганимда Дўрмондаги Ижод уйида Навоийнинг 10 ғазалини таржима қилдим. Булар Навоий асарларининг чуваш тилига илк таржимаси дейиш мумкин. Шундан кейин ҳам озми-кўпми шоир ғазалларидан ўгирдим. Буларнинг ҳаммаси Чувашистондаги вақтли нашрларда эълон қилинди. Лекин бу ишларни Навоий даҳоси олдида денгиздан томчи дейиш мумкин.

Чувашлар билан ўзбеклар орасида яқинликлар кўп — сўзларда, диний эътиқодларда, умуман олганда, биз бир миллат — туркий бобо фарзандларимиз. Лекин биз йиллар ўтиб бир-биримиздан узоқлашиб кетдик. Навоийдан таржима жараёнида тарихимиз ва қалбларимиз ниҳоятда яқин эканлигини чуқурроқ ҳис қилдим. Эҳтимол, шоир бобомиздан қолинадиган янги таржималар бизни янада яқинлаштирар.

Мен Ўзбекистонни яхши биламан, Наманганда икки йил яшаганман. Қизим Селбийнинг жисми шу заминда. Демоқчиманки, бу юрт ҳавоси менга таниш. Бир пайтлари Навоийнинг «Хамса»сини таржима қилишни ўйлагандим. Ўшанда уни ўгиришга кучим етмаганди. Мана, орадан 20 йил вақт ўтди. Озми-кўпми ижод машаққатини англадим. Кўнглимда, ўша — «Хамса»ни чуваш тилига ўгириш нияти сўнгани йўқ.

**Буюк маънавият ва руҳият мусаввири ҳазрат Навоий сиймоси неча йилларки тасвирий санъат усталарига завқ ва шавқ, ҳайрат ва илҳом бахш этиб келмоқда.**

**Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Кўргазмалар залида куни кеча улуғ бобомиз сиймоси акс этган санъат асарлари намойиш қилинди.**

**СУРАТДА: Кўргазмага қўйилган санъат асарларидан баъзи намуналарини кўриб турибсиз.**

**С. МАҲКАМОВ** суратга олган.

# Сўз мулкимиз

Гулистон шаҳрида очилган ҳайкал.
Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган

Тоҳир ҚАҲҲОР

## ТУРКИЯЛИК НАВОИЙШУНОС

ПРОФЕССОР КАМОЛ ЭРАСЛАН — бугунги кунда дунёга танилган турк адабиётшуносидир. Унинг Эски Туркистон, кейинчалик чиғатой адабиёти деб номланган бугунги ўзбекларнинг классик адабиётига оид илмий тадқиқотлари, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва Комрон Мирзо ҳаёти, ижодига доир тадқиқотлари, уларнинг девонларини илмий-танқидий матни билан чоп эттириши бугунда бутун дунё туркиятчи олимларига маълум ва бу ишлари билан у жаҳон фанида ўзига хос мавқега эга шахс.

Камол Эраслан 1930 йили Туркиянинг Диёрбакр шаҳрида туғилган. Илк ва ўрта таҳсилни Диёрбакрда, юксак таҳсилни Истанбулда олади. Бир неча йил мобайнида ўрта ва олий ўқув юртларида дарс беради. 1970 йили Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ининг матн ва тил хусусиятлари» мавзуида докторлик ишини ёқлайди. Бу асар — беш юз саҳифадан ортиқ теран тадқиқот ва бобомиз Алишер Навоийнинг машҳур асари матни 1979 йили Истанбулда алоҳида китоб ҳолида нашр этилди (1969 йили Истанбул университетида, докторлик тезиси сифатида ҳам босилган эди).

К. Эраслан сўнгра Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарини («Ҳолоти Сеййид Ҳасан Беғ» номи билан) «Туркият мажмуаси»нинг XVI жилдида (Истанбул, 1971), «Паҳлавон Муҳаммад рисоласи»ни ҳам «Туркият мажмуаси»нинг XIX жилдида (Истанбул, 1980) нашр эттирди. Камол Эраслан яна Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафойис» асарини Истанбулда, «Мезон ул-авзон» асарини эса Анқарада нашр қилдирмоқда.

Камол Эраслан 1957 йилдан бери эски ўзбек тили ва адабиёти намуналарини нашр этиб, бу мавзуда Туркияда, Бағдодда, Олмонияда ва бошқа давлатларда дарслар ўқиб, эски ўзбек маданиятини тарғиб қилиб келмоқда. У илк бор «Китоби бадиддунйа ва «Қиссасул анбиё» асарининг тил ва имло хусусиятлари ҳақида илмий тадқиқотини чоп эттирган эди, сўнгра Алишер Навоий асарларини бостирди, кейин эса, буюк турк-ислом мутафаккири, шоир Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ижодидан намуналарни — «Девони Ҳикматдан парчалар»ни (Анқара, 1983) тайёрлаб чоп қилдирди. Шунингдек, Яссавий дарвишларидан бўлмиш (эски ўзбек шоири) «Азим Хўжанинг ҳикматлари»ни («Турк тили ва адабиёти» журнали, XIX жилд, Истанбул, 1971), «Холиснинг ҳикматлари»ни (шу журнал, XX жилд, Истанбул, 1973) ҳам нашр эттирди.

1990 йили Совет Иттифоқи, Туркия, АҚШ, Италия, Олмония олимларининг биргаликда Қозоғистонда ўтказган Биринчи Яссавий Халқаро конгрессида Камол Эраслан Халқаро Яссавий Комитети президенти қилиб сайланди.

Олим Ҳусайн Бойқаронинг «Девон»идан танланган шеърларини 1987 йили Анқарада алоҳида китоб ҳолида бостирди. Шунингдек, у тайёрлаб нашр қилдирган «Комрон Мирзонинг девони» (Истанбул, 1981), «Ҳаким Ота ва «Меърожнома»си» (Анқара, 1979), «Яссавийнинг «Фақирнома»си» (Истанбул, 1977), «Аҳмадий. Мунозара» (Истанбул, 1988) каби қатор китоблар борки, улар шубҳасиз, минг йиллик эски ўзбек адабиёти ҳақида жаҳон олимлари олиб бораётган тадқиқотлар ва нашрлар ичида жуда катта илмий қимматга эга.

Доктор К. Эрасланнинг навоийшуносликдаги улкан хизмати шуки, у асримизда биринчи бўлиб Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарини тўла ҳолда асл тилида — чиғатойчада, туркча сўзбоши, кириш мақоласи, қисқача чиғатойча-туркча сўзлик, индекс-шахс, асарлар, ер отлари билан нашр эттирди. Бу китобдан Алишер Навоий «Асарлар»ининг (15 жилдлиги) 15-жилдида 121 бетлик бир парча босилган, холос. Халқимиз бу шарқ машойихлари ҳақидаги дурдона асардан ҳалигача тўла баҳраманд эмас. К. Эраслан нашр этган нусха эса 500 саҳифадан ортиқ. 770 машойих ҳақидаги маълумот тўла берилган.

Бу нашрни тайёрлашда К. Эраслан 7 мўътабар нусҳадан фойдаланган: 1. Реван нусхаси. Тўпқапудаги Равон кутубхонаси, 808-рақамли куллиёт. Дарвиш Муҳаммад Тоқий ҳижрий 901 йилда Ҳиротда кўчирган; 2. Париж нусхаси. Ҳижрий 933 (мелодий 1526) йилда Али Ҳижроний Ҳиротда кўчирган нусха; 3. Фотиҳ нусхаси. Сулаймония кутубхонаси. 4056-рақамли учта нусхаси бор. Кўчирувчининг оти ва кўчирилган тарихи йўқ; 4. Университет нусхаси. Истанбул университети кутубхонаси. 4149-рақамли, 1291 ҳижрийда, Тошкент вилоятининг Қашғарлик маҳалласида кўчирилган. («Ўзбекиянинг мумтози, Кенагасия элининг сарафроси Муҳаммад Жавдат Бек Додҳох Ғозий амру фармойиши илан»). 5. Лондон нусхаси. Британия музейида. Рақами 402. XVII—XVIII асрларда Ҳиндистонда кўчирилган. Ва ҳоказо... Доктор К. Эраслан бу етти нусхадаги матн фарқларини ҳам изоҳлаб ўз нашрида эълон қилганки, бу илмий жиҳатдан жуда муҳимдир.

Бугун биз шундай бир мукаммал нашрга муҳтожмиз, зотан, бу асар уч буюк Шарқ алломаси — Абдураҳмон Жомий, Фариддиддин Аттор ва Алишер Навоий қаламига мансуб; унда ислом маданиятининг машҳурлари, араб, ажам, турк, ҳинд сўфийлари ҳаёти ва ижодидан намуналар берилган — бундан бугунги халқимиз тўла баҳраманд бўлиши керак.

К. Эрасланнинг ёзишича, Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс»ида 601 шахс ҳақида, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»ида 770 шахс ҳусусида маълумот берилади. Навоий бу китобни яратишда Жомийнинг асарини, Атторнинг «Тазкират ул-авлиё»сини таржима қилиб фойдалангани баробарида, мазкур китобларда турк машойихларига кам ўрин ажратилгани боисидан, ўз китобига яна 140 турк машойихи тўғрисидаги маълумотни киритади. Бу Навоийнинг улуғ бир миллий хизматидир. Ислом маданиятида турк халқларининг тутган ўрнини белгилашда бу муҳим аҳамиятга эгадир. Ўша давр зиёлилари онгидаги нотўғри фикрни, форс ва араб тиллари она турк тилидан устун деган бирёқлама мулоҳазани ситиб чиқариш учун, ўз юртида, ўз салтанатида она турк тилининг мавқеини тиклашда, турк руҳини уйғун бир шаклга келтиришда, туркчани юксак бир санъат тили эканини намоён қилишда ҳам Навоийнинг бу асари катта бир манба бўлди.

Биз қуйида Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» китобидан янги саҳифаларни, айнан турк сўфийлари ҳақидаги қисмларни илк марта ўқувчиларимизга тақдим этамиз. Парчалар К. Эраслан нашри бўйича тайёрланди.

## ЯНГИ ТОПИЛГАН МУХАММАС

Адабиётимиз тарихидан маълумки, устоз Алишер Навоий ғазалларига мухаммас боғлаш, назиралар битиш анъана бўлиб келган. Фурқат ҳам замондошлари Муқимий, Завқий, Муҳсиний, Ёрий каби бу борада муваффақиятли қалам тебратган. Бу бежиз эмас, албатта. Шоир ўзининг «Фурқатнома» асарида Навоий асарларини ёшлигидан қизиқиш билан ўқиганини, ҳатто тушида устоз билан учрашганини айтади: «Яъни бир кечаким — ул жумъа кечаси эрди — туш кўрдим. Бир чорбоғе эмишдурким, эрам гулшани андин нишон бўлғай. Сабзалар ва хўб тоза гуллар ҳавуз яқосида суфаи дилнишин гуногин бисотлар бирла ораста эрди. Ман ул жаннатсаро гулистонда ҳар тарафға танҳо кезар эмишман... Ногоҳ бир зебо сурат йигит... пайдо бўлиб пайғом еткурди. Дедиким: «Бир жамоат уламолар сизни суҳбатларига таклиф қилурлар...» Ул азиз ишорати бирла бир киши мени олдимга бир китоб ёзиб қўйди. Ул китоб Амир Алишер Навоийнинг «Чордевон»лари эрмиш. Андин менинг қўлумға қалам ва қоғоз бериб, ҳар қайсилари бир мисрадин байт айттилар. Мен ёзиб тамом қилдим, эрса ҳаммалари қўл очиб ҳақимда дуо қилдилар ва шеър машқига рухсат бердилар».

Фурқатшунос олимлардан Х. Расул, А. Абдуғафуров ва бошқаларнинг махсус илмий тадқиқотларида ҳам Фурқат бадиий маҳорати шаклланишида, юксалишида Навоий асарлари таъсири катта бўлгани, Фурқат устоз асарларига ҳамоҳанг ғазал, мухаммаслар яратгани алоҳида таъкидланган.

Музейимиз хазинасида Ўзбекистон халқ шоири Чархий архиви сақланади. Шоир тавваллудининг 90 йиллигига атаб ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик кўраётиб, шоир архиви материаллари орасида Фурқатнинг Навоий ғазалига боғлаган мухаммасини учратдик. (Сақланиш рақами 5138).

Мухаммас икки варақ Қўқон ипак қоғозига чиройли настаълиқ хатида ёзилган. «Мухаммаси Фурқат ба ғазали Навоий (Навоий ғазалига Фурқат мухаммаси) деб сарлавҳа қўйилган, матни охирига 1304 (1887) йил санаси, сўнг «Ба қалами хоксор Чархий Хўқандий» (Қўқонлик хоксор Чархий қалами) деб изоҳ берилган ва 22.IV.70 йил санаси битилган. Мухаммаснинг шоир Чархий томонидан алоҳида икки варақ Қўқон ипак қоғозига моҳирлик билан кўчирилиб, изоҳ берилиши бизда қизиқиш уйғотди. Мухаммаснинг кўчирилишига сабаб нима, деган савол билан архив материалларини кўздан кечирдик. Қидиришимиз зое кетмади. Чархий дастхати билан ўқувчилар дафтарига жамланган Муқимий, Завқий ва бошқа шоирларнинг асарлари орасидан мухаммасни аниқладик. (Сақланиш рақами 4991). Матнларни қиёслаганимизда, фарқлар учрамади. Сўнгра мухаммасни шоирнинг чоп қилинган асарлари, бошқа манбалардан қидирдик. Мухаммас 1975 ва 1980 йилларда нашр қилинган шоир танланган асарларида ҳам учрамади. Бу эса Чархий ушбу мухаммасни илм аҳлига маълум эмаслигини билгани учун алоҳида эътибор билан ёзиб қўйган, деган хулосага олиб келди.

Топилма билан танишган Қўқон педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Л. Зоҳидов, музейимиз катта илмий ходими, филология номзоди А. Мадаминов ҳам фикримизни тасдиқлашди. Мухаммаснинг ўтган давр мобайнида эълон қилинмаганлигига эса ўтмиш турғунлик даври сабаб бўлса керак.

Қуйида мазкур мухаммас газетхонлар ҳукмига ҳавола этиляпти.

**Ҳасанжон ОТАЖОНОВ,**
**Қўқон шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи бўлим мудири**

ФУРҚАТ

### МУХАММАС

Оҳким, айлар фалак пайваста кажрафторлиғ,
Жавру зулм аҳли замон-у, даҳр этиб озорлиғ,
Етмай ул гул васлига ҳар дам чекиб юз хорлиғ,
Соқиё, ҳажр илгидин кўп тортадурмен зорлиғ,
Май кетурким, маслаҳат эрмас манга ҳушёрлиғ.

Тўла қуй, ҳушёрлиғдин не асар бўлғай манга,
Нашъаси модом чун жоми қадар бўлғай манга,
Нўши жон то чанд хунобе жигар бўлғай манга,
Маст қил алдоққи, бош қўйсам магар бўлғай манга,
Маҳшар аҳли ёрнинг ғавғосидин бедорлиғ.

Бир сари авбош таъни, бир сари таъни рақиб,
Бўлди кўп мушкул тириклик, меҳр оз айлар ҳабиб,
Бу учовлон ғавғосидин етдим ўлмакка қариб,
Чораси ё бодадур, ё васл, ё марг, эй табиб,
Ҳар кишиким топса ҳижрон дардидин ночорлиғ.

Неча чектим меҳнату кулфат ила алам ғами,
Неча ўлдум ишқ аро дарду балолар ҳамдами,
Кўрмаган андуҳлардин ёна бу эркан ками,
Қасдим этмиш ҳажр, беҳудлиғ иложимдур даме,
Майға афюн ёр қил, гар айлар эрсанг ёрлиғ.

Тош ёғарди бошима ғам тоғидин, эй муғбача,
Ўтмиш эрдим шодмонлиғ чоғидин, эй муғбача,
Чун кўтардинг хорлиғ туфроғидин, эй муғбача,
Бар егил, ё раб қаётинг боғидин, эй муғбача,
Ким майи лаълингдан ўлди бизга бархурдорлиғ.

Офиятни истаганлар бўлмасун ووораким,
Топмагай то кўзни сурмай соғари саршораким,
Хирқан тақвони қилмиш қайси зоҳид пораким,
Зуҳд, эй соқий, бало эрмиш хуш ул майхораким,
Ичгали жоми бало бўлмиш иши ҳамморлиғ.

Фурқатий, токай замона шайхига бормоқ эрур,
Ўзни ужб ила риёсин ўтиға ёқмоқ эрур,
Бода дурдиким, анга лабташналар муштоқ эрур,
Эй, Навоий, зуҳддин юз қатла ортуқроқ эрур,
Бир сафол илгимда муғ қўйида қилсам зорлиғ.

Мир Алишер НАВОИЙ

## НАСОЙИМУЛ МУҲАББА МИН ШАМОЙИМИЛ ФУТУВВА

АСАРДАН ПАРЧАЛАР

**628. ШАЙХ АБУЛ ҲАСАН ИШҚИЙ (қуддиса сирруҳу)**

Хоразмдандур. Шайх Боязид Ишқий қуддиса сирруҳиким, силсиласи султонул орифин султон Боязид Бистомий раҳимаҳуллоҳуға етар, анга тарбият қилғандур. Ўз замонида фақр аҳлининг муқтадоси эрмиш, балки машойихнинг пешвоси. Мурид ва асҳоби бағоят кўп ва каромот ва мақомоти андин кўпрак.

**629. МАҲМУД ШАЙХЗОДА (қаддасаллоҳу сирраҳу)**

Шайх Абул Ҳасан Ишқийнинг халафидур. Анинг дағи мурид ва асҳоби кўп, муомалаю риёзати мустаҳсан ва каромоту мақомоти бениҳоят эрмиш.

**630. ХУДОЙҚУЛИ ШАЙХ (қаддасаллоҳу сирраҳу)**

Шайх Абул Ҳасан Ишқийнинг соҳиби сажжодаси ва қойими мақоми ва замонининг шайхул машойихи экандур. Ишқия силсиласида Шайх Абул Ҳасандин сўнгра ғўё андин улуғроқ киши йўқ экандур. Ва ҳаворики, одоту каромоти кўп эркандур.

**631. МУҲАММАД ШАЙХ (раҳимаҳуллоҳу таоло)**

Худойқули Шайх қуддиса сирруҳунинг ўғлидур. Ўз замонида халойиқ муршиди эрмиш. Султонлар анга муршидлик ҳайсиятидин иродат келтуруптурлар. Анинг суҳбатида олиме анга бир қатла таарруз қилғондур. Шайхнинг оллида обхўра кўза турғон экандур. Бир тошни олип, ул кўза оғзиға қўйуптур. Ул олим ҳар илмки касб қилғон экандур, борча хотирдин чиқип, ўзин омию жоҳил топиндур. Бўйнига фўта солип, истиғфор қилип, Шайх қошиға тазаллум қилипдур. Шайх ул тошни кўза бошидин олғоч, яна ўзин бурунғи ҳолида топип, Шайхқа мурид бўлуптур.

**632. ИЛЁС ШАЙХ (раҳимаҳуллоҳу таоло)**

Муҳаммад Шайх раҳимаҳуллоҳунинг ўғлидур. Зоҳир улумида бу силсилада андин олимроқ йўқ эрмиш. Ва ҳаж давлатиға мушарраф бўлуптур. Арабиййатда моҳир эрмиш ва ул тил била сўзлашур эрмиш ва назм дағи айтур эрмиш. Ва Самарқандда Қум тоғида сокин эрмиш. Муборак марқади ғўё ҳам анда ўқтур.

(Кейинги, яъни 633 дан 638 гача бўлган рақамлар билан белгиланган бобларда ҳам Ишқия силсиласига мансуб туркистонлик шайхлар ҳақида ҳикоя қилинган — Т. Қ.)

**639. САЙЙИД ОТА (алайҳиср-раҳмату)**

Хожа Аҳмад Яссавийнинг қаробатидур. Риёзат била мужоҳадалар тортипдур. Иши ул ерга еткан эркандурки, дедурки, мен ва Аҳмад тенглаштук, мен буюкрак эрдим. Ани баъзи ҳам сиёдатқа мансуб қилипдурлар. Ва Турк улусида Ота дерлар. Ва шуҳрати бағоят кўптур ва даъвоомуз сўзи ҳам кўп.

**640. БОБ ҲУСАЙН (алайҳиср-раҳмату)**

Кибори машойихдиндур. Дедурларки, Хожа Аҳмад Яссавий қаддасаллоҳу руҳаҳуға кичик эрканида тарбият қилғондур. Ва анинг хонводасин бузургликка Моваройуннаҳр эли мусаллам тутуптурлар.

(Кейинги саҳифаларда ҳам Яссавий издошларидан Занги Ота ва Исмоил Ота ўғилларидан бўлмиш Ҳасан Шайх ҳақида ёзилган, бу маълумотлар ўқувчиларга маълум; аммо асарнинг 1968 йилги Тошкент нашрида «Ҳусайн Шайх» деб берилган ва К. Эраслан нашри билан иккисининг ўртасида бир мунча фарқлар бор. Бу икки туркистонлик шайхдан сўнгра Юсуф Шайх — туркистонлик Садр Отанинг ўғли ва унинг наслидан Ҳожи Шайх ҳақида маълумот берилган — Т. Қ.)

**643. ЮСУФ ШАЙХ (алайҳиср-раҳмату)**

Садр Ота қуддиса сирруҳу авлодидиндур. Маскани Қўҳисоф эркандур. Андин ҳам кўп ҳориқи одот ва каромот манқулдур. Умри юз йигирмага еткандур. Ва мазори ҳам ул навоҳидадур.

**644. ҲОЖИ ШАЙХ (алайҳиср-раҳмату)**

Юсуф Отанинг ўғлидур. Ишни отасидин кўп ўткарипдур. Ўз замонининг улуқ улуси ўзин анга мурид ва асҳоб тутар эркандурлар. Арлот улуси ва Турхон элининг улуқ-кичики аниқ муқтадолиққа қабул қилипдурлар. Ҳориқи одот кўп андин зоҳир бўлуп эрмиш.

Бир кун муридлари била айланип борур эрмиш, бир ерда тушмишлар. Ўтқа эҳтиёж бўлмиш. Ҳар тараф тиламишлар, топилмамиш. Шайх демишки: «Мен сизга ўт топсам, нечук бўлғай?» Демишларки: «Лутф бўлғай». Ёғлиғи ичида бир тугун эрмиш. Ул тугунни ешмиш, андин бир пора чўғ чиқмиш. Ул чўғни ул ўтқа муҳтож элга бермишки, аларнинг ҳам суҳбатлари қизимиш ва ҳам кўзлари ёримиш, валлоҳу Таоло аъламу.

(Қуйида бериладиган икки бобнинг бири буюк бобомиз Амир Темур ҳаёти тарихи билан боғлиқ эканлиги билан ниҳоятда қадрли бўлса, иккинчиси кўкдан тушганлар билан мулоқот қилган хоразмлик шайх бобомиз хусусидаким, бу «учар ликоп»лардаги бугунги ташриф ва минг йил аввалги эски замонларда ҳам бўлганини ёдга солади — Т. Қ.)

**648. БОБО СУНГУ (қаддасаллоҳу сирраҳу)**

Замон мазжубларидин эрмиш. Андҳўд қасабасида бўлур эрмиш. Соҳиби ботин киши эрмиш. Рамзларин билганлар натижа топарлар эрмиш. Темур Бек Хуросон мулки азиматиға юруганда, Андҳўдқа етканда, машҳурдирки, Бобо хидматиға боргандур. Ўлтурғандин сўнгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшин олип, Темур Бек сари отипдур. Темур Бек ғоят ақлу закосидин депдурки: «Хуросонни Ер юзининг кўкси депдурлар, ани Бобо бизга ҳавола қилди», деп, бу башорат била юруп, Хуросон мулкини олипдур. Ва Бобо Сунгунинг қабри ҳам Андҳўд қасабасидадур, йўзору ва йўтаборраку биҳи. Ва Бобо Жон Бобо анинг халифаси эрмиш. Ва Бобо Иброҳим, Бобо Жон Бобонинг муриди ва халифаси. Иккаласининг қабрлари ҳам Бобо Сунгу живорида, Андҳўддадур. Ва ҳоло дарвишлар такяни маъмур ясарлар.

**608. ШАЙХ АЛОУДДИН АЛ-ХОРАЗМИЙ (қаддасаллоҳу сирраҳу)**

Бу тоифада бузург эрмиш. Имом Ёфий раҳимаҳуллоҳу депдурки, ўн икки кун бир юзи била намоз қилди ва ўн беш йил ёнин ерга қўймади. Ва неча кун ўтар эрдики, таом емас эрди, магар азрақ ва хошин. Менинг била Минода эрди. Дедиларки, неча йилдирки, мункирот жиҳатидинки кўрар, ихтиёрсиз ҳажга келурки, анга буюруптурлар.

Ҳам Имом Ёфий депдурки, Шайх Алоуддин дедики: «Рум дарёсининг соҳилларидин баъзида гўша бутуқ эрдим. Чун фитр байрами бўлди, муслимонлар кентларидин бириға намоз учун бордим. Қайтип масканимга келдим, бир одамийни кўрдимки, менинг ҳужрамда намоз қиладир ва ҳужрам эшикидаги қумда ҳеч айғ изи йўқтур. Таажжуб қилдимки, қайдин кирип эркин. Намоздин сўнгра зор йиғлади. Мен фикрга бордимки, анинг учун не келтирайки, ейдур. Илтифот қилмади ва дедики, фикр қилмаки ғайбдадур, улчасен, билмассен ва лекин агар су(в) бўлса, манга келтур. Ибриқ сари бордимки, олип келгаймен. Ибриқ қошида икки улуқ қурс кўрдум, иссиғ ва бодом мағзи — аларни кўтардим ва анинг қошиға элттим. Қурсни ушатти ва бодом мағзларин менинг илайимга тўкти. Ва дедики, егил. Ва ул бодом мағзларидин манга берур эрди ва мен ер эрдим. Ва ул емади бир мағздин ўзга ё иккидин ўзга. Ва мен ул таомда ғариб ҳузур топар эрдим. Деди, муни ғариб кўрмаки, Тангри Таолоға бандалар борки, ҳар қайда бўлсалар ва ҳар не тиласалар, топарлар. Менинг таажжубим ортиғроқ бўлди. Ўзумга дедимки, андин муохот талаби қилай. Деди, ошиқмаки, яна сенга келгумдур, иншоаллоҳи таоло. Ва ғойиб бўлди. Ва билмадимки, қаён борди. Шавволнинг етинчи кечаси келди ва менинг била муохот ақди боғлади, розийаллоҳу анҳумо.

Нашрга тайёрловчи Тоҳир ҚАҲҲОР

## СУҚРОТ — КОМИЛ

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» Алишер Навоийнинг машҳур асарларидан, уни ўрганишга бағишланган илмий-таҳлилий ишлар ҳам анча. Аммо шунга қарамай, бизнинг назаримизда, достоннинг ғоявий моҳияти, улуғ шоир кўзлаган мақсад-муддао ҳали очилган эмас. Дарҳақиқат, нега Фарҳод бошқаларга ўхшаган эмас, туғилганидан бошлаб ғамгин, безовта? Сеҳрли кўзгу, Юнонистон сафаридаги тилсимотлар, дев, аждарҳо ниманинг рамзи, бу ерларда тоғларда истиқомат қилувчи донишмандлар-чи, улар кимлар? Нега Навоий воқеаларни тўғридан-тўғри Ширин билан учрашишдан бошламаган, асарнинг тенг ярми афсонавий саргузаштлар тасвирига бағишланган? Бу ва бунга ўхшаган саволларга, афсуски, мавжуд тадқиқотларда жавоб йўқ. Ҳолбуки, Навоий оддий эртакчи шоир эмас, унинг ҳар бир ифода-образи, лавҳа ва тавсилларида муайян умумфалсафий, кайҳоний-илоҳий маъно бор. Буни у асарнинг муқаддимасидаёқ қайд этиб ўтади:

**Бу рангин саҳфа, билким, дард боғи,**
**Аён ҳар поласида ишқ доғи.**

Яъни мақсад ишқ дардини куйлаш. Бироқ бу оддий, заминий ишқ эмас, балки илоҳий ишқ, Фарҳод эса ана шу илоҳий ишққа мубтало солиқдир. Ғўдакнинг вужуди «шуълаи дард» билан йўғрилган, тили чиққан заҳоти ишқ ва ошиқлик сўзини айтар, ҳазин ва хастадил бўлиб ўсар, жисмонан бақувват бўлса-да, лекин оламга бепарво, ғалати эди. «Фарҳод» сўзининг асл маъноси нурли сиймо, бахти ўзига йўлбошчи демак. Аммо Навоий бу номнинг араб ёзувидаги ҳарфларига рамзий тус бериб, у **фироқ, рашк, ҳажр, оҳ ва дарддан** иборат деб айтади. Чунки илоҳий ишқ юрагига олов солган одамнинг насибаси ҳижрон қийноқлари; у ўзи билан илоҳ орасида тўсиқ бўлиб турган дунё ва жисмдан қутулиш изтироблари чекиши шарт. Тақдири азал бу боланинг пешонасига шуни битган ва у бундан қочиб қутулолмайди. Шунинг учун унинг ҳорқулодда хислатлари кишиларни ҳайратга солади. Фарҳоддаги раҳмдиллик, шоҳу гадога баробар муомалада бўлиб, «эл озоридан озор топиши», отаси таклиф этган тахт-тождан воз кечиши ҳам унинг дарвештабиатлиги, қалбан мол-дунёга қизиқмаганидандир. Атрофидагилар эса Фарҳоднинг бу аҳволини тушунмайдилар. Хоқон ўғлининг ҳазин кайфиятини кўтариш мақсадида ҳар хил тадбирлар қўллайди (томошалар уюштиради, тўртта қаср қурдиради, табибларга кўрсатади ва ҳоказо). Бу орқали Навоий илоҳий ишқ дардида ёнган одам билан ушбу саодатдан бенасиб «фоний дунё» кишилари орасидаги руҳий-маънавий тафовутни кўрсатиб берган. Аммо шуниси ажибки, Фарҳоднинг ўзи ҳам бошида «ичию тоши асири дард» бўлишига қарамай, нимага бундайлигини англаб етмайди. Фақат шуни биладики, ихтиёри ўзида эмас, аллақандай олов ёниб-ёндириб ўзига чорлайди, кўнгли ҳамиша нимагадир муштоқ. Бу ҳолнинг-да тасаввуфий талқини бор: Фарҳод дардининг боиси нима эканини билиши, яъни ўзлигини англаши учун сулук йўлига кириб, маърифат манзилларини (мақомотни) босиб ўтиши лозим. Унинг зўр қобилят билан эгаллаган билимлари, жумладан, Қоран ва Монийдан ўрганган ҳунарлари ҳам, зоҳирий (дунёвий) билимлар бўлиб, улар тилсимотлар, яъни илоҳий сиру асрорни очишга кифоя қилмайди. Ирфоний-ботиний билимларни эгаллаб, илмуляқин даражасидан ҳаққуляқин даражасига кўтарилиш, кўнгил оинасида ғайб жамолини акс эттира олиш учун эса у пири комил таълимини олиш керак эди. Фарҳоднинг хазинадаги кўзгуни биллур сандиқ ичидан ололмай (чунки у тилсимланган) Юнонистон сафарига, Суқрот ҳузурига отланишига зарурат шундан келиб чиқади.

ЮНОНИСТОН — ҲИКМАТ МАМЛАКАТИ, зотан, сандиқдаги «ҳикмат жаҳони» кўзгу ҳам Искандардан қолган, уни юнон донишмандлари ясаганлар. Ҳакимлар тоғларда, ғорда яшайдилар. Фарҳод ва у билан бирга борган одамлар аввал Суҳайло исмли ҳаким билан учрашадилар. Суҳайло — Фарҳоднинг тариқат йўлидаги биринчи пири, у Суқрот даражасида комил эмас, оқна сеҳрини очишга қурби етмайди. Аммо у Фарҳоддга Суқрот ҳузурига бориш йўлини кўрсата олади. Кези келганда шуни айтиш керакки, тариқатда бир неча пирнинг таълимини олиш расм эди, шайхлар ўз даражаларига қараб, шунингдек, мурид-нинг истеъдодини ҳисобга олиб, уни ўзларидан кучлироқ пирларга тақдим этганлар, натижада шогирднинг ирфоний қобилияти пирдан пирга ўтгани сари очилиб бораверган. Суҳайло ҳам «донойи оғоҳ», кўнгли бедор одам, у Фарҳод енгиб ўтиши керак бўлган тўсиқлар — аждарҳо ва девдан хабар беради. Аждарҳо — нафс тимсоли, дев — салтанат тимсоли (ҳокимлик). Суҳайло Фарҳодга аждарҳони енгиш учун самандар ёғини туҳфа этади. «Оташгоҳларда юриб йиққанман бу ёғни», дейди у. Чунки самандар олов ичида яшайдиган жонвор. У — ишқ рамзи. Фарҳод баданига самандар ёғини суртганда, аждарҳонинг ўти унга кор қилмайди — ишқ оташи нафс ўтини сўндиради, демоқчи буюк мутафаккир Навоий. Ўшал ишқи илоҳий оловиким, Фарҳодни мард ва қаҳрамон қилди, не-не бало-офатларни енгишга қудрат берди. Фарҳод Суҳайло сўзига амал қилиб, даҳшатли девни ўлдиргач, унинг бўйнидаги қумуш лавҳани олиб, унинг ёрдамида Жамшид жомини қўлга киритади. Жом гардишида Суқрот ҳузурига борадиган йўлни кўрсатувчи ёзув бор. Жоми Жамшидни қўлга киритиши Фарҳоднинг сулук тадрижида муайян мартабага эришганидан нишона эди. Чунки бу жомда «жаҳон ҳолоти равшан» кўринади, унинг ташқариси «комил замири» бўлса, ичи «андоққи соҳибдил замири». Демак, Фарҳоднинг ирфоний билими ошди, замири равшанлашди, руҳий олами бойиди. Аммо кўзгу сеҳрини очишга бу ҳали етарли эмас. Шунинг учун у Суқрот томон интилади, лекин бу йўлда яна қанчадан-қанча мушкилликларни енгиши лозим. Водий билан Суқрот турадиган тоғ оралиғида кўпдан-кўп тилсимотлар бор, йўл бағоят оғир, илон-чаёнларга тўла, ўрқирлардан ўтиш керак. Тор сўқмоқнинг икки томони қиррали харсанг тошлар, пастда ваҳимали дарё оқади. Фарҳод шу йўлдан ҳеч қаёққа қарамай, «туз юриб», ўн бир минг қадам босиши керак, озгина чалғиса, ҳалокатга учрайди. Бу — солик Фарҳоднинг руҳиятида юз бераётган ўзгаришлар; унинг иродаси, сидқу вафосининг синовлари. Солик бутун диққати, қалб торларини илоҳ йўлига қаратсагина, муваффақиятга эришади. Фарҳодга тилсимотларни ечиб, мазкур йўлни босиб ўтишда Хизр раҳнамолик қилади. «Келубдурмен санго бўлмоққа ҳодий», дейди у йигитга қараб. Хизрни Фарҳоднинг иккинчи пири деб қабул қилиш мумкин, аммо аслида у улуғ мақсад сари таважжуҳ этган Фарҳодга ғайбдан келган мададдир. Фарҳод Хизр маслаҳатига кириб, жомга қарайди ва унда Суқрот маскан тутган тоғни ҳамда ғорни кўради. Шайх қанча улуғ бўлса, у макон тутган тоғ ҳам шунча баланд ва маҳобатли, унга етишиш азоби ҳам оғир. Ғорга борар йўлда Фарҳодга шер ва «темир пайкар» одам — робот дуч келади. Шер — ғазаб тимсоли, ғазабкорлик эса ҳокимлар, подшоларга хос. Дарвешда ғазаб бўлмаслиги керак. Шунинг учун Фарҳод шернинг оғзига Аҳриман девдан олгани Сулаймон хотами (бу ҳам ҳокимият рамзи) билан уриб, уни даф этади. Кейин темир пайкарни енгиш навбати келади. Унинг кўксида кўзгу бор, шу кўзгуни юз қадам масофадан нишонга олиб уриш керак, агар ўқ кўзгуга тегмаса, темир одам ўқ отувчининг ўзини ҳалок этади, агар нишонга тегизилса, у ёниб йўқ бўлади. Темир пайкар — рўё, ёлғон тимсоли, айни вақтда дунё мўъжизалари рамзи, чунки дунёнинг ўзи ҳам мажоз — ёлғон деб ҳисобланган. Дунё мўъжизаларига маҳлиё бўлган одам илоҳга, ҳаққа етолмайди, чалғийди. Фарҳод темир пайкар кўксини нишонга олиб, ўқ отади ва кўзгу синиб, ҳалиги махлуқ ёниб нобуд бўлади. Шундай қилиб, Фарҳод Суқрот даргоҳига мушарраф бўлишдан олдин ананият белгилари — нафс, давлат ва бойлик ҳирси, ғазаб, рўё-ёлғон қутқуларини бартараф этди, унинг кўнгил кўзгуси дунё ишқи ғуборидан тоза бўлди. Шу билан бирга, Фарҳоднинг илми ғайбдан хабардорлиги, ўз-ўзини англаш жараёни бошланди, пардалар бирин-кетин орадан кўтарилмоқда эди.

Хийла машаққат билан ғорни топгандан кейин Алишер Навоий қуйидаги байтни келтиради:

**Топиб кўп фикр ила ғор оғзиға йўл,**
**Киши топқон киби ёр оғзиға йўл.**

Бу ўринда ғор оғзининг ёр оғзига ўхшатилгани диққатни тортади. Ичи зимзиё бўлган ғор ҳар қандай одамда ваҳима, қўрқув ҳиссини уйғотиши табиий, бироқ Фарҳод учун бу ғор ваҳимали эмас, балки ёр оғзини топган каби фараҳли. Албатта, ёр деб Навоий Суқротни назарда тутаётир, у солик Фарҳод учун ҳақиқатан ҳам азиз дўст — ёр.

Коронғи ғорга «жаҳонбин жомни» машъал қилиб кириб борадилар. Жом Фарҳоднинг мусаффо қалби рамзи эканини айтган эдик, яъни Суҳайло ва Хизр таълими, мададлари туфайли равшанлашган солик қалби машъалдай йўлни ёритиб, пири комил сари етаклайди. Бир қанча зиналардан кўтарилгандан сўнг салобатли бино кўринади, унинг айвонига чиқилгач, тўрдаги хона ичидан бир даста нур кўзга ташланади. Бу хона ичида гўё маҳфий сиру асрор олами бўлиб Суқрот ўтиради, нур — унинг чеҳрасининг зиёси. Суқрот мехмонлар келишидан огоҳ, шунинг учун уларни ичкарига чорлайди. Шу ерда Навоий воқеанинг боришини тўхтатиб, Суқрот ҳаким таърифига ўтади.

Суқрот, шоирнинг тавсифи бўйича, қуёш киби порлоқ сиймо, жисми пок руҳдан иборатдай, шахси ақлнинг ҳайкали бўлиб кўзга ташланади. У барча зоҳирий ва ботиний илмларнинг жамулжами; ҳамида ахлоқий хислати, тамкини ва заковати ҳайратланарли. Жисми тоза жон каби муккаррам ва сафоли. Олами кубро, яъни Илоҳиёт оламини мужассам этган зот:

**Келиб кўнгли анингдек баҳри зоҳир,**
**Ки анда зоҳир аввал то ба охир.**
**Юзи миръоти анвори илоҳий,**
**Илоҳий сиррини англаб камоҳий.***

# СОҲИБҚИРОН

علیشیر نوائی

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ИНСОН ТИМСОЛИ

Фарҳодга керак эмас эди. Хоқон ва Мулкоро — дунё одамлари, шу боис уларнинг талаби, хурсандчилиги ҳам дунёвий, яъни бойлик, еру мулк ва ҳокимият. Суқрот хоқон ва вазирни рози қилиб, чиқариб юборади-да, сўнг ёнига Фарҳодни чорлаб, уни ўз фарзандидай эъзозлайди. Чунки бу йигит сиймосида у эътиқоди, сулукининг давомини кўрган эди. Навоий тасвирига кўра, Суқрот Фарҳодни неча юз йиллардан бери кутади. «Ҳакими жаҳонбин» Фарҳодга қараб дейди:

**Муни билким, жаҳон фоний дур асру,**
**Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру.**

Ушбу байтда Навоий Суқрот тилидан тасаввуфнинг икки муҳим ғоясини баён этган. Биринчи ғоя — дунё ўткинчи, шу сабаб унга кўнгил боғлаш хато. Минг йил яшаб, ер юзини олсанг ҳам оқибат бир кун ўласан. Хоқон умри узайганига хурсанд, лекин у, ахир, абадий эмас. Фақат Мутлақ илоҳ абадий, унинг ишқида ёнган ошиқ ҳам абадийлик бахтини топади:

**Чу маҳбуби ҳақиқий улдурур, ул,**
**Анинг васли сари қатъ айламак йўл.**
**Гар ул маҳбуб васли бўлди уммед,**
**Будур иқболи сармад, бахти жовид.**

Инсоннинг яшашдан мақсади «ҳақ амриға маъмур бўлмоқ», бундан ўзга ишлардан эса ўзини сақлашдир. Бироқ ҳақ ва ҳақиқатни севиш, илоҳий маърифат жомини нуш этмак осон эмас. «Бу йўл ичра беҳад дарду ғам бор», деб айтади Суқрот. Негаки, ҳақ ошиғи учун тана-вужуд ва дунёнинг ўзи бамисоли бир зиндон. Ўзликдан қутулмай ҳақ жамолига етиш, бақога мушаррраф бўлиш мумкин эмас:

**Бири — ўзлукни қилмоқ бўлди фоний,**
**Яна бир — доғи топмоқ бўлди они.**

Бу байт сўз ўйини асосига қурилган. Суқрот (Навоий) фикрига кўра, ҳаққа етишиш йўли икки қадам масофадек гап, лекин бу икки қадамни босиб ўтиш учун минг йиллик машаққат сарфланиши керак, зеро, бу икки қадамнинг бири — ўзликдан воз кечиш, иккинчиси — ўзликни топиш, яъники ўзликдан воз кечмай туриб, ўзликни тополмайсан. Навоий талқинидаги иккинчи тасаввуфий ғоя ана шу.

Шу тариқа, Суқрот Фарҳодга дунёнинг тузилиши, одамизод хилқати ва вазифаси, ваҳдат асрори, фано ва бақо, ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий хусусида гапириб беради; ошиқ йигитнинг «сарнавишти» — тақдирини, бошига тушадиган мушкилликлару топажак саодатини шарҳлаб беради. Ишқнинг икки тури ҳақида Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Маҳбуб ул-қулуб» ва «Лисон ут-тайр» асарларида ҳам фикрлар айтилган. Шоир ҳар гал мажозий ва ҳақиқий ишқни солиштирар экан, ўқувчига тушунарли ва таъсирли бўлиши учун янги-янги қиёсларни мисолга олади. Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да мажозий ишқни ер қаъридаги тошларни лаълу олмоса айлантирувчи ҳароратга, «Лайли ва Мажнун»да эса «кимё», яъни мисни олтинга мубаддал этувчи сеҳрли фанга ўхшатади («кимёланиш» ҳам олов таъсирида юз беради). «Фарҳод ва Ширин» достонида эса мажозий ишқ тонг ёруғи, ҳақиқий ишқ қуёшнинг ўзига қиёс этилган. Суқрот бунинг маъносини тушунтириб, мажозий ишқни солик вужудини фано этувчи, илоҳий ваҳдатга олиб борувчи куч деб таърифлайди. Модомики, инсон ўзликдан қутулмай, илоҳга етолмас экан, демак, ана шу жараённи тезлаштирувчи чора, восита керак:

**Бу ўзлукдин қутулмоқ чорасози,**
**Нима йўқ, ўйлаким ишқи мажозий...**
**Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,**
**Ҳақиқий ишқ анга хуршиди ховар.**

Мажозий ишқ жараёнида ошиқ обдон синовдан ўтади, унинг тани бир қуруқ хасдай бўлиб қолади ва ҳақиқий ишқ «барқи чоқилғоч», зумда ёниб кулга айланади, яъни ошиқ руҳи қутулиб, абадият — ваҳдониятга эришади.

Фарҳод ана шу жараённи босиб ўтиши, ишқи мажозий ўтида ўртанмоғи даркор, деб хабар беради Суқрот. Аммо ишқи мажозий «мазҳар»сиз содир бўлмайди. «Мазҳар» сиймосида илоҳий жамол акс этган киши. Ошиқ уни кўриб, шайдо бўлади, ўзини, борлиғини унутиб унга интилади. Лайли Мажнун учун, тарсо қизи Шайх Санъон учун, амирнинг ўғли Шайх Ироқий учун, муғанний аёл Шайх Рузбеҳон учун «мазҳар» эди. Фарҳоднинг мажозий ишқи учун «мазҳар» (мазҳар — зуҳурланиш, инъикос демак) Ширидир. Мазҳар Вужуди мутлақнинг сифатлари ва беинтиҳо Ҳуснинг қудратини намойиш этади, у миръот ораз, илоҳий файз аёнлашган объект («шайъ»). Ҳусн ва Ишқ тортилиши (Навоий буни «кашиш» дейди), ўзаро можаролари ушбу достонда Фарҳод ва Ширин тимсолида давом этган.

Фарҳод, шундай қилиб, Суқрот ҳузурига борар йўлда маърифатнинг бир қисми — мақомот манзилларини босиб ўтди, пири муршид — комил инсон суҳбатидан баҳра топиб, ўз дарди нима эканини билди; ишқ, сулук моҳиятини англаси — ўзлигини ва илоҳиётнинг сеҳру синоатини таний бошлади. Суқрот унга отаси хазинасидаги кўзгу сирини ҳам айтиб беради. Фарҳод кўзгуда нафақат Ширинни, балки ўзини ва ўзи бошдан кечириши лозим бўлган воқеаларни кўради. Чунки кўзгу бу ерда ўша комил инсон Суқротнинг қалби.

ФАРҲОД ЭНДИ ЧИНАКАМ МАЖНУН ОШИҚҚА айланади, саодойи кишига ўхшаб қолади. Умуман, Фарҳоднинг Мажнунга ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Иккаласи ҳам ошиқи беқарор, дардманд ва хастадил. Фарҳод каби Мажнун ҳам гўдаклигидан ғалати хислатлари аён эди, тақдир бу икки йигитга ишқ оловида ўртанишни насиб этган. Уларнинг маҳбуба қошида ҳушдан кетишлари, оёқларига занжир солиниши, ишқсиз улусдан маломатлар чекишлари ва бошқа воқеалар ўхшаш. Навоий бир мавзу — мажзуб соликнинг мажозий ишқини икки хил шароит ва адабий материал тасвирида гавдалантирган. Мажнун билимли, шоир йигит, лекин у жуда ожиз, ҳарифларига, муҳитга бироз бўлса-да, қаршилик кўрсатишдан маҳрум. Фарҳод эса ишқ билан жавонмардликни уйғунлаштиргани учун ҳунари ва жисмоний қобилиятини ишга сола олади қаҳрамонликлар кўрсатади. Хуллас, шоир тасаввуфий ишқ ғоясини икки хил тарзда тасвирлаб берган. Шуниси ҳам борки, Мажнун болалигиданоқ ишқи ошкор бўлади: мактабда Лайлини кўриб, унинг ишқида барчани унутади. Яъни Мажнун сулукнинг мақомот босқичини ўташга эҳтиёж сезмаган, биратўла ҳол даражасини эгаллаган солик образи. Фарҳод саргузашти эса икки қисмдан иборат. Биринчи қисм (Юнонистон сафари) — пирга эришиш қийинчиликларидан ташкил топган бўлса, иккинчи қисм ёрга етиш изтироблaридир. Ана шу иккинчи қисмда унинг аввалда яширин бўлган ишқи ошкоро тус олиб, ҳол мартабасига кўтарилади, яъни Мажнун даражасига етади.

Денгиз сафари, қароқчиларга қарши жанг, дашту водийларда саргардон кезиш, тоғ кесиб сув чиқариш — буларнинг ҳаммаси рамзий маънода ошиқнинг мажозий ишқ йўлидаги чеккан руҳий-психологик азоблари, ҳажр қийноғи. Шу каби Хисрав ҳам илоҳий ишқдан маҳрумлик, дунёвий зулмнинг тимсоли. Хоқон ва унинг саройидаги кишилар илоҳий ишқни тушунмаган, зоҳирбин кишилар бўлсалар-да, бироқ улар ошиққа зулм қилмаган эдилар. Хисрав бўлса Фарҳоднинг ашаддий душмани бўлиб чиқади. Бунда Навоий икки хил маслак, икки хил инсоний даражани қиёслашга имкон топган: Хисрав ҳам Ширинни севаман, дейди. Аммо Хисрав ишқи билан Фарҳод ишқи орасида ер билан осмонча фарқ бор. Хисрав ишқи Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб»да баён этган ишқ «маротиб»ларидан биринчиси — авом ишқига тўғри келади. Чунки Хисравнинг мақсади Ширинни хотин қилиб олиш ва ўз ҳарамига қўшишдир. У зўрлик билан бунга эришмоқчи бўлади, шунинг учун Арманистонга лашкар тортиб келади. Унинг иддаолари шоҳона, ишқи ҳам хисравларга хос. У Фарҳоднинг ишқини тушунмайди, уни жинни, «мажнун», дея камситади. Фарҳод ишқи эса пок ва илоҳий. Буюк муаллиф Фарҳод билан Хисрав «мунозара»сида ишқ ҳақидаги икки хил тушунчани қиёслайди. Бу «мунозара» достоннинг ўзагидир. Навоий дунёқараши, мақсад-муддаоси худди шу ерда аниқ ифодаланган. «Мунозара»дан бир-икки байт мисол келтирамиз:

**Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ!**
**Деди: мажнун ватандин қайда огоҳ.**
**Деди: недур санга оламда пеша!**
**Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамиша.**

Кўринадики, Хисрав ҳам, Фарҳод ҳам «мажнун» деган сўзни тилдан қўймайдилар, лекин Хисрав буни кесатиш, камситиш маъносида ишлатса, Фарҳод ифтихор билан бу сифатни ўзига муносиб билади. Зеро, Хисрав назарида гадонинг, жиннининг маликани севиши, бунинг устига малика ҳам уни яхши кўриши мумкин эмас. Мағрур шоҳ ҳамма нарса, жумладан, Ширин ҳам меники бўлиши керак, деб ўйлайди («Гадолар қилмасун деб шоҳға ширкат»). Шу тариқа Навоий ҳақ йўлида сайр этувчи ориф инсон ишқи билан салтанат соҳиби шоҳ «ишқи»ни солиштириб, ҳақиқий ошиқ қандай бўлиши керакligини Фарҳод тилидан баён этган. Ҳақиқий ошиқ чиндан ҳам ўзини унутган мажнундир, у парвонадай ўтга талпинади. Ишқ ўтида ёнмай киши ошиқ бўлолмайди, дейди Фарҳод Хисравга қараб, аммо бу куймак саодатидан «жоҳ аҳли маҳрум!» Навоий эътиқодига кўра, ошиқлик ва шоҳлик (умуман мансаб) бир-бири билан келишмайдиган тушунчалар. Достонда Навоий ёниб, бериб тасвирлаган ишқ ғоясининг муҳим томони бу. Гарчи Фарҳод ҳам аслида шаҳзода бўлса-да, бироқ у тахт-тож илинжи, ганжу хазинадан буткул воз кечиб, ишқ гавҳарини танлади. Хисрав бўлса, шоҳлик ғурури билан маст, демак, у илоҳий ишққа нолойиқ. Чин ошиқ на расволиқдан, на эл маломатидан, на ўлимдан қўрқади. Ёр васли зўрлик, манманликни эмас, зорлик ва ниёз билан ранж чекишни тақозо этади. Хисравнинг омнёна саволлари, дўқ-пўписаларига Фарҳод орифона жавоблар қайтариб, уни мот этади. Ушбу «мунозара» Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин», Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хусрав» асарларида ҳам бор. Бироқ уларда ишқ масаласида икки қутбнинг тўқнашуви, шоҳу дарвеш дунёқарашидаги чуқур зиддият Навоийда бўлганидек кескин ва аниқ ифодаланган эмас. Воқеан, улуғ ўзбек шоири буни «Фарҳод ва Ширин» муқаддимасида қайд этиб, салафларда тасаввуфий-орифона ишқ тасвири намоён эмас, улар кўпроқ Хусравга маддоҳлик этганлар, дейди. Ваҳоланки, шоирнинг вазифаси дардли диллар розини қуйлашдир. Шу мақсад йўлида Навоий Фарҳодни марказий қаҳрамон қилиб олади, худди шу тасаввуфий мазмун Навоий асарини Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларидан ажратиб туради.

Бундан кейинги бутун воқеалар тасвирида ҳам Алишер Навоий рамзийлик билан ҳаётийликни (мажоз билан ҳақиқатни) ғоят санъаткорона қўшиб олиб боради. Хисрав бутун қўшини билан Фарҳодга бас келолмайди, чунки Фарҳодда илоҳий қудрат бор: дунёвий куч илоҳий қудратни енгиши мумкин эмас, Хисрав ақлу донишда ҳам Фарҳоддан енгилади: чунки ориф инсоннинг билими, ақли олдида дунёвий билимлар арзимас, Хусрав дунё тимсоли бўлгани учун унда ғофиллик ва жоҳиллик билан бирга маккорлик, бебурдлик ва номардлик ҳам мужассам. Яъни илоҳий хислатдан маҳрум одам ёмонликнинг ҳамма кўринишига қўл ура олади. Унинг энг катта гуноҳи Фарҳоддек покиза, тангри суйган одамга жабр этиб, уни зиндонда занжирбанд қилиши эди («Ҳақиқат аҳли зиндонийдур асру»). Шу тариқа, осий ернинг ғофил бандалари ва қудсий руҳ, кенг миқёсда олганда Мутлақиятга мушток руҳ билан моддий дунё орасидаги зиддият авжига кўтарилади. Хисрав золим фалакнинг қўли бўлиб ошиқ Фарҳод бошига ситам тошини отаверади, Фарҳодни «мазҳар»и, жонон дилбари Ширидан ажратади — ҳажр туни ошиқ қуёшини беркитади. Зиндон, тоғлар орасидаги Салосил дев қалъасида қамалиш (Салосил — занжирлар дегани) ва ҳоказо эпизодлар тасаввуфий маънода соликнинг ҳол мақомидаги руҳий манзаралари кўринишидир. Ширинни кўрганда хушни йўқотиш — мушоҳада авжида илоҳий нурнинг кўнгилда акс этиб, ҳайратга тушиш бўлса, ошиқ-маъшуқ мактублари — маҳбуби ҳақиқий ила ғойибона сирлашувдир. Фарҳоднинг занжирдан озод бўлишига қарамай, Хисравга қарши чиқмаслиги, ваҳший ҳайвонлар билан дўстлашуви (Мажнун каби) — соликнинг «самоъу важдга» берилиб, жисмини унута бошлаши ва фанога яқинлашувидан нишона. Ширин ҳам бу асарда фақат маъшуқа («мазҳар») эмас, балки ошиқ ҳам, чунки Ҳусн билан Ишқ ажралмас, улар бир-бирига интилиши муқаррар қонуният. Фарҳод ва Ширин ҳажр қийноқлари остида жисман заифлашиб, ахири жонлари танадан хориж бўлади, яъни икки руҳ моддий дунё зиндонидан қутулиб, ўзаро қовушади...

АГАР АЛИШЕР НАВОИЙ СУФИЁНА ҒОЯЛАРНИ биз айтгандек баён этиб кетганда, ҳис-ҳаяжон, кечинмалар тўлқинини ифодаловчи санъат асари юзага келмас, балки тасаввуф таълимотининг назарияси ҳақида шеърий рисола яратиларди (шундай асарлар анча). Унда асарнинг таъсирчанлиги бу даражада бўлмас, сўфиёна ғояларнинг ўзи-да ўқувчи юрагига сингмасди. Ишқни мажозий усулда тасвирлашдан мақсад уни реал ҳаётий материал орқали кўрсатишдир; тирик инсонларнинг шавқу завқи, ғам ва шодликлари, кураш ва драмалари образларда, воқеа-ҳодисалар тасвири жараёнида берилади, натижада сўфиёна дард ғалаёни кенг ўқувчилар табъига мос келадиган саргузашт ишқий қисса ичида гавдаланади. Буни фалсафий тасаввуфий маънони ҳаётий материал орқали бадиий талқин этиш деб аташ мумкин. Зотан, ҳаётнинг ўзи бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан илоҳ илмининг тафсири, образларда кўринишидир. Шундай экан, шоир хоҳ мажоз йўсинида бўлсин, хоҳ тўғридан тўғри ҳақиқатни қаламга олсин — у Буюк тангри маърифатининг бадиий талқинчиси бўлиб майдонга чиқади.

## МУРУВВАТ

Одамларга беминнат кўмаклашиш, хўп ва кўп эзгулик кўрсатиш бобида Алишер Навоий бобомиз қилган ишлар шу қадар буюкки, уни бошқа ҳеч кимнинг ишига қиёс этиб бўлмайди. Алишер Навоий мурувват бобида ҳам назири йўқ улуғ сиймодир.

Алишер Навоий бахт қуёши чарақлаган бир ажиб замонда, мурувватли подшоҳ — Султон Ҳусайн Бойқаро салтанати даврида яшаб, ижод этди. Мурувватпешалик қилди. Мурувватли подшоҳ саройида фаолият кўрсатди. Бахтимизга Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро замондош бўлдилар, ҳамкору ҳамнафасу ҳамқалам бўлдилар. Алишер Навоий ҳақида сўз юритаётиб, Ҳусайн Бойқарони беихтиёр тилга шунинг учун ҳам олмоқдамизки, бусиз мумкин эмас... Мабодо Алишер Навоий бошқа бирор подшоҳга замондош бўлиб, унинг саройида фаолият кўрсатганида, бу қадар буюк ишларни амалга ошира олмаган бўларди, деб айтиш мумкин. Мурувватли бўлиш учун хоҳишдан ташқари ҳамён ҳам кўтариши, моддий асос ҳам бўлиши шарт.

Манбаларга қараганда, Алишер Навоий XV асрнинг иккинчи ярмида мусулмон Шарқида Хўжа Аҳрор каби жуда бадавлат шахслардан бири бўлган эканлар

Албатта, катта мол-мулкка Султон Ҳусайн Бойқаронинг муруввати ва, албатта, ўзининг ишбилармонлиги туфайли эришганлар. Алишер Навоий Хуросон давлатини идора этишда Султон Ҳусайн Бойқарога катта хизматлар қилиб қўйган.. Алишер Навоийнинг мурувватли бўлишининг асослари, ўзига хос томонларини ўрганиш керак. Ана шундан кейин манзара ойдинлашади.

Алишер Навоий мурувватининг асосларидан бири шундаки, у тенги йўқ ватанпарвар эди. Ватанни, эл-юртини севмаган одамнинг қалби дарё бўлиши мушкул. Қалби кенг, меҳри дарё бўлмаган одамнинг меҳри ҳам дарё бўла олмайди. Қалби кенг, меҳри дарё инсон нимаики қилмасин, элини, юртини дейди, шуларнинг ташвиши билан яшайди. Алишер Навоийнинг Хуросон ва Турон мамлакатларида бунёд этилган 370 дан ортиқ мадрасалари, хонақолари, масжидлари, работлари, шифохоналари, ҳаммом, ҳовузлари ва бошқа шу каби иморатлари, қаздирган ариқлари, ўзлаштирган бўз ерларида обод қилган боғ-роғларида, мен юртига бўлган буюк бир меҳрни кўраман. Эл-юртига меҳр қўймай туриб, бундай улуғ ишларни амалга ошириб бўлмайди. «Бир бечора кўнглини овлаш, бузилган Каъбани тиклаш билан баробардир» дейиш Навоий ижодининг туб мағзини ташкил этади. Унинг буюк мурувватининг илдизи ҳам шундадир.

Хуросон мамлакатини бошқаришда Алишер Навоийнинг хизмати ниҳоятда каттадир. У давлат устуни, таянчи ҳисобланган. У мамлакат бутунлигини сақлашга ҳаракат қилди. Унинг мақсади ўз замонасининг илғор кишиларини, олимларини, санъаткору меъморлари, шоирларини юртни озод этишга жалб қилиш ва Ҳиротни катта маданий марказга айлантириш эди. Алишер Навоий бу ниятига етди ҳам. XV асрнинг иккинчи ярмидаги Ҳирот шаҳри шу даврнинг энг гўзал, обод шаҳарларидан бирига айланган эди. Шуниси бугунги кунда ҳам диққатга сазоворки, Алишер Навоий турли ирққа, динга мансуб бўлган халқларга бирдек муносабатда бўлди. Шу сабабли ҳам қаҳрамонлари турли ўлка ва халқларнинг фарзандлари сифатида тақсимланади. У хитой, армани, ҳинди ва бошқа халқларнинг вакилларини ҳам ҳурмат билан тилга олади. Навоий учун киши инсон бўлса бас. Навоийнинг мурувватти байналмилалдир. Миллат ажратмайди. Балки инсоннинг фазилатлари унинг учун мезондир. Унинг мурувватти хўжакўрсинга эмас. Самимий, барчага баробар бўлган.

Алишер Навоий бобомизнинг мурувватти борасида сўз юритар эканман, ўзбек ҳукмронларининг саройлари, уларнинг салтанат, мамлакат, аркони давлат ва раият ҳаётида тутган ўрни ҳақида бир оғиз тўхтамасам бўлмайди.

Шу пайтгача сарой, сарой аҳли, кўпчилик ҳукмдорларимиз ҳақида асосан бир ёқлама ва нотўғри сўз юритилиб, кўпинча ёмонотлиққа чиқариб келинди. Бу тарихий ҳақиқатга зиддир. Тўғри, саройдан саройнинг, сарой аҳлидан сарой аҳлининг фарқи бўлган, албатта. Ҳукмдордан ҳукмдорнинг фарқи бўлгани аниқ. Ахир, беш қўл баробар эмас. Бироқ ўша саройлар, ўша ҳукмдорлар туфайли халқимизнинг миллий қиёфаси сақланиб қолган, ўзлиги мавжуд бўлган, маданияти, адабиёти, санъати, фани ривожланган. Ўз давлатига эга бўлгани туфайли ҳам ўз она юртига соҳиблик қилган. Саройлар эса давлат ва миллат таянчи бўлиб хизмат этган, эл-юрт саройдан туриб бошқарилган ва ҳимоя қилинган. Яхши ҳукмдорларимиз эл-юртимизга мисоли боғбонлик қилганлар.

Кейинги минг йиллик тарихимизда Хоразмшоҳ Маъмун, Султон Маҳмуд Ғазнавий (шу даврда улар саройида Беруний, Ибн Синолар яшаб ижод этган), Амир Темур, Шоҳрух, Мирзо Улуғбек, Абулқосим Бобур Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Абдуллахон Иккинчи, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи ҳукмронлик қилган даврлар бахт юлдузлари порлаган даврлардандир. Чунки уларнинг саройларида ўша кезлари маърифат чироғлари порлар эди. Алишер Навоий мурувватининг илдизлари ҳамда туб маънавий ва моддий асосларини ўша даврдаги Хуросон давлатида, унинг пойтахти бўлмиш Ҳиротдаги маънавий муҳит ва фаровонликда, Султон Ҳусайн Бойқаронинг шукуҳли саройидаги саховатпешаликда кўраман.

Мурувватлилик ҳам шахснинг, ҳам жамиятнинг фазилатидир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

### ҲАЗРАТНИНГ ҚАДАМИ ТЕККАН...

**Кенагас Тахтақорача довонидан кейинги биринчи катта манзил ҳисобланади. Буюк ипак йўли сайёҳлари ҳам Ургутдаги бу сўлим қишлоқда қўниб ўтганлар. Дарвоқе, олимларнинг таъкидлашларича, ана шу табаррук заминга Мир Алишер Навоий ҳазратларининг қадамлари теккан экан. Навоий Самарқандда — Абулайсийлар хонадонида яшаган даврида бу ерга келган деган тахминлар бор.**

**Шу боисдан кенагасликлар бобокалонимиз тўйига ўзгача тайёргарлик кўрдилар. Самарқанд — Термиз йўлининг иккала томонидаги 110 гектар майдон қисқа фурсат ичида боғроғга айлантирилди. Унга Навоий хиёбони деб ном берилди. Бугунги кунда Навоий номи билан аталадиган хўжаликка ташриф буюрсангиз, буюк аллома руҳи кайфиятингизни кўтаради. Марказдаги тепаликда — тошкентлик уста Илҳом Жабборов ясаган улкан ҳайкал. Пастда — Фарҳод ва Ширин деб номланган кўл...**

**Яқинда ана шу хиёбоннинг очилиш маросими бўлди. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг раиси Пўлат Абдураҳмонов Навоий тўйига тайёргарлик ҳақида гапирди. Таниқли олимлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ботирхон Валихўжаев, Нуриддин Шукуров, Сайдулла Мирзаев аллома ижодий фаолиятининг муҳим қирралари тўғрисида эҳтирос билан сўз юритдилар.**

**Навоий руҳи тожикистонлик шоирлар Мафтун Жўра, Улмас Жамол, тошкентлик ижодкорлар Ойдин Ҳожиева, Уткир Раҳмат, самарқандлик Хосият Бобомуродова, Нусрат Раҳматни ҳам Кенагасга чорлади. Улар тўпланганларга янги шеърлардан ўқиб беришди, Навоийнинг ўлмас сатрларини ёд этишди.**

**Фармон ТОШЕВ,**
**Суратда: шоирнинг хиёбонда тикланган ҳайкали.**
**Ғ. АЛИЕВ суратга олган.**

## «ИШҚ АГАР КОМИЛ ЭРУР...»

ҲАЗРАТИ АЛИШЕР зулмдан шикоятни ҳам, адолатга чорловчи панд-насиҳатни ҳам, ҳатто, оддийгина воқеалар баёнини ҳам ишқни битгандек гўзал ёзади. Шоир мисралари доим ич-ичидан нурланиб, кўркамланиб туради.

Бу нур боиси не?

Бу тозалик асоси қайда?

Алишер Навоий ҳазратлари оқ-қорани таниганларидан то умрларининг интиҳосигача учта подшонинг сиёсатини кўрган: Абулқосим Бобур, Султон Абусаид Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқаро.

Тожу тахт алмашинуви ҳамма замонларда ҳам жамиятни бир чайқатиб олади. Кўпинча, кечаги чинлар бу кун ёлғонга дўнади ёки аксинча. Айниқса, жамият аҳлининг асосий қисми янги ҳукмдор истакларини ифодаловчи, намоён этувчи қайишқоқ бир шаклга киради. Шоҳ сўзлари маддоҳлар тилидан шеърсимон бир нарса бўлиб учади.

Алишер Навоий тақдир насибасини қўшган шоҳлар саройида гоҳ илм олди, гоҳ улар билан бир дастурхондан таом еди, зарурат туғилганда, бағишловлар атади. Аммо у ШОҲЛАР ШОИРИ бўлмади, бир умр адолат, ҳақиқат тарафдори, туғдори бўлган ўз қалби, ўз виждонининг овози бўлиб қолди.

Ҳолбуки, шоир тожу тахтлар талоши авжига чиққан, ҳиёнатнинг қадами чаққон, қўли югурик даврда — буюк Темур давлатининг парчалана бошлаган даврида умргузаронлик қилди.

У ҳукмдорлардан кўп ранжу маломатлар ҳам тортди, кўп бор инсофнинг майда-майда сингани, адолатнинг лойга қорилгани қалбини озорлади.

**Хотирим ҳам давр, ҳам давр аҳлидин озурдадир...**
**Парим бўлса, учуб қочсам улусдин, то қанотим бор,**
**Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.**
**Чекиб ағёрдин юз жавр, тортиб ёрдин минг ғам,**
**Не ўзга халқдин ибрат, не ўзумдин уётим бор...**

каби маҳзун мисралар бекорга яратилмаган, ахир.

Аммо Алишер Навоийнинг улкан қалби, кучли руҳи машаққатлар аро эзилиб кетмади.

**Ки ҳоло чалиб салтанат навбатин,**
**Топибсен жаҳондорлиғ шавкатин.**
**Адолат била хос эрур, йўқса ом**
**Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом...**
**Ки билса, жаҳонға вафо йўқтурур;**
**Жаҳон аҳлиға ҳам бақо йўқтурур.**
**Кўзига жаҳон ҳашматин илмаса,**
**Ҳақ амридин ўзга амр қилмаса;**
**Адолат учун истаса мулку жоҳ,**
**Ситам дафъ айларға чекса сипоҳ.**

Фақат кучли қалб, машаққатлардан ғолиб руҳ замон ҳукмдорига шундай даъватлар қила олади. Бу даъватларда ялинчоқлик, ялтоқланиш йўқ. Мағрур сўров, истак бор. Ўз сўзига ишонган кишининг журъати бор.

Биз тарихдан биламиз: улуғ шоиримиз фақат сўз билан эмас, амалда ҳам ўз ғоялари йўлида хизматчи бўлади. Бошида амирлик рутбаси, имкониятида маблағи бор даврларда маърифат масканларини қурдиришга бош бўлди, маърифатга интилганларнинг бошини силади. Зеро, ҳар бир ҳукмдор қалбида зиёси бор эл тезроқ халқ бўлажагини билмоғи, ўз зиёлиларига ҳомийлик қилмоғи фарз.

**Жоним чиқадур ҳажр ила, жонон керак эрди,**
**Кўнглим куядир дард ила, дармон керак эрди...**

Хўш, сабаби не бу гўзал қайғунинг?

**Замона ўқ каби тузларни синдириб, «ё»дек**
**Аларки эгри турур, шаҳға муҳтарам қиладур.**

Бу жасоратнинг пойдевори қайда?

Инсон нимагадир кучли эътиқод қилса ва шу эътиқоди йўлида собит турса, замон шамолларидан турланмаса, ўзининг кўзига тик қараб яшайди. Унда ўз-ўзига хурмат, ўз-ўзидан ботиний қониқиш ҳисси бўлади. Ана шу поклик — виждон поклиги эгасини ботқоқликдаги нилуфар гулдай нурлантириб туради. Ҳазрати Навоий асарларидаги кенг тафаккур, чуқур мулоҳаза эгнидаги кўркли либос ҳам ана шу нурдандир.

Улуғ шоиримизда шундай бир сатр бор:

**Ишқ агар комил эрур, ошиқ қилур маъшуқни...**

Ҳақ айтилган гап. Қай киши ёрними, диёрними чин ошиқ бўлиб, чин фидоий бўлиб севса, муҳаббатида мустаҳкам турса, бу инсон бир куни севилгувсидир. Не-не тарихларни кўмиб юборган давр бўронларидан омон келаётган Алишер Навоий ижодини ана шундай улкан муҳаббат — халқ муҳаббати асраган. Мангулик — халққа одиллиқдадир, мангулик — халққа яхшиликдадир.

Биз қалбимизга ана шундай ҳикматлар уруғини сочган мўътабар зотга, беқиёс иқтидор соҳиби ҳазрат Алишер Навоийга қиёматга қадар ана шундай ҳайрат, ҳавас билан қараймиз.

ҚУТЛИБЕКА

## СЎЗИ ТИРИК—ЎЗИ ТИРИК

УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА биз — ўзбеклар шаклан мавжуд, моҳиятан мудроқ аҳволда яшаган миллат, ватанимиз юракларни маҳдудликка қўниктирган тузумнинг пахтазори ва ўзимиз пахтакори эдик. Биз халқ хўжалиги кўргазмасида намойишга қўйилган, илдизи қирқиб ташланган, аммо шохларида оппоқ чаноқлар ғужғон ўйнаган пахта кўчати эдик. Ҳар гал илдизимиз она тупроққа чуқур ботарботмай, суғуриб олинардик, илдизларимиз қирқилиб, шохларимиз кесиб ташланардик. Биз қушлар каби ҳур ва озод учишни истардик, аммо темир қафас қанотларимизни маҳкам қисиб турарди. Бунга басмэ-бас дилимиз эркка ва мустақилликка муҳаббат туйғулари билан тўларди. Зеро, ҳар гал қирқилган илдизларимиз яна ўсиб чиқиб, она заминга етиш учун тошларни тешиб йўл изларди. Бу илдизларга йўл кўрсатувчи қувват — Озодлик орзуси эди. Бу қувват, бу орзу миллатимиз тарихи, унинг бой маданий мулки, энг биринчи галда, улуғ бобомиз Ҳазрати Мир Алишер Навоий мероси эди.

Неча ўн йиллар давомида бу орзу ўққа тутилди. Маҳмудхожа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Вадуд Маҳмуд, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ботуга қарата узилган ўқлар аслида Алишер Навоийга қаратилган эди. Ёғийлар халқимизни кўзи кўр, саводсиз ва ғофил миллатга айлантириш истагида боболар китобларини ёқдилар, ман қилдилар, имлоларини қайта-қайта ўзгартирдилар. Бу тазйиқларнинг барчаси аслида биринчи галда улуғ бобомизга қарши қилинган зуғумлар эди. Зеро, Ҳазрати Навоий миллатимиз моҳияти, маданиятимиз мазмуни, тарихимиз устуни, илдизларимиз ботган маънавий замину кўзимиз тикилган ҳурлик осмони эди.

Даҳолар жисмонан ўлсалар-да, уларнинг боқий сўзлари асрлар оша тирик жаранглайди. Сўзи тирик шоирнинг ўзи тирикдир!

Даҳо ўлими ер остидаги уруғлар қисматига монанд. Даҳо ўлими япроқлари тўкилган гуллар қисматига монанд— гулбарглар тўкилгани билан улардан қолган ифор абадият баҳрида мавжланаверади.

Шу сабаб мен ўзи ва сўзи тирик бобомни бу улуғ айём кунлари қўлим кўксимда, бош эгиб ёлқишлайман:

Салом бўлсин, Мовароуннаҳру Хуросонни ларзага сола туркий сас билан дунёни уйғотмоқ бўлган Мир Алишер бобомга!

Салом бўлсин, ўзбекий, туркий, инсоний ва Навоий бўлмоқ асрорини кашф этган Мир Алишер бобомга!

Севгини илоҳийлаштирган, инсонийликни инсонпарварлик даражасига кўтарган, тангрига муҳаббат инсонга муҳаббатдан бошланажагини англаган, элини, тилини, динини ардоқлаган Мир Алишер бобомга саломлар бўлсин!

Салом бўлсин, инсонларни бирликка, тўғриликка, меҳру оқибатга чорлаган, ҳаётни суйган, аммо ўлимдан кўрқмаган Мир Алишер бобомга!

Ўзини, сўзини, кўзини Оллоҳга муҳаббат нури билан тўлдирган, кичик қайғу-ғамлардан воз кечиб дилини буюк қайғу-ғамларга боғлаган, шоирлар шоири, инсонлар инсони, ғариблар ғариби, дўстлар дўсти, улуғлар улуғи Мир Алишер бобомга руҳига раҳматлар ёғилсин!

Хуршид ДАВРОН

Меҳринисо ОЙДИНОВА

## БОБОКАЛОНИМ

**Киргим келар ғазал бўстонингизга,**
**Юрак ютиб назм-у достонингизга,**
**Мунаввар нурлардан қамашиб кўзим,**
**Қоқилиб кетарман остонангизда,**
**Сирқираб кетади аламдан жоним,**
**Бўйлашга бўй етмас Бобокалоним!**

**Бобо, «бобо» десам тилим куядир,**
**Девонингиз тутган қўлим куядир,**
**Ҳоки пойингизни кўзга сурмакка,**
**Изн сўрай десам тилим куядир,**
**Меросидан маҳрум гумроҳ забоним,**
**Қошингизда забун, Бобокалоним...**

**Умр ўттиз ёшга бўйлаб бородир,**
**Йитган умр ғамгин қуйлаб бородир,**
**Бой берилган фурсат, таланган карвон**
**Кўнгил саҳросида бўзлаб бородир,**
**Ор-номусдан қуяр ҳаста виждоним,**
**Даҳоларга даҳо, Бобокалоним.**

**Бу не замон бўлди йўллар алдаса,**
**Бу қай баҳор бўлди гуллар алдаса,**
**Бобомерос дур-у жавоҳирларни**
**Зулматга итқитган қўллар алдаса —**
**Ишониб топталган эзгу имоним,**
**Дунё бехабармен, Бобокалоним...**

**Ким қилса иморатки, мақдур ўлғай,**
**Чун исми китобида мастур ўлғай.**
**Не чоққача ул биноки маъмур ўлғай,**
**Ул исм улус тилига мазкур ўлғай.**

**Алишер НАВОИЙ**

АЛИШЕР НАВОИЙ ЯШАГАН ДАВР Мавороуннаҳр ва Хуросон маданияти равнақида катта ўрин тутади. Айниқса, Навоийнинг она шаҳри Ҳирот гуркираб яшнайди, маданият ва санъатнинг йирик марказига айланади, архитектура санъати ўзининг юксак чўққисига чиқади. Ноёб ва маҳобатли бинолар, меъморий мажмуалар яратилади. Ана шу яратувчилик ва юксалиш жараёнида Алишер Навоийнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлган.

Навоий меъмор санъати билан яқиндан таниш бўлиб, унинг равнақига катта эътибор берган. Меъмор, муҳандис, кошинкор, мусаввир, наққош усталарга раҳнамолик ва ҳомийлик қилган. Бу ҳақда, шунингдек, Ҳирот меъморияси намуналари ҳақида тарихий ҳужжатлар билан бир қаторда шоирнинг ўзи ёзган асарларида ҳам жуда кўп маълумотларни учратамиз.

## «ВАҚФИЯ» ВА «НЕЪМАТОБОД»

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 40 ЁШЛИК ДАВРИ; ҳар жиҳатдан баркамол, мартабаси улуғ, обрў-эътибори баланд. Қатор-қатор биноларни ўз саъй-ҳаракати ва харажати билан қурдирган улуғ амир ўша бинолар, улардаги мударрис, муаллим, қори, талаба ва хизматкорларни таъминлаш тартибини белгилаган тарихий ҳужжат — «Вақфия»ни тузади. Уни варақлаймиз: 1476 йилда подшоҳ Ҳусайн Бойқаро яқин дўсти ва вазири Алишер Навоийга Кўшки Марғаний номи билан машҳур тарихий обида ёнида 30 жериб (тахминан 1,2 гектар) ер иноят қилади. Ҳирот шаҳрининг шимол томонида, машҳур хиёбон йўлидаги баҳаво, серфайз жой — боғни тоғ томонидан Наврўзий ариғи, шаҳар томонидан Инжил ариғи иҳоталаб ўтган. Шу манзилда истиқомат учун Алишер Навоий боғ тузади, уйжой қуради. Атрофида эса кейинроқ улуғвор меъморий мажмуа бунёд этади.

Алишер Навоий сўзларини тингланг: «Ул ҳазрат (яъни подшо Ҳусайн Бойқаро) кўшки Марғаний ёнида бу фақирга саро ва ҳавли ясағали ер иноят қилди... бу фақир ул ерда ўттиз жериб ерни девор тортиб, сарой иморат қилиб, боғчасига ҳар турлик ашжор билан сафо ва назрат ва ҳар чаманиға ҳар навъ раёҳин билан зебу зийнат бердим». Алишер Навоийнинг боғи Ҳиротда машҳур бўлган турли хил иморатлардан иборат меъморий мажмуа таркибига кирган.

Ҳовли муҳаваттасининг жанубий ва ғарбий томонларида вайрона Кўшки Марғаний қолдиқлари бўлган. Навоий таърифлаб ёзади. «бурун чоғда тарҳ солғон ва қадимда ясалғон биноси тошдин..., девори хом кирпичдин..., тарҳи икки ошом эрди». Кейинроқ вайрона текисланиб, ўрнига мадраса ва масжид қурилади. Мадраса ҳовлисининг ғарб томонида қиблага қаратиб масжид жойлашган, мадрасанинг тўрида, яъни шимолий томонида гумбаз ясалган. Мадрасанинг шарқий ва ғарбий айвон супасида дарсхона сифатида ҳар бири ўн бир толиби илмни ўқитадиган икки мударрис ихтиёрига берилади. «Ва бу мадрасағаким хулуси илҳосдин ясалди — «Ихлосия» деб от қўюлди», деб ёзади Навоий. «Ва бу «Ихлосия» мадрасаси жанубий ҳаддининг тошидинким, Инжил ариғи оқар, ул ариғнинг жанубий ҳаддиким, қироғи бўлғон шорин омдурким, ул ҳазрат (яъни Ҳусайн Бойқаро) бино қилғон мадрасадинким...» Демак, «Ихлосия» мадрасаси Ҳусайн Бойқаро мадрасасининг ғарб томонида бўлган.

Алишер Навоий ўзининг Инжил наҳри ёқасида олиб борган бунёдкорлик ва ободончилик ишларини «Вақфия» асарида қайд этиб ўтаркан, мазкур кўпчиликка манзур гавжум манзилни, мазмун эътиборига кўра меъморий анжуманни Неъматобод деб номлайди:

**Бу буқъаки то биноси бунёд ўлди,**
**Эл ҳожат ила фақрдин озод ўлди,**
**Дарвешу ғани неъматидин шод ўлди,**
**Бу важҳдин оти Неъматобод ўлди.**

## ЗАМОНДОШЛАР ТАЪРИФИ

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ «Тазкират уш-шуаро» китобида улуғ амирнинг фазлу камолотини таърифлар экан, ҳайр-эҳсон, саховат йўлидаги бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаб ўтади, «мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли иморатлар ҳамда доруш-шифо қуришга сарф қилди», дейди. «Улуғ амирнинг иморатлари ҳамда ҳайр-эҳсонларининг ҳаммасини таърифлаб тугатиб бўлмас, чунки уларнинг ҳисоб-китобига етиб бўлмас» деб ёзади.

Хондамир «Хулосат ул-ахбор» ва «Макорим ул-ахлоқ» китобларида Ҳирот ташқарисидаги Алишер Навоий номи билан боғлиқ бўлган мўътабар жойларни қайд этаркан, баъзи меъморий биноларга қисқа изоҳу тавсиф бериб ўтади.

Амир Фирузшоҳ масжиди, шайх Яҳё лангари, хожа Чихилгаз мозори, Мир Аловуддавланинг Чорсудаги масжиди, «шак-шубҳасиз бағоят улкан ва тенги йўқ бино «Сарипули Инжил масжиди, Ҳирот хиёбонидаги Муҳаммад Табодгонийнинг мозори устига қурилган «Жамоатхона» хонақоҳи ва чўмоқхона (асбобхона), Чашмаи Моҳиёндаги иморат, «муҳташамлиги, кенглиги, баландлиги ҳамда латиф ва чиройлилиги билан машҳур тўққиз работ, хожа Абдулла Ансорийнинг мозорига қурилган Хонақоҳ, Пули Корддаги жоме масжиди, Сарипули Қародаги жоме масжиди, Алошат кўчасидаги работ, Зиёратгоҳдаги хонақо, Амир Абдулвоҳид ибн Мусалламнинг Хумчан Боддаги мозори устига қурилган мақбара.

Абдураҳмон Жомийнинг мозори устига қурилган мақбара, хожа Абдулвалид Аҳмаднинг мақбараси ва шу манзилдаги работ...

Хондамир шаҳар атрофидаги Алишер Навоий обод қилган баъзи бўстон ва боғларни таърифлаб ўтади:

Марғаний боғи — шоирнинг уйи «Унсия» атрофидаги «дилни очувчи», ниҳоятда обод боғ.

Тахти Сарипули Сангкошон — «беҳишт нишонлик манзил, ... ундайин гаштгоҳ Хуросон мамлакатида йўқдир».

Боғчаи Шавқия — «ниҳоят тоза жой, ўртасидан сув ўтади».

Боғчаи Гузургоҳ — «шубҳасиз Хуросон юртида, балки оламнинг аксари обед ерларида бундайин суви мазалик ва ҳавоси латиф жаннат мисол жой топилмайди, чунки у руҳ бағишловчи Гозургоҳ даштида жойлашган бўлиб, подшоҳ қаздирган ариғ унинг ўртасидан ўтади».

Хондамир илмнинг фазилати ва олимларнинг мартабаси ҳақида фикр юритаркан, олимлар ва ҳурматга лойиқ фозил кишиларнинг даражаларини юксалтиришга ва мартабаларини оширишга қўлдан келган саъй-ҳаракатини қилди; талабаларнинг тинч ва ташвишсиз илм олишлари учун уларга нафақалар белгилаб, мадраса ва хонақоҳлар бино қилди, деб таъкидлайди. Фақатгина Ихлосия мадрасаси ва Халосия хонақоҳи даргоҳида 20 йил давомида минглаб талабалар илмдан баҳраманд бўлганини айтади.

Алишер Навоий устози ва дўсти Абдураҳмон Жомий сармозорида иморат мақбара қурдиради. «Кенглиги, юксаклиги ва ҳушхаволиги билан машҳурдир», деб ёзади Хондамир.

Давом этамиз: «Фанония» иморати, «Ҳавзи Моҳиён» иморати, хожа Абдулвалид Аҳмад сармозори иморати, шайх Муҳий сармозори лангари, Зиёратгоҳ хонақоҳи, хожа Юсуф Ҳамадоний сармозори иморати. Машҳаддаги имом Ризо мақбараси ёнидаги «Дорул-хуфороз», шайх Фаридиддин Аттор сармозоридаги хонақоҳ, Мавлоно Сиррий лангари (Марв).

Хондамир хайрли бинолар қурувчи Алишер Навоий қурдирган бино-иморатлар, қазиб, обод қилинган ҳовузлар, қурилган кўприк ва ҳаммомлар номларини келтиради.

Демак, шоирнинг XV аср Хуросон архитектурасига амалий таъсири жуда катта бўлган. Афсуски, Хондамир санаб чиққан барча архитектура иншоотларининг кўпчилиги сақланиб қолмаган, мавжуд бинодар эса деярли ўрганилмаган. Мазкур бино ва иншоотларнинг халқ ҳаёти ва фаровонлиги учун қанчалик зарур эканлигини ўйлар эканмиз, Алишер Навоий гуманизмининг моддий асоси ва моҳияти яққол намоён бўлади.

Зеро, «Биное тарҳ қилмоқким ҳамиша» деб ёзган Алишер Навоийнинг онгли ҳаёти ва фаолияти ана шу шиорга амал қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб қолди.

## ЖОМЕ МАСЖИДИ ТАЪМИРИ

ХОНДАМИР «ХУЛОСАТ УЛ-АХБОР»ДА Ҳирот шаҳридаги Жоме масжиди Султон Ҳусайн даврида қаттиқ зилзила туфайли бинонинг тоқи ва мақсураси бутунлай шикастланиб, обод жой вайронага айлангани, баланд деворларнинг букчайиб қолгани, пилпоялари қийшайиб, ганч безаклари тўкилиб кетганини таассуб билан эслайди. Ана шундай харобани тиклаш каби ғоят масъулиятли ва мураккаб ишга «хайру саховатли бинокор» амир Алишер Навоий бел боғлайди, «шарофатли масжид биносини янгилаш ва ўша олий ибодатхонанинг асосларини мустаҳкамлаш ишини жадаллашга қарат»ган шоир 1498 йилнинг рамазон вақтида (апрель ойи) «дастлаб мақсуранинг қулаб тушган гумбаз ва пештоқини тиклашга буюради, сўнгра тажрибали меъморлар ҳамда мудаққиқ муҳандисларнинг маъқуллаши билан мустаҳкам бўлмаган ўша бинони тузатишга амр берди», деб далолат беради Хондамир. 3—4 йиллик иш олти ой ичида охирига етказилади. Кейин бинога безак пардоз бошлаб юборилди. «Олий ишорага биноан, — деб ёзади тарихчи, — муборак асарлик муҳандислар, хушмуомала кошинкорлар, моҳир наққошлар, эпчил сангтарошлар жону-жаҳд билан ўша файзасарлик масжидни безашга тушундилар». Қиёс қилиб тахминан айтганда, беш йил ичида битириш мумкин бўлган ишни ниҳояти бир йил ичида ораста қилиб битирдилар. «Тоқу равоқлари ислимий ва хитойи наққошлар пурсафо... ажойиб ихтироятлар билан безатилганидан бу жой бошқа манзиллардан мумтоз ва мустасно бўлди».

Ёнғоқ ёғочидан ишланган ўймакор минбар зилзила оқибатида анча шикастлангани учун унинг ўрнига мармартошдан янгисини ясаш таклиф этилди. Хондамирнинг айтишича, «бу шарофатли жоме масжиди 408 гумбаз, 130 равоқ ҳамда 444 пилпоядан иборат; узунлиги девор тарафдан 254, эни 150 зиръа (газ), мақсура суфасининг узунлиги 65 ва эни 20 зиръа; тоқининг айланаси 26 зиръа; шимол тарафдан суфанинг узунлиги 32, кенглиги 15 зиръа; жануб тарафдаги суфанинг узунлиги 22 ва эни 13,5 зиръа; подшоҳ мақбараси гумбазининг узунлиги 24, эни 23 зиръа. Масжид саҳнининг узунлиги 114, эни 74 зиръа».

Кўриниб турибдики, жоме масжиди жуда катта иморат бўлган ўлчов бирлиги зиръа (газ, аршин)нинг Алишер Навоий даврида узунлиги қиймати қанча бўлганлигини бино тарҳининг чизмасидан аниқлаб олиш мумкин.

Жоме масжидининг қайта тикланиши муносабати билан 1500 йил 16 март куни «товфиқ ва тадбир эгаси амир Алишер» юртга катта ош бериб, зиёфат вақтида иморат қурилишида қатнашган устаталарга қимматли либослар тақдим этади.

## МЕЪМОРИЙ ЗЕБО УЗОР

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ ЎҚИГАНДА, унинг меъмор санъати ва маҳоратига доир жуда кўп қимматли фикрларни топамиз, архитектура соҳасидаги ўз эстетик идеалларини олдинга суриб, тасвирда ажойиб кошоналар қурганини кўрамиз. Айрим бинолардан тортиб то катта архитектура ансамбларигача барпо этган Алишер Навоийни илғор меъморлар қаторига қўйсак арзийди. Навоийнинг адабий қаҳрамонлари қаторида меъморчилик соҳасидаги турли касб усталарини учратамиз. Бу эса бежиз эмас, чунки Навоий меъморлар ҳаёти ва санъати билан яқиндан таниш эди. Фарҳоддан тортиб Монийгача бино қуришда, безаклашда қатнашадилар.

Афсоналардаги бино, иморат, қасрлар кўриниши, уларни лойиҳа-тарҳини тузиш, турли зеб-зийнатлар билан безаклаш каби тасвирлар реал асосга эга. Шоир ўзининг архитектура соҳасидаги орзу этган идеал биноларини тасвирлаган. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «афсона анга либоси мавзун», яъни айтмоқчи бўлган бирор фикр, ғоя ва образ учун афсона бадиий замин, фон бўлиб хизмат қилган.

Алишер Навоий асарларини ўрта асрлардаги маҳаллий меъмор санъати, касб-ҳунар атамаларининг қомуси десак бўлади. Шоир бадиий асарларида меъморий атамаларни кенг ишлатади. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида эса турк-ўзбек меъморий атамаларининг ўзига хос бойлиги ҳақида фикр юритади;

Энг қадимий яшаш масканларидан бири — турли хилдаги ўтовлар бўлган. Уни ҳатто «юрт» деб ҳам аташади. Бизнинг давримизгача «оқ уй» ва «қора уй» намуналари сақланиб қолган. Алишер Навоий замонасида ўтовлар айниқса кўчманчи чорвадорларнинг одатдаги уйи ҳисобланган. У шундай деб ёзади:

«Бир мутаайин нимаким» оқ уйдир, анга «хиргоҳ» от қуюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили билан айтурлар. Анҳаси, тунглук ва узук ва тўрлуғ ва босруғ ва чиғ ва қанот ва кўзанак ва увуғ ва боғиш ва бўсаға ва эркина ваалоҳозалқиёс». «Садди Искандарий»да ўқиймиз:

**Оқ уйга эшик руст, тунглук доғи,**
**Бўлуб кўракка эп даврига тўк доғи.**

Бошқа бир ҳикоятда Баҳромгўр саҳрода «икки-уч олочуқ» жойлашган уйлар қошидаги дарахт соясида меҳмон бўлгани айтилади. Олочуқ ҳам ўтовнинг энг оддий бир туридир. Шу каби Навоий асарларида бинокорликка онд жуда кўп махсус терминларни учратамиз. Ҳар қандай бино учун энг зарурий «масаллиқ» бўлган «оддий ғишт»ни қадимги ўзбек сўзи «кирпич» деб, лойни «балчиқ» деб атайди. Ҳозир унут бўлган қатор терминларни ишлатади, ҳатто қурилиш жараёнларини ҳам тасвирлайди.

Алишер Навоий архитектура тасвирини керакли жойга монанд этиб белгилар экан, «услуб» сўзини ишлатади, бинокорликдаги ҳунарларни таърифлаб, уста маҳорати масалаларига алоҳида эътибор беради. Наққошлик санъатидаги орнаментнинг шакл ўзгариши каби мураккаб хусусиятга ишора қилади.

**Бурундинки солур иш тарҳи устод,**
**Тамом ўлғайча ҳар бир ишратобод,**
**Ҳунарварларки қилғайлар ҳунар фош,**
**Агар хоротарошу хоҳ наққош.**

**Бири ҳардам йўнуб юз навъ хора,**
**Ки қилғай ҳавз ё фаршу изора.**
**Бири ҳар дам чекиб юз нақш дилкаш,**
**Ки ҳар бир қасрни қилғай мунаққаш...**
**Кўринуб ҳар замонн кўзга бир шакл,**
**Кўз олғоч бўлғусидир ўзга бир шакл,**
**Чу бўлди жилвагар ашкол юз навъ,**
**Анга ҳам бўлғуси тимсол юз навъ...**

Наққош Моний маҳорати ҳақида завқ билан сўзлар экан, унинг паргар ва чизғичсиз турли шаклларни равон чиза олишини, ишлаган тасвирлари худди жонлидай таассуротлар қолдиришини айтади:

**Мудаввар мустақим ўлса рақамкор,**
**Чекиб андоққи жадвал бирла паргор.**
**Чу боғлаб сурати бежонга зевар,**
**Бўлуб ул навъким руҳи мусаввар...**

Алишер Навоийнинг замондоши тарихчи Зайниддин Восифий «Бадое ул-вақое» асарида қизиқ бир ҳодисани хабар қилади. Машҳур мусаввир Беҳзод янги суратни амир Алишер мажлисига келтирган. «Сувратида тасвирланишича, ораста боғча, турли-туман дарахтлар... хушсуврат қушлар, ҳар тарафда ариқчалар... Очилган зангори гул тўплари.... ва унинг орасида Мир (Алишер)нинг ёқимли хушсуврати». У асога таянган... Ёнида сочиқ зар тўла табоқларини қўйган. Ҳазрати Амир ул сувратини мушоҳада ва мулоҳаза қилди: ул нафис саҳифа боғлар ичра латиф ва шодлик гуллари ва ҳузур (бағишловчи) дарахтлар билан безатилган...

Сўнгра Навоий мажлисда ҳозир бўлганларга қараб деди: «Азизларнинг хотирига бу муҳим саҳифа таърифи ва тавсифи учун нималар келди?».

Мирнинг устози ва Хуросон аҳлининг машҳурларидан бўлган мавлоно Фасиҳиддин деди: «Маҳдумлар, Кўз оламидаги бу очилган раъно гулларни қўл чўзиб узсаму дасторимга санчисам?». Мирнинг улфати ва дўсти Соҳиб Даро: «Менда ҳам шундай истак бор эди. Аммо қўл чўзсам дарахтлар устидаги қушлар ҳуркиб, учиб кетмасин деб андиша қилдим», деди. Хуросоннинг хуштабиат аҳлидан ва пешволаридан бўлган ҳамда Мир билан доимо тегишиб, қочирим сўзлар айтиб юрадиган мавлоно Бурҳон: «Мен мулоҳаза қўлимни тортиб, тилимни тиймоқчиман: агар сўз қотсам, мабода ҳазрат Мир аразлайдилар ва юзларини буриштириб, қошларини чимирадилар», деди.

Нозик табиатли ва Мир унга «латифатарош» деб лақаб қўйган хуросонлик хушомадгўй мавлоно Бадахший бўлса: «Эй мавлоно Бурҳон, агар беадаблик ва густоҳлик бўлмаганда, сувратдаги Мирнинг қўлларидаги ҳассани олиб бошингга солар эдим», деди.

Ҳазрат Мир: «Азизлар, яхши сўзлар айтишди ва маъно дурларини маъқул сочишди. Агар Мавлоно Бурҳон номаъқул ишини раво кўрмасалар ва дағаллик қилмасалар, мен табоқлардаги олтинларни дўстларнинг бошидан сочмоқчи эдим», деди...

Алишер Навоий яратган адабиёт ва санъат дурдоналари ўрта аср меъморчилиги ва тасвирий санъатини, умуман XV аср эстетик дунёсини чуқур ўрганиш ва тушуниш учун ажойиб ва бебаҳо манба бўлиб қолади. **Асримиз ва давримиз мавқеидан туриб ўтмиш тарихини кузатар эканмиз, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, жаҳон тарихида ҳеч бир шоир Алишер Навоийчалик кўп бинолар қурган эмас, меъмор санъатини шунчалик завқ-шавқ билан улуғлаган эмас.**

АЛИШЕР НАВОИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТИ, ҳаражати, иродаси билан бунёд топган, обод бўлган манзиллар, бинолар, ҳовузу, сардобалар, ҳаммомлар, работлар, масжиду мадрасалар асрлар давомида халқ хизматида камарбаста турибди. Беш аср давомида кўпчилик биноларнинг бузилиб кетгани, табиий. Мусаллодаги ёдгорликлар эса XIX асрда атайин бузиб ташлангани ҳам рост.

Хива хони Аллоқулихон (1825—1842) Хуросонга қилган ҳарбий юришида Мир саройи мавзеида тўхтаб ўтади. Шу ҳақда Муҳаммад Назар Хивақий «Сафарнома»да ёзади: «Мир саройи отлиғ мавзеким, Султон Ҳусайн Мирзонинг салтанати айёми ва Мир Алишернинг Астробод мамоликига ҳокимлиги ҳангомида бир сарой дилкушой ва қасри фараҳ афзой бино қилдурғон эркан. Ҳамул ерга нузули ижрор буюрдилар».

Машҳад шаҳрини сув билан таъминлаб турган ҳозирги анҳор-ариғ ҳам Алишер Навоий бошчилигида қурилган. «Улуғ Ипак йўли» деб номланган қадимий карвон манзилларида қурилган работлар қаторида Алишер Навоий шахсан қурдирган работлар ҳозир ҳам йўловчиларнинг ҳожатини чиқариб турибди.

Кўп йиллар Эронда хизмат қилган Шариф Ширинбоев (1908—1982)нинг таъкидлашича, Хуросонда Алишер Навоий барпо этган бинолар, ариқлар ҳамон халқ хизматида эканлигини аҳоли чуқур эҳтиром билан эслар экан. Хусусан, Машҳад ва унинг атрофида шоир номи билан боғлиқ иншоотлар ҳозиргача сақланиб қолган. Имом Ризо мақбараси атрофидаги 64x104 м кўк тошдан фарш қилинган кўҳна саҳн, ўртадаги тилла гумбазли мақбара изорасидаги тошга «Султон Бойқаронинг вазири аъзами Мир Алишер Навоий томонидан барпо этилган» деб ўйиб ёзилган тарихий хабар сақланиб қолган.

Машҳад шаҳридан ўтган, шаҳарни ҳозир ҳам сув билан таъминловчи анҳор Навоий номи билан боғлиқ. Кўҳна саҳни кесиб ўтган ариқ устига қурилган Соқахона — сув ичадиган махсус жой мақбарага зиёрат учун келганларни ташналикдан фориғ этмоқда. «Осиёи Мир Алишер» номи билан элга танилган сув тегирмони ҳамон хизматда экан. Ҳирот йўлидаги Хавф қишлоғидаги сув ҳавзаси — омбори Машҳад атрофидаги боғ-роғларни ҳозиргача сув билан таъминлаб келмоқда.

Афғонистонлик олим Рафи Самизайнинг «Ҳиротдаги ислом архитектураси» (1981) китобини варқлар эканмиз, Ҳирот ва унинг атрофидаги осор-атиқалар қаторида Алишер Навоий биноларини кузатишимиз мумкин. Мана, шаҳарнинг энг катта меъморий комплексларидан масжиди Жоме — улкан таъмир натижалари кўриниб турибди. Гозургоҳдаги Абдуллаҳ Ансорий меъморий комплекси. Шу даргоҳда Алишер Навоий умрининг охирги йилларида хизмат қилган. Бу манзилдаги бинолар қурилиши ва безакларини бажаришга шоирнинг кўп меҳнати синган. Афсуски, шу вақтгача Ҳирот меъморий ёдгорликларини яратишдаги Алишер Навоийнинг таъсир кўлами ҳалигача илмий жиҳатдан ўрганилмаган.

Алишер Навоий асарларини ҳатм этаркан-миз, унут бўлаёзган меъморий тилимизга жон кирмоқда, шоир орзу этган меъморий гаштгоҳ, оромгоҳ, бўстон, боғлар, қасру саройлар, маҳобатли ва муаззам бинолар янги замон меъморларини янги ижод парвозига ундаса ажаб эмас. Ўзбекистон заминида шоир ардоқлаган «Неъматобод» каби бобокалонимиз хотирасига қўйилган яна бир улуғвор меъморий ҳайкал яратган бўлардик. Асрлар оша етиб келган шоир нидосини эшитамиз:

**То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,**
**То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,**
**То зулму ситам жоннға бедод ўлмас,**
**Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.**

Ҳазрат Навоийнинг қалбдан чиқариб айтилган умид сўзлари буюк башоратдек худди бизнинг мураккаб замонамиз ташвишлари билан ҳамоҳанг, ҳали ҳам тинч-тотувлик, шодҳуррамлик, ободончилик уфқини кўрсатиб турибди.

## САҲНАДАГИ ҚУЁШ

**Ўзбек театри саҳнасини турли йилларда яратилган Алишер Навоий образларининг ўзига хос талқинлари безаб келмоқда. Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» тарихий драмаси салкам ярим асрдан буён театрларимиз саҳнасидан тушгани йўқ. Бу асарда дастлаб буюк шоир образини СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов яратди. «Артист Навоийнинг қалбига боқди, ички дунёсини кўролди, фикр-мақсадларини тушуна олди, туйғуларини ҳис қилди, идрок этди» деб баҳолашди унинг ижросини. Сўғд Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри саҳнасида яна бир ажойиб истеъдод соҳиби — СССР халқ артисти Олим Хўжаев юксак ижроси билан ўз Навоийсини яратди. Бу ижро ҳам юқори баҳоланиб, томошабинлар қалбидан мангуга ўрин олди.**

**Бадиий кинода эса СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев яратиб кетган шоир сиймоси ҳали-ҳануз томошабинларни ҳаяжонга солиб келади.**

**Йиллар ўтиб, Алишер Навоий образи юқорида номлари тилга олинган машҳур актёрларнинг шогирдлари — СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ижролари билан яна саҳна юзини кўрди.**

**Даврлар сув каби оқиб ўтаверади. Авлодлар эса саҳналарда ўз Навоийсини яратаверадилар. Токи улуғ халқ бор экан, унинг улуғ шоири сиймоси саҳналардан тушмайди. Бу образ қуёш бўлиб порлайверади.**

**СУРАТДА: СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов Алишер Навоий ролида.**

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

Пўлат ЗОҲИДОВ

# «БИНОЕ ТАРҲ ҚИЛМОҚКИМ ҲАМИША...»

СУРАТДА: тантанали кеча репертуаридан намуналар.
С. МАҲКАМОВ суратга олган

Буюк мутафаккирнинг тўйи нишонланадиган куни Халқлар Дўстлиги саройида шоир таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантанали кеча ва санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилади. Унда хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» ансамбли раққосалари янги рақслари билан қатнашадилар. Муҳиддинқори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси қошидаги «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблари санъаткорлари ҳам шоир тўйига бағишланган янги репертуарларини намойиш қиладилар.

## ТЎЙ НАВОЛАРИ

Катта концертда Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Ғуломжон Ёқубов, Фаррух Зокиров Алишер Навоий ғазалларига басталаган янги қўшиқларини тўй иштирокчилари эътиборига ҳавола этадилар. Шунингдек, республикада хизмат кўрсатган артистлар Муножот Йўлчиева, Феруза Солиҳова, раққоса Гулнора Низомова ижросидаги ашула ва рақслар тўй наволарига ҳамоҳанг янграйди.

Шоир руҳини яна бир бор шод этадиган катта концерт программасини таниқли режиссёр, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган.

## АЛЛОМАНИНГ САНЪАТДАГИ ОЛАМИ

**Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни институт директори Ҳ. Абдусаматов очди.**

**Анжуманда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, профессор М. Раҳмонов «Алишер Навоий асарларининг саҳнавий талқини», санъатшунослик доктори М. Қодиров «Алишер Навоий давридаги анъанавий театр», санъатшунослик доктори Ж. Тешабоев «Ўзбекистон кинематографчиларининг профессионал маҳоратини оширишда «Алишер Навоий» фильмининг ўрни», филология фанлари доктори Ҳ. Акбаров «Навоий ва техник санъатлар», санъатшунослик номзоди А. Умаров «Ўзбекистон тасвирий санъатида Навоий тасвири» ҳамда Ф. Жўраев «Алишер Навоий образининг саҳнавий талқинлари» мавзуларида маъруза қилдилар.**

# СПИТАКДА НАВОИЙ КЎЧАСИ

Арманистонда биринчи март 1969 йили бўлган эдим. Ўша йили сентябрь ойида арман халқининг ажойиб шоири Ованес Туманян таваллудининг юз йиллиги катта тантана билан нишонланди. Тантаналарда Москвадан А. Сурков, М. Шагинян, Л. Соболев, Қозоғистондан Собит Мўқонов, Тожикистондан Мирсаид Миршакар, Ўзбекистондан К. Яшин, С. Бородин, Асқад Мухтор каби ўнларча адабиёт арбоблари қатнашди. Юбилейга давлат арбобларидан А. И. Микояннинг, маршал Х. И. Баграмяннинг келгани тўйга алоҳида файз бағишлаган эди.

А. И. Микояннинг бу тўйга келмаслиги мумкин эмас экан. Ахир, у Туманянга куёв бўлар экан. Бу вақтда Туманяннинг хотини ҳали тирик экан. Бу аёл 98 ёшда бўлиб, хотираси равшан, менга бундан эллик йил олдин ҳаётдан кўз юмган турмуш ўртоғи ҳақида бир қанча яхши гапларни худди кечагидай қилиб гапириб берган эди.

Бу гал Арманистонга боришим Алишер Навоий юбилейи муносабати билан бўлди. Арманистон республикаси қошидаги Ватандошлар комитети Арманистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда буюк ўзбек шоирининг 550 йиллик таваллудига бағишлаб катта тантанали йиғилиш ўтказишга қарор қилган ва Ўзбекистондан меҳмонлар таклиф этган эдилар. Тантанага мен билан таниқли навоийшунос олима Суйима Ғаниева ва Тошкентдаги Арман маданий маркази раиси муовини, таниқли партия-давлат арбоби, бокс бўйича Ўзбекистоннинг собиқ чемпиони Гайк Сергеевич Дереникян ташриф буюрди.

12 сентябрь. Осмонда қуёш чарақлаб турибди. Ёреваннинг кўча-кўйларида ҳаёт қайнайди. Бизни кутиб олган ва кўргани келган олимлар, ёзувчилар юзида табассум, кулги. Улар бизга жуда кеч хабар берганлари учун, бизнинг тантанали кечага етиб боришимиз ҳақида ташвишда эканлар. Бизни кўриб, ўзларининг хурсандчиликларини билдирдилар ва бу тадбирни ўтказишга катта тайёргарлик кўрганларини, шу мақсадда шаҳар марказидаги Филармония биносини янгидан таъмирдан чиқарганларини сўзлаб бердилар. Чиндан ҳам Филармония фоелари, зал, улкан қандиллар биз кирганда ярқиллаб турар, дилга ҳексиз равшанлик бағишлар эди.

Мажлисни қисқача кириш сўзи билан Арманистон Министрлар Совети раисининг муовини К. Сардарян очди. Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Арманистон Ёзувчилар уюшмасининг бош котиби, таниқли шоир Ваагн Арменакович Давтян маъруза қилди. Шу кунлари В. А. Давтян Навоийнинг 57 ғазалини арман тилига таржима қилиб, китоб ҳолида чоп эттирган экан. Бизга бу китобдан тухфа қилди. Зални тўлдириб ўтирган тингловчилар Давтян маърузасини чуқур диққат билан эшитдилар. Давтян маърузасида Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига алоҳида тўхтади ва уни атрофлича таҳлил этиб берди.

Анжуман раиси кейинги сўзни менга берди. Мен аввало залда ўтирганларга Ўзбекистонда 1991 йил «Навоий йили» деб эълон қилинганини айтдим, уларни жумҳуриятимизда юбилей муносабатида амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар билан таништирдим. Жумҳуриятимиз пойтахтида Навоий хотирасига бағишлаб боғ барпо этилаётгани, улуғ шоирга шу боғда янги ҳайкал ўрнатилаётгани, 20 жилдлик асарлари тўплами чоп этилаётгани, шаҳар ва қишлоқларда навоийхонлик кечалари ўтказилаётгани, янги илмий китоблар нашрга тайёрлангани йиғилганларни мамнун қилди.

Шу билан бирга, мен ҳам ўз нутқимда Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига тўхтаб ўтишни лозим кўрдим. Маълумки, Навоий бу асарни жуда катта меҳр билан ёзган. Достоннинг ярмидан кўпи Арманистонга бағишланган бўлиб, кўп воқеалар ўша ерда ўтади. Навоий Арманистоннинг гўзал бир тоғли мамлакат сифатида тасвирлар экан, унинг табиати бой, маданияти юксак эканини, бу ерда «тажаммул ҳайли», яъни бойлар жуда кўплигини мароқ билан ҳикоя қилади. Бинобарин, шоир Арманистонни ривожланган мамлакат сифатида тасвирлаган. Унинг давлат раҳбарлари ҳам Миҳинбону, Ширин қиёфасида инсофли, маърифатли, халқ ғамини ўйлаган кишилар бўлиб, бошқа мамлакатларда яхши ном чиқарганлар. Эрон подшоси Хусрав Миҳинбонуга Ширинни хотинликка сўраб совчилар юборар экан, бунда у ўз манфаати ва нафсинигина ўйламасдан, мамлакат манфаатини ҳам ўйлаган, кўзда тутган эди. Яъни, шоир тўғри уқтиришича, Хусрав ўйланган, фарзанд ҳам кўрган, ёши ҳам бир ерга бориб қолган ҳукмдор. Унинг Ширинга ўйланишидан кузатган бош нияти яхши хонадонга куёв бўлиш, покдомон хотиндан одобли, ахлоқли, тахтга ворисликка лойиқ фарзанд кўриш эди. Унинг ўғли Шеруя эса ахлоқсиз, ярамас бола бўлиб, отасининг ўрнини эгаллашга арзимас эди. Яъни, ҳулқ-ахлоқда юксак, пок хонадонни, орзусидаги қизни Хусрав Арманистондан қидирган. Чиндан ҳам Миҳинбону ғоят оқила давлат арбоби, унинг жияни Ширин эса жисман гўзал бўлиши билан бирга маънавий томондан ҳам етук, тарбияли, ўқимишли, билимдон, ўз саройида астрономия, ҳисоб, тарих, шеър, рақс ва бошқа соҳалар бўйича ўнлаб қизлар билан дўст эди. Менингча, Хусравнинг катта хатоси ўз орзусига куч ишлатиш йўли билан эришмоқчи бўлгани эди.

Навоий Арманистонни бу хилда маърифатли, бой ўлка сифатида тасвирлаш билан уни Византия, Хитой, Ҳиндистон каби улуғ давлатлар қаторига кўтарган, уни ўзбеклар, Ўрта Осиёда яшовчи бошқа халқлар учун бадиий кашф қилган, намуна этиб кўрсатган эди. Залдагилар менинг гапларимни чуқур диққат билан эшитганидан бу гапларим уларга анча маъқул бўлганини тушундим.

Мендан кейин сўзга чиққан С. Ғаниева Ўзбекистонда икки жилдли «Навоий қомуси» яратилаётгани, Навоийнинг ўз қўли билан кўчирган дастхат девони — «Наводир ун-ниҳоя»нинг факсимиле нашри амалга оширилаётгани, шоирнинг «Муножот» асари тўрт тилда — ўзбек, форс, рус, инглиз тилларида эълон қилингани ҳақида маълумот берди. Навоийни ўрганиш, асарларини илмий тарғиб этиш билан боғлиқ бу янгиликлар ҳаммани қувонтирди.

Кеча охирида энг яхши санъат коллективлари томонидан катта концерт берилди, «Фарҳод ва Ширин» достонидан парчалар ўқилди. Монастирдаги христиан динига хизмат қилувчилар кийимида бир гуруҳ ёшларнинг Навоий шаънига айтган қўшиқлари ўзининг самимийлиги, таъсирчанлиги билан бизда чуқур таассурот қолдирди. Биз мезбонларимизга ҳозирги мураккаб, қийин шароитда улуғ шоиримизга вақт, имкон топиб шундай ҳурмат кўрсатганлари учун миннатдорлик билдирдик. Улар эса Навоийга ҳар қанча ҳурмат билдирилса оз эканини, даҳо шоирнинг бундан беш аср олдин ўз ижодида арман халқи ва мамлакатига эътибор билан қарагани икки халқ ўртасидаги қадимий дўстликнинг ёрқин белгиси эканини таъкидладилар.

Кечанинг эртасига бизни 1989 йил зилзиласининг марказларидан бири — Спитакка олиб бордилар. Биз у ерда иттифоқдош жумҳуриятлардан, чет эллардан ёрдамга келиб, кўплаб тураржойлар қурилганини, янги Спитак қад кўтара бошлаганини кўриб қувондик. Бизга ҳамроҳ бўлган спитаклик дўстларга юз берган фожиалар юзасидан чуқур ҳамдардлик билдирдик. Йўл бошловчимиз, райсовет раиси муовини Ш. Саакяннинг 17 яшар қизи зилзила вақтида бошига ёғоч тушиб ҳалок бўлган. Спитак мозоридаги кўп қабрларга қўйилган ёдгорликларда икки, уч, тўрт кишининг расми чизилган. Чунки бир хонадондан ўлган кишилар бирга кўмилганлар.

Ўзбекистонликлар Спитакка биринчи бўлиб келганлардан экан. Биздан қурилишда мингга яқин одам ишлаган. Ҳаммаси бўлиб коттеж типида 80 уй қурилган. Уйлар оқиш рангда бўлиб, узоқдан Спитакка кираверишда кўзга ташланиб туради. Бизнинг бинокорларимиз спитакликлар учун темир йўл, автобаза ҳам қуриб берибди. Уларнинг ишидан ҳамма мамнун. Лекин қурилиш материаллари йўқлиги туфайли улар ўз юртларига барвақт қайтишга мажбур бўлганлар. Ҳамроҳларимиз бизни ўзбек қурувчилари томонидан яратилган ўрамдаги ғоят шинам бир кўчадан олиб ўтдилар. Кейин билсак, спитаклик дўстларимиз бу кўчани Алишер Навоий номи билан аташга қарор қилишибди Буни эшитиб биз қаттиқ ҳаяжонландик, хурсанд бўлдик. Халқлар ўртасидаги амалдаги дўстлик шу бўлса керак-да!

Ҳозирги қийинчиликларда Навоий руҳи сенга мададкор бўлсин, гўзал Арманистон!

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

Ильза СИРТАУТАС

# ҲАР ЭЛНИНГ ЎЗ НАВОИЙСИ БЎЛСИН

Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университетининг профессори, Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари тиллари ва маданияти факультетининг декани, ўзбек адабиётининг океан ортидаги тарғиботчиси, яқин дўсти Ильза Сиртаутас номини муштарийларимиз яхши билишади. У шу кунларда улуғ шоир юбилейи тантаналарида қатнашиш учун Тошкентга келди. Мухбиримиз у билан учрашиб, Сиэтл шаҳрида адабиётимиз ва маданиятимиз тарғиботи борасида амалга оширилаётган ишлар, ўтказилган навоийхонлик тадбирлари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди:

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда ўзаро алоқаларимиз анча кенгайди. Факультетимиз билан Тошкент Давлат дорулфунуни ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида бевосита ҳамкорликлар ўрнатилди. Дорулфунунлар орасида талабалар, аспирантлар алмашиш, олимларнинг тажрибаларини бойитиш мақсадида ўзаро борди-келдилар йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда ўзбек халқи ҳаёти, маданияти, тарихи, тили ва адабиётига қизиқиш ниҳоятда катта. Шу сабабли факультетимиз қошида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш программаси бор. Бу программа бўйича Америка Қўшма Штатларининг турли тарафларидан келган ўқувчилар, талабалар, ишчилар ҳар йили икки ой давомида — 22 июндан 22 августгача ўқишади. Ўқиш охирида ўз билимларини синовдан ўтказишади — имтиҳон топширишади. Бу икки ойлик курсларимизга келувчилар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Программанинг асосини «Ўрта Осиё халқларининг адабиёти ва санъати» мавзуи эгаллайди. Программа қисқа фурсатга мўлжаллаб тузилгани учун ўргатиш ҳам ўқитиш, ҳам кўргазма асосида ташкил қилинган. Тил ўрганувчиларга қулайлик бўлсин учун ўзбек шоирларидан Э. Воҳидов, А. Орипов шеърларидан, ёзувчилардан О. Ёқубов, Ҳ. Ғулом ва бошқаларнинг ўзбек ҳамда инглиз тилларига таржима қилинган асарлари текстларидан фойдаланамиз. Кейинги йилларда ўзаро борди-келдиларимиз йўлга қўйилгани натижасида ижодкорлардан Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Тожикистондан Бозор Собиров билан бевосита суҳбатлар ўтказдик. Ажойиб миниатюрачи рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг кўргазмасини ташкил қилдик. Унинг асарлари каталогини чиқардик.

Ўзбек адабиёти билан боғлиқ ўз ижодий режаларимга келсак, кўплаб асарларни таржима қилиш ниятим бор. Айниқса, Сталин қатағони туфайли ҳалок бўлган А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ижодкорлар асарларини, шунингдек, Ҳ. Қодирийнинг «Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира китобини ўгириш ниятидаман. Айни пайтда, бизнинг ўқувчиларимизни экология масаласи, хусусан, Орол денгизининг фалокати кўпроқ ўйлантиради. Шунингдек, шу пайтгача «тарихнинг оқ доғи» бўлиб келган Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ҳақидаги рўй-рост ёзилган ҳужжатли материалларни ва шу мавзуда битилган «Шарқ юлдузи» ойномасида эълон қилинган асарларни ҳам таржима этиш режамда бор.

Алишер Навоий 550 йиллигига тайёргарлик бизда ҳам йил бошидан бошланди. Мамлакатимизнинг кўплаб университетларида, кутубхоналарда навоийхонликлар бўлиб ўтди. Унинг асарларидан парчалар таржима қилиниб нашр этилди. Факультетимизда ҳам навоийхонликлар бўлиб ўтди. Уларни ўтказишда бевосита ўзбек тилини яхши биладиган мутахассисларимиз иштирок этмоқдалар. 9 февраль — Навоий куни деб эълон қилинди. Март ойида икки марта навоийхонлик суҳбати ташкил этилди. Апрель ойида эса «Алишер Навоий тўйининг Тошкентда нишонланиши» номли видеофильм намойиш қилинди. Ўзим «Алишер Навоий ва у яшаган давр. Навоийни ўрганишга дебоча» мавзуида доклад қилдим. Ўрумчилик ёш олимлар А. Иброҳим, Ҳ. Зокир «Алишер Навоий ва уйғур адабиёти» темасида суҳбат ўтказишди. Шунингдек, «Алишер Навоийнинг ёшликдаги сабоқлари», «Алишер Навоий ҳақидаги зарофат ва ҳикоятлар», «Алишер Навоий, ўзбек ҳамда чиғатой тили ривожи» каби мавзуларда суҳбатлар уюштирилди. Навоийхонлик тантаналари йил охиригача давом этади.

Улуғ шоир тўйининг барча халқлар томонидан кенг нишонланиши ғоят эътиборли, қувончли. Лекин тўй муносабати билан мен кўнглимдаги бир саволни ҳам ўртага ташламоқчи эдим. Жаҳонга тенгсиз буюк сиймоларни, алломаларни етказиб берган ўзбек халқи орасидан нега кейинги даврларда уларга тенг келадиган муҳтарам зотлар етишиб чиқмаётибди ёки ниҳоятда кам. Ахир, халқ ҳар бир даврда ўз Навоийларига эга бўлмоғи керак

КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИ БУЙИДАГИ УЧРАШУВЛАР

# ШОИРЛАР ФАРҲОДЛАР ҲУЗУРИДА

Йил ўн икки ой Андижоннинг Куйганёридан бошланган Катта Фарғона канали тўлиб-тошиб, тинмай оқади. У ҳар бир қадамида ташна ернинг чанқоғини қондириб, боғларни яшнатиб, пахтасининг бўйига бўй қўшиб, полизларини суғориб ўтади. Зеро, экиннинг отаси — ер, онаси сувдир.

Устоз Алишер Навоий Фарҳоднинг меҳнатини, жасоратини шундай тасвирлайди:

**Кириб ориққа қозмоқ**
**айлади майл,**
**Қоза бошлади қумни**
**ўйлаким сайл.**
**Кесиб ҳар тешаси қилғоч**
**хароши,**
**Фалак пили юкидек**
**пора тоши.**

Катта Фарғона каналини қазган кишилар ҳам худди филдек тошларни пора-пора қилган Фарҳоднинг ўзгинаси эдилар. Алишер Навоий беш аср илгари яратган Фарҳод тимсолида балки ўзбек халқи қонидаги ана шу жасоратни, сувга ташналикни, беқиёс шижоатни тасвирлаганлиги ростдир. Бобомиз Навоийнинг 550 йиллиги кенг нишонланаётган Навоий йилида достонларда орзу қилинган, юрт фаровонлиги учун тер тўккан ҳаётдаги Фарҳодларни излаб, уларни топиб, иззат-икром билан йўқланаётгани ҳам шундандир.

Шу йилнинг 20—22 август кунлари Навоийнинг 550 йиллик тўйига бағишланган Катта Фарғона канали бўйлаб, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлараро адабий юриш бўлиб ўтди. «Шоирлар Фарҳодлар ҳузурида» деб номланди.

Давраларга тўпланган оппоқ соқолли нуроний чоллар, оқ рўмолли онахонларнинг ҳаммаси канал қазган, бундан эллик йил олдинги Фарҳод ва Ширинлар эди. Адабий юриш Фарғонадан, Ленинград тумани Ҳамза номидаги совхознинг Картанариқ сув иншоотидан бошланди. Канал иштирокчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тоиржон ака Исмоиловнинг сўзлари бугунги кун учун эртакдай: «Халқ сувга ташна эди. Ер, сув бойлар қўлида бўлган. Сув учун бечора одамларни тўғон тагига бостиришганини ўз кўзим билан кўрганман. Фарғона канали шундай қурилганки, ҳамма жон-дили билан ишлаган».

— Ўн тўрт ёшда эдим, — дейди олтиариқлик Тожинисо опа Мамажонова Олтиариқ туманининг «Ҳамза» сув иншоотидаги йиғинда. — Эркаклар тупроқни қазиб, араваларга, этакларга солиб беришарди. Аёллар, қизлар, болалар тўхтамай, тинмай ташиб турардик.

Олтиариқлик канал қазганлардан, ветеранлар Кенгашининг раиси Маматқул бува Мустафоевнинг ҳикоялари ўтмишни кўз ўнгимизда намоён этди. Биз бу оппоқ соқолли чоллар тарихимизнинг жонли гувоҳлари эканига, улар дилида қанча ёзилмаган мавзулар қатланиб ётганига амин бўлдик. Марғилонлик шоир Мамадали Умаровнинг Фарғона каналига бағишланган шеъри улар кўнглидагини назмга солгандай эди.

— Каналда иш тез, жадал кетган. Кечаси-ю кундузи ишлаганмиз, — дейди Абдусалом тоға. — Бир томонда Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов қўшиқ айтиб турган, Тамарахоним, Мукаррамахоним ўйин тушиб турган. Сайлнинг ўзи бўлган. Ўйин-кулги, завқ-шавқ билан меҳнат қилинса, оғирлиги билинмас экан. Биров чарчадим демасди. Канал қазиб, кам бўлганимиз йўқ. Сув келгандан буён оёғимда бир тепсам, ҳовлим қониб ичади. Ҳозир ҳам буғдой, шолини қоплаб қўйганман.

Адабий юриш қатнашчилари Фарғона канали бўйлаб, саришта, киши бахридилини очувчи сўлим, кафтдек асфальтланган йўллардан ўтиб андижонлик дўстлар ҳузурига кириб бордилар. Сув иншоотларидаги мутахассисларнинг ўз ишига пухталиги, томчи сув қадрини яхши билишлари, тўғон бошларига замонавий аппаратлар қўйилганлиги, боболаримиз меҳнати қадрланаётганлиги кишини беҳад қувонтиради. Катта Фарғона канали бошқармаси бошлиғи, 80 ёшли Қодиржон ака Расуловнинг ўзи ҳам канал қазганлардан. Каналнинг бир қаричи унга таниш. Қаерда нима иш қилиш зарурлигини у беш қўлдай билиб, эслатиб туради.

— Бу йил ҳаво салқин келди. Қорлар кам эриди, — дейди Қодиржон ака сувнинг оқимига ўйчан боқиб. — Экинларга эса сув керак. Катта Фарғона канали бу йил ўз бағрида ҳар йилгидан 60—70 кубометр сувни ортиқча олиб, экинзорларга етказиб беришга тўғри келди. Сўх, Исфайрам, Шоҳимардон сойларидаги сувнинг камлигини билинтирмади.

Биз ижодкорлар сувнинг ҳаётбахшлиги ҳақида қанчалар куйиниб шеър ўқимайлик, томчиси гавҳарга тенглигини деҳқон билан Қодиржон Расуловга ўхшаган мироблар яхшироқ билишига ишонч ҳосил қилдик.

Андижоннинг Куйганёр сув тўғони. Бир томонда Қора дарё ястаниб оқади. Катта Фарғона каналининг боши худди мана шу ердан бошлаб қазилган ва Қора дарёдан сув олган. Бизга ўз обиҳаётини тутаётган, уни Фарғона, ундан қўшни Тожикистон ерларигача қузатиб, узатиб турган сув иншоотлари ходимлари, андижонлик оқсоқоллар, шоирлар билан учрашув, шеърхонлик, мушоира кечалари ниҳоятда мароқли эди.

Андижонлик қаламкашлардан Тўлан Низом, Турсуной Содиқова, Қамчибек Кенжа, Замира Рўзиева, Фарид Усмон, Усмонжон Шукуров, канал бўйлаб мушоирада қатнашиб келаётган фарғоналик шоир ва адиблар Йўлдош Сулаймон, Турсунбой Маҳмудов, Мақсуда Эгамбердиева, Абдували Ортиққов, Зуҳра Алиева, Раъно Исмоилова. Ойдин Темирова ва бошқа қатор қаламкашларнинг чиқишларида ўзбек халқи фарҳодлари, бобомиз Алишер Навоий орзулари — она тилимиз, муҳаббат, инсоф, диёнат, имон ҳақидаги баҳслар давом этди, шеър ва ғазаллар ўқилди.

«Шоирлар фарҳодлар ҳузурида»ги адабий юриш Наманган вилоятининг «Учқўрғон» сув иншоотида ниҳоясига етди.

**М. ДЕҲҚОН қизи**

# БОЗОР, КИТОБ, КИТОБХОН...

Бозор муносабатларига ўтишимиз боис кўпгина соҳалар мураккаб аҳволга тушиб қолаётгани сир эмас. Хусусан маданий-маърифий тармоқларда аҳвол ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий бўлиб қолди. Театр ва кутубхоналар, тармоқ нашрлари бугунги кунда омон қолиш учун кураш олиб бормоқдалар, десак муболаға бўлмас.

Бозор иқтисодиёти болалар адабиётини ҳам мураккаб шароитга солиб қўйди. Мамлакат бошқарувидаги бошбошдоқлик, нарх-наво сиёсатидаги ўзбошимчалик, яъни ким ошди савдоси оқибатида шундай бир вазият юзага келдики, эндиликда болалар учун китоб нашр этиш мутлақо ўзини қопламайдиган, даромадидан буромади кўп бир юмуш бўлиб қолди.

Жумҳуриятимизда шусиз ҳам болалар адабиётига бўлган муносабат қониқарсиз аҳволда эди. Эндиликда эса мавжуд имкониятлар кун ўтган сайин торайиб бормоқда. Нашриётлар кичик китобхонларга мўлжалланган китобларни ўз вақтида чиқара олмаётирлар. Болажон республикамизда болалар китобхонлиги сусайиб бормоқда. Болалар бўш қолмоқдалар, тартиб ва ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар билан шуғулланмоқдалар.

Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилиш болалар адабиётининг юқорида зикр этилган муаммоларига бағишланди. Таниқли адиблар Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев, Носир Фозилов, Абдусаид Кўчимов, Миразиз Аъзам, Нормурод Нарзуллаев, «Ўзкитоб» бошлиғи Сотволди Йўлдошев, «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррири Жаббор Раззоқов ва бошқалар болалар адабиёти, китоб нашри ва савдоси борасидаги ачинарли аҳвол тўғрисида куюнчаклик билан гапирдилар. Йиғилиш қатнашчилари мазкур муаммолар авваллари ҳам турли идораларда кўплаб муҳокама этилганлиги, тадбирлар белгиланганлиги, аммо амалда ҳеч нима ўзгармаганлигини, болалар китобхонлиги жумҳурият миқёсида ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини таъкидладилар. «Ёш куч» ойномаси муҳаррири Х. Тўхтабоев ўз фикрларини қиёсий таҳлиллар асосида баён этди.

Йиғилишда болалар адабиётини талаб даражасида ривожлантиришнинг аниқ чоралари белгиланди. Йиғилишни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

**М. АҲМЕДОВ**

# СИЗ ҲАМ ЁЗИЛИНГ!

«Оила ва жамият»нинг илк сонини ўқиб чиқдиму олис чорвадор туманида яшаётган укамни тезроқ кўргим келиб қолди. Хаёлимда эса фақат шу сўзлар такрорланарди: «Ўн йилда 200 минг сўм-а! Укам ҳам «Оила ва жамият»ни олдимикан, «Рўзғорингизга барака» рукни остида берилган «Бир эчкидан 200 минг сўм» деган мақолани ўқидимикан? Рост-да, 200—250 сўмга бир эчки сотиб олсангу, у ўн йил ўтганда рўзғорингга фалон пул даромад келтириб турса, қизиқмай бўладими? Ахир, оила тўқ бўлса, рўзғор тўкин бўлса жамият ҳам обод бўлади-да.

Ҳафталик таҳририяти мазкур рукн остида бирни икки қилиш бобида ота-боболаримиз тажрибаларини мунтазам ёритиб бориш ниятида эканлар. Яхшиси, ҳафталикка обуна бўламан, деган фикрга келдим.

Бу фикрга келишимга ҳафталикда эълон қилинган бошқа мақолалар ҳам сабабчи бўлди. Очиғи, узоқ йиллар оила — жамият асоси, бирламчи таянчи деб келдик. Бироқ инсон камолоти учун маънавий бешик бўлган оилага эътибор барча эзгу анъаналаримиз каби сиёсат қурбони бўлганлигини пайқамай қолдик. Тўғрироғи кеч, жуда кеч англадик.

Ўзбекистон болалар жамғармасининг нашри «Оила ва жамият» ҳафталиги сўнгги йилларда анча-мунча путур кетган маънавий-ахлоқий тарбия, имом-эътиқод, маърифат ва зиё тарқатиш, оилани мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, комил инсонларни тарбиялашдек олижаноб мақсадларни ўз олдига вазифа қилиб қўйибди.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси Инқилоб Юсуповани нинг «Ёруғ ния» сарлавҳали бош мақоласи ана шу мазмунда.

Ҳафталик мухбири Тўлқин Ҳайит Тошкентнинг Чилонзор даҳасида очилган Алишер Навоий номидаги Нафис санъат мактаби ҳақидаги суҳбатида болаларни адабиёт, тарих ва санъат асарлари руҳида тарбиялаш муаммоларини тилга олган.

«Долзарб мавзу» рукни остида берилган «Дарсликлар камёбми?» мақоласида болалар китоблари нашри аҳволи ҳақида, таниқли публицист Муртазо Қаршибоевнинг «Андиша одоби» мақоласида эса Шарқ тарбия анъаналари хусусида фикр юритилади.

«Жуфти ҳалол танлаганда» сарлавҳали мақолада эса оила қуришдек нозик масала тилга олиниб, ноёб маданий ёдгорлигимиз бўлган «Қобуснома»нинг «Хотин олмоқ зикрида» боби ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Ҳафталикнинг илк сониёқ «Оила ва жамият» ранг-баранг мазмунига кўра тез орада ўз ўқувчиларини топиб олиш имкониятига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Хуллас, муҳтарам муштарийлар, Сиз ҳам «Оила ва жамият»га обуна бўлишга шошилинг!

**«Оила ва жамият» ҳафтасига бир марта саккиз саҳифада нашр этилади.**

**Обуна баҳоси — бир йилга 10 сўм 56 тийин.**

## «МУСУЛМОНЛАРНИНГ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ»

Кейинги йилларда неча замонлардан бери элга маъқул бўлиб келаётган ажойиб одатларимиз йўқолиб, унутилиб кетди. Бунга бир томондан ноўрин сиёсий қарашларимиз сабаб бўлса, бир томондан ўзимиз айбдормиз. Чунки улардаги доноликни англашдан қочдик. Масалан, мазкур китобчанинг «Отаонани ҳурматлаш урф-одатлари» қисмида келтирилган қуйидаги парчага эътибор беринг: «Одатимизга кўра фарзандлар эрталаб туриб, қўл-бетларини ювгач, дастлаб ота-оналарининг олдиларига кириб салом беради. Ота-она дастурхонидан бир пиёла чой ичиб, уларнинг оқ фотиҳаларини олиб сўнгра ишларига кетади». Бунинг нимаси ёмон. Афсуски, шу сингари тарбиявий аҳамиятга эга бўлган анчагина ўгитларга амал қилмай қўйдик.

Яқинда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлимида чоп этилган Қудратилла Ҳайдаровнинг «Мусулмонларнинг миллий урф-одатлари» китобчасида ҳикматга бой одатларимиздан бирмунчаси жамланган. Улар Самарқанддаги Ҳожи Зудмурод масжидининг бош имом-хатиби Ҳожи Мустафоқул Меликзода таҳрири остида берилган. Муҳаррири Муҳаммад Ражаб.

## БИЛДИРИШ

**1991 йил 4 октябрь соат 17.00 да**

**Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик тўйи арафасида**

**РАЪНОЛАР ВА МИРЗО АНВАРЛАР МУШОИРАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ**

**Таниқли ижодкорлар ва санъаткорлар иштирокидаги мушоирани Ҳалима Худойбердиева ва Эркин Воҳидов олиб боради.**

**Мушоира Абдулла Қодирий кўчасидаги 13-уй, Лекторлар уйида бўлиб ўтади.**

**Мушоирага марҳамат!**

**Ўзбекистон «Билим» жамияти, Абдулла Қодирий вақфи, «Ёшлик» журнали, Ўзбекистон телевидениесининг «Тошкент» студияси**

# ЭЪЛОН

## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**«Ориёно» тожик маданияти маркази «Сотимхон Ҳожи» маърифат шуъбаси Ўзбекистон халқ таълими назорати тасдиқлаган ва «ФАН» нашриётида чоп этилган қуйидаги қўлланма, программа ва ўқиш китобларини ўзаро келишилган нархда нақд пулга ва банк орқали пул ўтказиш йўли билан сотиб олишни таклиф қилади:**

**1. Араб-ўзбек ёзуви программаси ва қўлланмаси.**

**2. Қироат ва ҳуснихат китоби.**

**3. Наст хат (Машқ дафтари).**

**4. Чустий. Лисонуд-дил. (Шеърий тўплам)**

**Барча китоблар араб алифбосида.**

**Шунингдек араб ёзуви, араб тили, форс тилидан хат-саводи бор, аммо ҳужжати йўқ кишиларни «Гувоҳнома» бериш шарти билан имтиҳонга таклиф этади.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700003, Тошкент-3, Бешёғоч, Арпапоя, 9-а.**

**«ОРИЁНО» ТОЖИК МАДАНИЯТ МАРКАЗИ**

# МАКТАБДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон халқ шоири, драматург ва носир Шукрулло бу йил етмиш ёшга тўлди. Адибнинг эллик йиллик ижодий фаолияти самараси бўлмиш қатор шеърий китоблари, достонлари, драматик ва насрий асарлари ўқувчиларга яхши таниш. Шукрулло китоблари қардош жумҳуриятларда, хорижда ҳам севиб ўқилади.

Пойтахтдаги 85-мактабда бўлиб ўтган адабий учрашув адиб таваллудининг 70 йиллигига бағишланди. Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримов, шоирлар Миразиз Аъзам, Нилуфар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев шоир босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўли, серқирра ижоди, фаол жамоатчилиги ҳусусида йиғилганларга муфассал сўзлаб бердилар. Адибнинг «Кафансиз кўмилганлар» хотироманн, унинг яратилиш тарихи ҳақида қизғин мунозара бўлди.

Бундай учрашувлар яқин кунлар ичида жумҳуриятимизнинг қатор вилоятларида ҳам бўлиб ўтади.

# «ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

Ойноманинг 9-сони босмадан чиқди. Унинг илк саҳифалари ҳазрат Алишер Навоийнинг янги топилган дастхатлари ва шахсий муҳрлари туширилган табаррук топилма сурати билан очилади.

«Мулоҳаза, муҳокама, мунозара» рукни остида Менгзиё Сафаровнинг «Дарё — ҳаёт, мангулик» мақоласи чоп этилган. Унда инсон ва табиат муносабати ҳақида мушоҳада юритилган.

Шеърият мухлислари Омон Матжоннинг «Қуш йўли» достони, Равшан Файз, Исмоил Тўхтамишев шеърлари, Олимжон Холдор ғазаллари ва Эркин Самандарнинг «Аждодлар қиличи» номли тарихий фожиасининг давоми билан танишадилар.

Наср рукнидан Мурод Мансурнинг «Гуноҳи азим» романи, Мирза Каримнинг «Мунаввара эртаклари» қиссаси, Абдусаттор Содиқовнинг «Зомин ҳикоялари» ўрин олган.

Ойноманинг бу сонида асримиз бошларида Қозонда яшаган маърифатпарвар Фахру-лбанот Сиғботуллоҳ қизининг «Иршод ёки кўзгу» рисоласи ҳам чоп этилган. Рисолада ароқхўрлик ахлоқ-тарбияни бузиши, гўзал оилаларни барбод қилиб, ҳатто миллатнинг завол топишига ҳам олиб келиши ҳаётий, ибратли лавҳаларда кўрсатилган.

**«ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲИСОБИ**

ҚУЙИДАГИЧА: Тошкент шаҳри, Жумҳурият саноат-қурилиш банки қошидаги амалиёт бошқармаси, расчётний счёт — 609836 ОПУ, Узпромстройбанк, МФО 729024.

Маблағлар МФО 830 орқали ўтказилади.

Ўзбекистон жумҳурияти маданият вазирлиги ва М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Жўраевага онаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

**Лола БАДАЛОВА**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ орасида Алишер Навоий ҳақида жуда кўп ривоятлар тўқилган. Бу ривоятларда тилимиз ва адабиётимизнинг асосчиси доно, ҳозиржавоб, адолатли инсон, вазир, шоир сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади.**

**Яқинда «Чўлпон» нашриётида «Эл деса Навоийни» деб номланган тўплам нашр этилди. Нашриёт жамоаси ушбу китобни шоирнинг 550 йиллигига тўёна сифатида тайёрлаганлар. Тўпламдан жой олган ривоятларни таниқли олим, филология фанлари номзоди Маматқул Жўраев тўплаган.**

**Бугун биз ушбу китобдан бир неча ривоятларни кўчириб босяапмиз. Зеро, Навоий асарларини ва у ҳақда ёзилган ривоятларни такрор-такрор ўқиш ҳеч қачон зиён қилмайди. Биз Навоийни қанчалик кўп ўқисак, шунчалик чуқурроқ тушунамиз.**

# БУЛБУЛ НАВОСИ ЧЎКОЛМАС

## АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

### АЛИШЕР БИЛАН БУЛБУЛ

Илгари замонда Ғиёсиддин кичкина деган кишинилг Алишер исмли ўғли бўлган экан. У ёшлигидан уддабурро, зийрак бўлиб ўсибди. Тўққиз ёшга тўлганда эса шеърлар ёза бошлабди. Одамлар у ёзган шеърларни қулоқ бериб тинглайдиган бўлишибди. Лекин бола ўзига ҳали тахаллус танламаган экан.

Алишер бир куни янги шеърини ёзибди-да, уни боққа чиқиб баланд овоз билан ўқий бошлабди. Шу пайт боғдаги теракка чирмашган қирқ оғайнининг шохида ўтирган булбул Алишернинг ёқимли овозини эшитиб қолибди. Ёш шоирнинг гоҳ қўнғироқдай жарангдор, гоҳ тонг шамолидай майин овози булбулни ўзига мафтун этибди. Қушча дарҳол унинг елкасига қўниб:

— Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбулларнинг эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Номингни билсам бўладими? — дебди.

— Алишер! — жавоб берибди бола.

— Билдим, билдим, янги чиққан шоир экансан-да. Энди ўзингга чиройли бир тахаллус танлаб, шеърларингнинг охирига ўшани қўшиб кетгин.

Алишерга булбулнинг бояги «наво» деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан кейин ёзган ғазалларининг тагига «Навоий» деб ёзиб қўядиган бўлибди.

### АЛИШЕР НАВОИЙ КИМНИ ЕМОН КЎРГАН

Кунлардан бир куни Султон Ҳусайн вазирларининг ёлғон сўзларига ишониб, Алишер Навоийни зиндонга ташлашни буюрибди. Кўп вақт ўтмай унинг гуноҳсизлиги маълум бўлибди. Подшо уни зиндондан чиқаришларини буюрибди. Алишер Навоий эса чиқишга унамабди. Подшонинг қамаш ва чиқариш ҳақида берган фармонига ажабланганини билдирибди.

Шоирни зиндондан чиқариш учун кўп уринибдилар-у, фойдаси бўлмабди. Энг кейин унга яқин кишилардан бирининг маслаҳати билан Алишер Навоийнинг ёнига бир ахмоқни қамаб қўйибдилар. Шоир ана шундан сўнггина зиндондан чиқишга розилик берибди.

### ҚАЕРДА ЧИВИН ЙУҚ?

Бурунги замонда Ҳусайн Бойқаро деган подшо яшаган экан. У вазири Алишерга:

— Қайси ерда чивин бўлмайди? — деб савол берибди. Вазири ўйланмасдан:

— Одам йўқ ерда чивин ҳам бўлмайди,— деб жавоб берибди.

Шундай қилиб, улар икки отга миниб, одам йўқ ерларни қидириб кетишибди. Йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб бир саҳрога чиқишибди. Шу ерда бир оз дам олмоқ учун отдан тушибдилар.

Алишер чой қайнатибди, иккиси чой ичиб ўтирган вақтида, бир чивин «виз» этиб, Ҳусайн Бойқаронинг пиёласи ёнида ўтиб, этагига қўнибди. Шунда у:

— Алишер, одам йўқ ерда чивин бўлмайди деган эдинг, мана бу ерда чивин учиб юribди-ку! — дебди.

— Ҳа, сиз билан биз одам эмасмизми?— деб жавоб берибди Алишер.

Ҳусайн Бойқаро Алишерга ҳамёнидан минг тилла чиқариб бериб:

— Баракалла, енгдинг мени, — дебди.

### ОТЛАР ОЕҒИ БИЛАН СУВ ИЧАВЕРСИН

Султон Ҳусайн — подшоҳ, Мир Алишер вазир эди. Бир куни подшоҳ вазирлари билан шикорга чиқдилар. Шу боришда уларнинг йўллари бир қўлнинг устидан тушди. Қарасалар, қамишларнинг учлари қуриб, қовжираб қолган экан. Шунда Мир Алишер:

— Кўлдаги қамишлар сув истаб, чанқаб қолибди. Буларга ёмғир керак экан-да! — дебди.

Мир Алишернинг ёнида бораётган подшо, унинг сўзини бўлиб:

— Ахмоқ, сувда турган қамишлар қандай чанқасин? — деб пичинг қилибди.

Мир Алишер индамабди. Шу йўсинда йўл юриб, йўл юрсалар ҳам мўл юриб, ниҳоят бир биёбонга етиб бориб, ов қилишиб, дам олишни бошлабдилар. Улар бир неча кун ов қилиб, ҳордиқ чиқариб сўнгра ортга қайтибдилар.

Йўлда уларнинг олдидан бир катта ариқ чиқибди. Подшо билан вазирлар отларини сув ичиргани олиб борибдилар, ўзлари ҳам сувдан ичибдилар. Аммо Мир Алишер ўзининг отини сув ичиргани қўймай, ариқнинг саёзроқ жойида, жиловини маҳкам тортиб тураверибди

Султон Ҳусайн ҳайрон бўлиб ундан сўрабди:

— Мир Алишер, нима учун отни сувламаяпсиз?

— Сув отнинг қорнига тегиб турган бўлса, уни сувламак на ҳожат? Чўллаган бўлса, ана, оёғи билан ичаверсин, — деб жавоб берибди Мир Алишер.

Буни эшитган Султон Ҳусайн ўзининг илгари айтган гапи ёдига тушиб, енгилганини тан олибди-да, Мир Алишерга икки минг танга инъом этибди.

### «ҚУРПАНГИЗГА ҚАРАБ ОЕҚ УЗАТИНГ-ДА, ШОҲИМ!»

Султон Ҳусайн уйининг ўртасига жой солдириб, кичкина бир кўрпани ёпиниб, шипга қараб ётган экан, ҳар хил хаёл олиб қочаверибди. Кўрпага бурканиб олган экан, оёғи очилиб қолибди. Оёғини ёпса, бошига етмас эмиш. Шу ётган кўйи саройдаги уламо-ю, фузалоларини ўз ҳузурига чақиртириб:

— Мана шу кўрпани бузмасдан, шу ётишимда бошимдан оёғимгача етказасизлар. Сизларга қирқ кун муҳлат, фармони олий бажо келтирилмаса, ҳаммангизни дорга торттираман! — дебди.

Подшонинг уламо фузалолари бир кам қирқ кун ўйлашиб, ҳеч иложини тополмай, қирқинчи куни ҳаммалари йиғилишиб, Алишер Навоийнинг уйига боришибди. Оёқ устида саф тортиб туриб, аҳволни баён қилишибди:

— Тақсири олам, султоннинг талабларини ёлғиз сиз бажара оласиз. Бу мушкул муаммони ҳал этиб бермасангиз, ҳолимиз хароб, эртага ҳаммамизнинг бошимиз кетади. Шафқат ва марҳаматингизга муҳтож бўлиб, ҳузурингизга бош эгиб келдик, — дебдилар.

Қирқ кун батамом тўлган, подшо айтган муҳлат битган, ҳамма аркону давлат саройга йиғилишиб, таҳликада туришган экан. Султон Ҳусайн барча уламо фузалоларини ёнига чақиртирибди. Алишер Навоий уларнинг ҳаммасини бошлаб саройга кирса, султон кўрпани бошига тортиб ёпиниб, тиззасидан пасти очиқ ётган эмиш.

— Тақсир, ижозат берсалар, фармони олийни бажо келтирсам, — дебди шоир.

Султон Ҳусайн кўрпанинг тагидан туриб, ижозат берибди. Шунда Алишер Навоий:

— Фақат мендан ранжимайсиз-да, шоҳим! — деган экан, подшо ўша ҳолатда ётган кўйи:

— Нега энди хафа бўлар эканман?! Аксинча, агар шу масалани еча олсангиз ақлингизга қойил қоламан-ку! — деб жавоб берибди.

Алишер Навоий тўппа-тўғри султоннинг ёнига бориб, кўрпадан чиқиб турган оёғига бир тепган экан, подшогаям жон ширин-да, ўша заҳотиёқ иккала оёғиниям йиғиб, кўрпанинг ичига тортиб олибди. Сўнгра Султон Ҳусайн устидаги кўрпани отиб юбориб, жаҳл билан ўрнидан сапчиб турибди-да:

— Бу нима қилганингиз, Алишер?! — деб бақирибди.

Алишер Навоий бўлса қўлини кўксига қўйиб:

— Ахир кўрпангизга қараб оёқ узатинг-да, шоҳим, — деган экан.

Султон Ҳусайн турган жойида қотиб қолибди.

### ОТ НИМАГА КУЛДИ?

Султон Ҳусайн мирзо билан Алишер Навоий шикорга чиқмоқчи бўлибдилар.

— Эртага азонда туриб кетамиз, тайёр бўлиб туринг! — дебди султон.

Азонда Ҳусайн мирзо Алишер минадиган отнинг пастки лабини кесиб қўйибди. Тонгга яқин Алишернинг уйқуси қочиб, отидан хабар олиш учун таблага бориб қараса, отининг лаби кесилган. «Ҳойнаҳой, бу султоннинг ишидур. Яна бир шумликни ўйлаганга ўхшайди», — деб ўйлабди Алишер. Сўнгра Ҳусайн мирзо минадиган отнинг думини таги билан кесиб олибди.

Эрталаб булар отларига минишиб шикорга жўнабдилар. Отининг думи кесилганидан хабари йўқ Ҳусайн мирзо:

— Алишер, отингиз кулиб келаётибдими? — деб сўрабди.

— Ҳа, тақсир, отингизнинг думи йўқлигини кўриб кулиб келаётибди.

Ҳусайн мирзо отининг думи қирқилганлигини кўриб, қип-қизариб кетибди.

### ТЎҒРИ ЖАВОБ

Кунларнинг бирида Алишер Навоий ҳузурига бир савдогар келиб, ундан ўз ўғлига «шоирлик ҳунарини» ўргатишни сўрабди.

— Ўғлингиз қандай ҳунарга қизиқади? — деб сўрабди ундан Алишер Навоий.

— Ўғлим мен каби савдогар бўлишини астойдил истайди, лекин мен унинг шоир бўлишини хоҳлайман.

— Асли савдогарлик ҳунар эмас-у, аммо ўғлингиз шуни хоҳлар экан, майли, ўргансин. Шоирлик эса инсон фазилатидир, — дебди Алишер Навоий.

### ТАНДИР ҚУРОЛМАГАН УЙ ҚУРОЛАРМИДИ?

Алишер Навоийнинг Мамат ака деган қўшниси бўлар экан. Мамат ака умр бўйи ишлаб, биргина уй қура олган экан, холос. Бор бисоти ҳам шу бино экан. Унинг Худойберди деган ўғли бўлиб, ҳеч қаерда ишламас, туну кун тараллабедоддан бўшамас экан. Кунлардан бир куни Мамат ака шоирнинг ҳузурига келибди-да:

— Ҳазрат, ўзингизга аёнки, мен анчамунча ёшга бориб қолдим. Бугун бўлмаса эртага омонатни топширадиганга ўхшайман. Сизга бир илтимосим бор, хўп десангиз айтай, — дебди.

— Бажону дил, бажарурмен, — дебди Алишер Навоий.

— Илтимосим шулки, — сўзини давом эттирибди Мамат ака, — мен бу дунёдан кўз юмган кунимоқ, боласи тушмагур Худойберди кулбани сотадиган кўринади. Нима қилиб бўлса ҳам уни бу йўлдан қайтарсангиз. Ахир «Ватан гадоси — кафан гадоси», деб бекор айтишмаган. Мендан кейин Худойбердининг бундай уйни тиклаб олишига ҳеч ишонмайман. Кулбасиз кўчаларда қолиб хор бўлади, — дебди Мамат ака кўзига жиққа ёш олиб.

— Айтганингиздек бўлади, менга ишонаверинг, — деб уни юпатибди Алишер Навоий.

Мамат ака уйига келиб ўғлини олдига чақирибди-да:

— Болам, — дебди унга қараб, — мабодо куним битиб қазо қилсам, уйни асло сота кўрма, кейин тиклай олмай ҳалак бўласан... Борди-ю, жудаям сотгинг келса, Алишер Навоий ҳазратларининг олдиларидан бир ўтиб, кейин бу ишга қўл ур. Ишончим комилки, у киши сенга тўғри йўлни кўрсатиб берадилар.

Мамат ака оламдан ўтибди. Худойберди уйни сотиш тараддудига тушиб қолибди. «Отам уйни сотадиган бўлсанг, Алишер Навоийнинг олдидан бир ўт, деган эди. Ҳазрат қандай йўл кўрсаткан», дебди-да, шоирнинг ҳузурига бориб мақсадини айтибди. Шунда Алишер Навоий:

— Яхши, аммо тандирларинг бироз эскироқ кўринади. Бузиб янгисини қур. Уйнинг нархи икки баравар ортади, — дебди.

Худойберди уйга келиб, тандирга қараса, ҳақиқатан ҳам жуда эски, бир томони нураган эмиш. «Ҳазрат тўғри айтди, буни бузиб янгисини қурсам, уйнинг нархи икки баравар ошади», дебди-да, тандирни бузибди. Сўнг қўшни қишлоқдаги тандирчиникига жўнабди. Ундан тандир сотиб олибди-да, орқага қайтибди. Йўлда ниҳоятда чарчабди. «Бир оз нафасимни ростлаб олай», деб бир дўнгликка ўлтирмоқчи бўлган экан, тандир ерга қаттиқроқ тегиб кетиб, синиб қолибди. Худойберди орқага қайтиб, ҳалиги устадан яна битта тандир сотиб олибди. Уйга етай деганда, уни ҳам синдириб қўйибди. Учинчи тандирни бир иложини қилиб уйга олиб келибди-да, эскисининг ўрнига қура бошлабди. Устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб ўрнидан туриб қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Худойбердининг жаҳли чиқиб: «Алишер Навоий нега мени бунчалик оворагарчиликка солиб қўйди!» — дебди-да, унинг олдига чиқибди.

**Беҳзод ёки унинг яқин шогирдлари мўйқаламига мансуб миниатюра. Миниатюрада Навоий (ўртада), Жомий (ўнгда), Лутфий (чапда) сиймолари акс этган.**

Алишер Навоий супада ўтириб шеър битиш билан банд экан.

— Ҳазрат, — дебди Худойберди унга қараб, — тандирни қуролмадим. Майли, арзонроққа кетса ҳам, уйни тандирсиз сота бераман.

— Ҳовлиқмай сўзимни эшит, — дебди Алишер Навоий, — кўрдингми, биргина тандирни ҳам эплаб қуролмадинг, аммо уйни сотмоқчи бўласан. «Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр», деб бекорга айтишмаган. Уйни сотиб, янгисини тиклай олмай, кўчаларда қолиб кетишни ўйламадингми?! Бор, ишла! Уй ҳам ёнга қолади, тирикчилигинг ҳам ўтади. Балки яхши яшаб кетарсан.

Алишер Навоийнинг ақлли тадбир ва доно сўзларига тан берган Худойберди уйни сотмай, ишлаб яхши кун кечира бошлабди.

### БИНОИЙДЕК БЎЛИБ ҚОЛИШАДИ

Алишер Навоий билан Биноий кўчада гаплашиб кетаётиб, бир қанжиқ ит олтита боласини эмизиб турганини кўриб қолишибди. Кучукваччалар бир-бирини итариб, туртиб, онасини эмармиш. Шунда Алишер Навоийнинг обрўси кун сайин ошиб бораётганидан ичи зил кетаётган Биноий суҳбатдошини гапда мот қилмоқчи бўлиб:

— Мавлоно, анави итга бир қаранг-а, нима қиларди бу фоний дунёда шунча туғиб, уларни боқиш осон кечмасов, адойи тамом бўлади-ку боқиш, — дебди.

Буни эшитиб, коса тагида нимкоса борлигини билган Алишер Навоий гапнинг мағзини чақиб:

— Жаноблари ачинмай қўяқолсинлар. Яхшилаб парваришласа кучукваччалари ҳадемай биноийдек ит бўлиб қолишади, — деб жавоб қайтарибди.

Биноий нима дейишини билолмай тилини тишлабди.

### КИЙИКНИНГ ТУЕҒИ ҚАЕҚДА-Ю, ҚУЛОҒИ ҚАЕҚДА?

Бир куни саройда тирандозлар ҳақида гап бўлиб, Ҳусайн Бойқаро ўтказган овлари, у билан иштирок этган мерганларнинг усталиклари тўғрисида сўзлади. Шунда бир вазир ҳам ўзининг мерганлиги ҳақида мақтаниб, овга чиққанида, бир кийикни бир ўқ билан қулоғидан отиб туёғидан чиқарганлиги ҳақида сўзлади. Бундан подшо ғазабланиб:

— Аблаҳ, бу қандай гап, кийикнинг туёғи қаёқда-ю, қулоғи қаёқда? Сен бир ўқ билан қулоғидан уриб, туёғидан чиқардим, дейсан. Менинг саройимда одобсиз лофчининг жазоси ўлим, жаллод, — деб чақирибди.

Шунда Алишер Навоийнинг вазирга раҳми келибди-да, подшога қараб:

— Е Амир! Вазирнинг сўзи тўғридир, чунки ўша овда мен ҳам бирга эдим. У ўқ-ёйини тортган вақтда, тоғ устида турган кийик туёғи билан қулоғини қашиётган эди. Вазирнинг отган ўқи кийикнинг қулоғидан тегиб, туёғидан чиққани тўғри, — дебди.

Шундан сўнг подшо ғазабидан тушиб, вазир ўлимдан қутилди.

### БУЙИННИ ҲАМ ЮКДАН ХАЛОС ҚИЛИНГ

Мавлоно Соний золим киши эди. У бир неча вақт вазирлик даражасига кўтарилган эди. Бошига катта салла ўрарди. Ҳуллас, унинг ёқимсиз қилиқлари Соҳибқироннинг қуёшдек нурли дилига равшан бўлгач, улга ғазаб қилиб, бошидан салласини олиб ташлашни буюрди. Ҳазрати Амир ўша ернинг ўзида подшога юзланиб шундай дедилар:

— Бош юкини енгиллатдингиз, энди бўйин юкини ҳам енгиллатинг!

### ЎЛИГИ ҲАМ БИР БАЛО, ТИРИГИ ҲАМ!

Мусиқий фанида даврининг ягонаси Мавлоно Алишоҳ бир куни давлатли Олий ҳазратга арз қилиб, сизнинг илтифотингиздан ва марҳаматингиздан умид шуки, вақф бошқарувчилари олти ойлик маошимни бирданига берсалар, ҳар ойда хизматчиларга бош оғриқ бўлиб юрмасам, деди.

Олий ҳазрат жавоб бериб:

— Мавлоно, — деди, — умримиздан олти кун қолганми, йўқми, бизга маълум эмас, сиз нима учун омонат ҳаётга бу қадар катта эътиқод қилиб, келажак олти ойлик маошни талаб қилаяпсиз?

Мавлавий жаноблари:

— Сиз фармон беринг, у пулларни бераверсинлар, борди-ю, ўлиб қолсам, гўр-кафанимга яраб қолар, — деди.

— Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало, дегани сиз экансиз-да, — деди олий Ҳазрат.

### УЧ ЁМОННИНГ ТАЪРИФИ

Султон Ҳусайн бир куни ўз вазирларининг ақл-фаросатини, донишмандлигини синаб кўриш учун уларни ҳузурига чақирибди:

— Менга уч ёмон одам топиб келинглар, топганингизга юз тилла мукофот, топа олмаганингизга етмиш дарра, — дебди ва уч кун муҳлат берибди.

Вазирлар эир югуришиб, чор-атрофни кезишибди. Уч кун ана-мана дегунча ўтиб кетибди, лекин уч ёмон одамни тополмабдилар.

— Фақат Алишер Навоий уч кундан кейин уч ёмонни: жаллод, қассоб ва сайёдни бошлаб подшо ҳузурига келибди. Ҳусайн мирзо буни кўриб, дўстининг донолигига тасанно дебди ва шоирни тақдирлашни буюрибди. Алишер Навоий хазинадан юз тиллани олиб, ўз ижодхонасига қайтибди. Эртаси куни маҳалласидаги камбағал ва бева-бечораларга юз тиллани тақсим қилиб берибди. Уч ёмонни топиб келолмаган вазирларни эса Султон Ҳусайн етмиш даррадан урдирибди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Султон Ҳусайн яна вазирларни олдига чақириб, уч ёмонга таъриф беришни сўрабди. Яна улардан ҳеч бир садо чиқмабди. Ҳатто давраларда унча-мунча одамга гап бермайдиган маҳмадана вазир Маждиддин ҳам сувлиғини тишлаган отдек соқолини тишлаб, безрайиб тураверибди. Ҳеч ким жавоб бера олмагач, Алишер Навоий ўзи топиб келган уч ёмонга ўзи таъриф бериб:

— Жаллодга фақат фармон бўлса бас, ҳақми, ноҳақми, барибир тўғри қилинган одамни қиличдан ўтказаверади. Қассоб ҳайвонларнинг энг яхшисини сўяди, сайёд жониворларни овлайди, чиройли қушларни тутиб, қафасда сақлайди. Уларни ҳаёт гўзалликларидан маҳрум қилади, — дебди.

Султон Ҳусайн шоир Алишер Навоийнинг ақлу фаросатига, донишмандлигига қойил қолибди.

### БОШ ВА ТИЛ

Кунлардан бир кун Султон Ҳусайннинг саройида катта ўтириш бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшоҳ «От оёғи билан сув ичсин!» деган сўзи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал қўзғабдилар. Улар подшога арз қилиб;

— Тақсир, ҳар сафар Мир Алишерга бир оғиз доно сўзи учун минг танга берилар эди, энди эса икки минг танга берибсиз! Нима учун бизларга ҳам икки минг танга берилмайди? Е, бу илтифотга лойиқ эмасмизми? — Подшо уларга қараб:

— Агар менинг саволларимга яхши жавоб топсаларинг, ўша икки минг танга сиздан айлансин. Олсаларинг, олаверинглар, менинг сираям қаршилигим йўқ, — дебди.

— Майли, бизлар ҳам топамиз! Қанча савол бўлса, бераверинг, олампаноҳ.

Султон Ҳусайн вазирларига қараб туриб, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Ҳеч нарсага тушунмаган вазирлар бир-бирларига қарашиб, анграйиб тураверибдилар. Шу пайт Мир Алишер ҳам ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Султон Ҳусайн ҳамон безрайиб турган вазирларга қараб:

— Мен бошимни кўрсатдим, Мир Алишер эса бармоғи билан тилини кўрсатди. Сизлар шунинг маъносини топиб келинглар, — деб буюрибди.

Вазирлар уч кун муҳлат сўраб олибдилар. Уч кун ўйлай-ўйлай барибир ҳеч бир натижа чиқаролмай, ахири Мир Алишернинг ёнига бориб, бояги имо-ишоранинг маъносини сўрабдилар.

— Агар ҳар қайсингиз минг тангадан берсангиз, майли, айтиб бера қолай, — дебди Мир Алишер.

Қирқ вазир қирқ минг тангани қуртдек санаб бергач, у имо-ишораларнинг маъносини сўзлаб берибди.

— Султон бошга бало нимадан келади, деб сўрадилар. Мен ҳар кишининг бошига бало келса, ўзининг тилидан келади, деб жавоб бердим.

Буни эшитган вазирлар саройга қараб югурибдилар. Подшонинг олдига бориб, бири-бирига гап бермай, «Мен топдим, мен топдим!» — деб гап талашиб қолибдилар. Султон Ҳусайн уларни тинчлантириб, гап сўраса, улар боягина Мир Алишердан эшитган гапларини оқизмай-томизмай айтиб беришибди. Подшо уларнинг сўзларига ишонқирамай:

— Тўғрисини айтинглар, бу сўзларни ким ўргатди сизларга? — деб сўрабди.

— Ўзимиз топдик, тақсир! — дейишибди вазирлар.

Подшо вазирларининг ёлғон гапирганидан аччиқланиб ҳаммасини ўлимга буюрибди. Шунда қўрқиб кетган вазирлар қалт-қалт титраб, бу гапларни Мир Алишер ўргатганлигини айтиб беришибди.

Султон Ҳусайн вазирларига қараб, кулиб туриб:

— Мен Мир Алишерга икки минг танга берсам, сизлар унинг бир оғиз сўзига қирқ минг танга берибсизлар-да! — дебди.

### ХУДО САҚЛАСИН

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ораларидан ҳатто қил ҳам ўтмас оғайни эдилар. Кунлардан бир куни овдан қайтаётиб, гап талашиб қолишибди. Жоҳил вазирларнинг ғийбосию, ҳасадларидан зериккан Алишер Навоий қандай бўлмасин, саройдан кетишнинг иложини тополмай юрар экан.

— Ҳазрат, мен мана шу ерда қоламан. Энди билсам, бу тақдири азалда бор бўлиб, менинг шўр пешонамга шу хушманзара битилган экан. Бу сафар яратганнинг раъйига қарши бормассиз, деб ўйлайман, — дебди Алишер Навоий.

Ҳусайн Бойқаро тортишувнинг оқибати бундай бўлиб чиқишини ўйламаган эди. Дўстига нима деб жавоб қайтаришни билмай: «Ихтиёрингиз, тақсир!» — дебди.

Тез вақт ичида саройда Алишер Навоийнинг йўқлиги билинибди. Вазирларнинг ўзбошимчаликлари кундан-кунга кучая борибди. Ҳамма ишда ақл-идрок бўлган Ҳазрати Алишерсиз иш олиб бора олмаслигини англаган Ҳусайн Бойқаро дўстини саройга қайтаришга қарор қилибди. Биринчи куни бир вазирини юборибди. Алишер Навоий саройга қайтишга рози бўлмабди. Иккинчи куни иккита вазири аъламини юборибди, тағин кўнмабди. Учинчи куни бутун сарой аҳлини юборибди. Шоир барибир қайтишга унамабди. Ҳусайн Бойқаронинг жудаям боши қотиб, нима қиларини билмай қолибди. Вазир, уламо, ҳукамоларини йиғибди-да:

— Эртагача Алишер Навоийни саройга келтиришнинг йўлини топмасанглар, ҳаммангнинг бошингни танангдан жудо қиламан, — дебди.

Вазирлар орасида шоирга яқинроқ бир киши бор экан. Эрталаб Ҳусайн Бойқаро ёнига кириб:

— Ҳазрати олийлари. Алишер Навоийнинг олдига бир ахмоқ билан бир лақмани жўнатиш керак. Уларни Алишер Навоийдек ёмон кўрувчи кимса топилмайди, — дебди.

Бу гап Ҳусайн Бойқарога маъқул тушибди. Тезликда бир ахмоқ билан лақмани топтириб, уларга сарполар кийгизибди-да, отда шоирнинг олдига жўнатибди.

Шоир ахмоқни ҳам, лақмани ҳам танир, икковини шунчалик ёмон кўрар эканки, ҳатто улар юрган кўчадан юрмас экан.

Навоий икки отлиқни узоқдан кўрибоқ мақсадни англабди-да, йўлга отлана бошлабди. Шу пайт ахмоқ билан лақма етиб келиб, шоша-пиша отларидан тушиб, иккови букилган ҳолда шоирга салом бера кетишибди. Аммо алик бўлмабди. Шунда лақма ҳеч нарса билмагандай:

— Ниҳоятда соғиниб кетганлигимиздан, дийдорларни кўрмоқ ва нафис суҳбатларидан баҳраманд бўлмоқ мақсадида жаноби олийларининг ҳузурларига ошиқдик. Бас, шундай экан, бизни кўрибоқ ҳазратимнинг шошилинч отланишларининг боиси недур?— дебди.

Лақма сўзини тугатгунича отига миниб олган шоир:

— О, худо сақласин! Сизлар билан бир нафас бирга бўлгандан кўра, Қоф тоғини ўғирда туйганим, фалакнинг тўққиз гумбазини мана шу юрагим қони билан суваб чиққаним, қолаверса, юз йил зиндонда ўлтирганим афзалроқ, — дебди-да, отига қамчи босибди.

### БУЛБУЛНИНГ НАВОСИ

Алишер Навоий билан Биноий деган шоир бир куни катта бино олдидан ўтиб қолишибди. Бинонинг ичкарисида гулга қўниб сайраётган булбулнинг ёқимли навоси эшитиларди. Шунда Биноий Алишер Навоийни чақиб олмоқчи бўлиб:

— Ҳазрати олийлари, қаранг, йўловчилар ўтганда анави бинонинг чиройига, кўркамлигига завқ билан тикилади. Фикримча, анави сайраётган булбул ҳам ушбу бинонинг гўзаллигига таҳсин ўқиётгандек, — дебди.

Биноий бу гаплари билан нима демоқчи бўлганини англаган Алишер Навоий унга жавобан шундай дебди:

— Гапингиз тўғри, жаноби олийлари, лекин шуни билингки, кунлар ўтиб бу бино ҳам қулайди. Лекин булбулнинг навоси унинг ёқимли овози асло йўқолмайди. Дарвоқе, ҳақиқий дидли, фаросатли кишига бу ерда бинонинг серҳашамлиги эмас, булбулнинг навоси ҳузур бағишлайди. Бунга унча-бунча кишининг фаҳми етмайди.

Бу гапни эшитган Биноий қизариб қолибди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

МУҲАРРИРИЯТ МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: нэгтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛАЕВ
Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 20.55

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

индекс 64593 Буюртма 5829 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12